

ISBN: 978-93-86323-22-7

ЎЗБЕК ХАЛҚ ОҒЗАКИ НАСРИ НАМУНАЛАРИНИНГ ИНГЛИЗЧА ТАРЖИМАЛАРИДА МИЛЛИЙ КОЛОРИТНИНГ ИФОДАЛАНИШИ (эртаклар, латифалар мисолида)



Authors:

**ҲИЛОЛА
Юсупова**

Published by

Novateur Publication

466, Sadashiv Peth, M.S.India-411030
novateurpublication.org

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

ҲИЛОЛА ЮСУПОВА

**ЎЗБЕК ХАЛҚ ОҒЗАКИ НАСРИ НАМУНАЛАРИНИНГ ИНГЛИЗЧА
ТАРЖИМАЛАРИДА МИЛЛИЙ КОЛОРИТНИНГ ИФОДАЛАНИШИ
(эртақлар, латифалар мисолида)
МОНОГРАФИЯ**

Бухоро-2024

Ҳ.Ў.Юсупова - Ўзбек халқ оғзаки насри намуналарининг инглизча таржималарида миллий колоритнинг ифодаланиши (эртаклар, латифалар мисолида) (Монография). – 2024, 148 бет.

Ушбу монографияда инглиз тилига бевосита ва билвосита ўтирилган ўзбек халқ эртак ва латифалари намуналарининг таржима хронологияси, манбалари, уларда миллий колоритнинг берилиши таҳлилга олинган. Ўзбек насри намуналари инглизча таржималарининг инглиз, немис ва турк шарқшунослари талқинида инглиз тилида берилиши, таржима муаммолари, тавсифга хос хусусиятлар ёритилган. Ўзбек халқ оғзаки насри намуналарида миллийликни акс эттирувчи кийим-кечак, муомала ва бошқа атрибутларнинг таржимада акс эттирилиши билан боғлиқ муаммолар ва уларнинг ечими кўрсатиб берилган. Монография тилшунос, таржимашунос ва адабиётшунослар учун зарур ва керакли манба сифатида хизмат қилади.

Тақризчилар:

ф.ф.ф.д. доцент **Давлатова М.Х.**
ф.ф.ф.д. **Каримова Ш.К.**

Монография Бухоро лавлат педагогика институти Илмий-техник кенгашининг 2024 йил 7 октябрдаги 2-сонли қарорига асосан нашрга тавсия этилди.

КИРИШ

Миллат маънавияти ва маданиятининг хорижда танилишида таржиманинг ўрни бекиёсдир. Биринчи Президентимиз Ислон Каримов таъкидлаганидек: *“Кейинги йилларда миллий адабиётимизнинг энг яхши намуналарини чет тилларга таржима қилиш ва шу асосда халқимизнинг ҳаёт тарзи ва инсоний фазилатларини кенг намойиш этиш борасида ҳам катта имкониятлар пайдо бўлмоқда.”*¹

Шарқ ва Ғарб адабий-бадий муносабатлари, жумладан, адабий ҳамкорлиги, адабий таъсир ва акстаъсир, таржима ва унинг адабий ҳамкорликдаги ўрни ва мавқеи масалалари кўп вақтлардан буён кўплаб илмий тадқиқотлар мавзуи бўлиб келмоқда. Бу муносабатлар миллатлар орасидаги маънавий алоқанинг ривожланишига замин яратади. Жумладан, Н.Конраднинг «Восток и Запад»², Ф.Сулаймонованинг «Шарқ ва Ғарб»³, Н.Комиловнинг «Тафаккур қарвонлари»⁴ сингари китоблари бу қизиқишнинг самараси бўлди. Бу тадқиқотларда диний, адабий, маданий, маънавий муштарақлик масалалари ўрганилган. Уларда Шарқнинг Ғарбга, Ғарбнинг Шарққа таъсири натижасида адабий жараённинг ривожланишига, Шарқ шеърӣ жанрларининг Ғарб шеърӣятига таъсири, турли саргузашт асарларнинг Европа китобхонлари томонидан севиб ўқилишига асос бўлгани таъкидлаб ўтилган.

Ўтган асрнинг сўнгги йилларига келиб туркий халқларнинг оғзаки бадий ижоди Европа мамлакатлари олимларининг диққатини торта бошлади. Туркий халқларнинг қадимдан сақланиб қолган урф-одатлари, анъаналари, адабий ижоди Ғарб олимлари томонидан кенг тадқиқ этила бошлади. Шу тариқа Шарқ ва Ғарб ўртасидаги адабий алоқаларни ўрганиш бугунги адабиётшуносликнинг ҳам муҳим вазифаларидан бирига айланди.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият. 2008. – Б. 139.

² Конрад Н.И. Запад и Восток. – Москва: Гл.ред.восточ.лит-ры, 1972

³ Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. - Тошкент: Ўзбекистон, 1997.

⁴ Комилов Н. Тафаккур қарвонлари. – Тошкент: Маънавият, 1999.

Ғарб ва Шарқ мамлакатлари маданий муносабатларининг ривожланиши бадиий таржима, шу жумладан, биз ушбу тадқиқотимизга манба сифатида жалб қилаётган ўзбек фольклорининг эртак ва латифа каби эпик жанрлари намуналарининг инглиз тилига қилинган таржималарига қизиқишни ҳам кучайтирди.

Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижодининг дунё тилларидан бири – инглиз тилига қилинган таржималари эстетик савиясини ўрганиш ва унда ўзбекна миллийликнинг ифодаланиши муаммоларини илмий-назарий жиҳатдан асослаш замон тақозосига айланиб қолди. Зеро бу соҳага Ҳерман Вамбери, Идрис Шох, Ҳасан Паксой, Мэрилин Петерсен, Фрэнк Адамслар ўз имкониятлари даражасида ҳисса қўшган эди. Бироқ бу таржималар ҳанузгача тадқиқотчилар назаридан бир қадар четда қолиб келмоқда. Ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналарининг инглизча қилинган таржималарини тадқиқ қилиш ва илмий, бадиий жараённинг ўзбек-инглиз адабий алоқаларидаги ўрнини белгилаш, таҳлил этиш ўзбек таржимашунослигининг муҳим вазифаларидан бири саналади. Бинобарин, ўзбек халқ оғзаки насридан инглиз тилига анчагина намуналарнинг таржима қилингани, аммо уларнинг ғоявий-эстетик савияси ҳозиргача таҳлил этилмай ва умумлаштирилмай келинаётгани тадқиқотимизнинг долзарблигини белгилайди.

Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари сирасига кирувчи эртак ва латифалар таржималарининг салмоғи катта. Мана шу таржималарнинг қиёсий-типологик таҳлилини келтириш, бевосита ва билвосита таржималардаги маъно-мазмун, миллийлик хусусиятларининг сақланишини ўрганиш лозим. Зеро ўзбек халқ оғзаки ижодиёти бой жанрий таркиби, қадимийлиги ва анъанавийлиги, мураккаб тадрижий тараққиёт йўлини босиб ўтганлиги билан узоқ даврлардан бери дунё аҳлининг эътиборини жалб этиб келмоқда. Жумладан, буни ўзбек фольклорининг чет элларда ўрганилиши, хорижлик тадқиқотчилар томонидан ёзиб олиниб, таржима қилингани ва қилинаётгани мисолида асослаш мумкин.

Халқимиз миллий мафкураси ва руҳиятини ўзида поэтик акс эттирган фольклор намуналари чуқур ғоявийлиги ва бадиийлиги билан эътиборга лойиқ. Уларда аждодларимизнинг асрлар оша қилган орзу-ҳаваси, интилишлари, эрк ва озодлик учун кураши, бу йўлдаги алам ва изтироблари, характер-хусусияти, ўзига хос анъаналари, ижодкорлик ва бунёдкорлик салоҳияти миллий менталитетимизни ифода этувчи муҳим белгилар сифатида кўзга ташланиб туради. Шу сабабли жамиятимиз ривожини, маънавий дунёсини бойитишда етакчи роль ўйнаб келган фольклор намуналарини тўплаш, нашр этиш, ўрганиш ва уни жаҳон маънавияти саҳифаларига киритиш бугунги куннинг муҳим вазифалари сирасига киради.

Фақат умумтуркийгина эмас, ҳатто жаҳон фольклорининг ҳам таркибий қисми сифатида тан олинган ўзбек халқ оғзаки поэтик ижодини бошқа турли миллат ва ҳудудларга мансуб фольклор билан қиёсий-типологик асосда ўрганиш, улар ўртасидаги ўхшашлик ҳамда тафовутларни топиб изоҳлаш ва таржималарга хос ғоявий-бадиий хусусиятларни аслият асосида кўриб чиқиб, бу борада таржимонлар маҳоратига баҳо беришнинг илмий аҳамияти кўриниб турибди.

Ўзбек фольклори намуналарининг хорижий тилларга таржималарини ўрганиш бўйича ўзбек олимлари қатор илмий тадқиқотлар яратди. Жумладан, К.Рафиқовнинг «Хорижий адабиётшуносликда ўзбек адабиёти», Й.Нурмуродовнинг «Ўзбек фольклорининг немис тилига илмий таржималарини ўрганиш тарихи ва муаммолари», Б.Шамсиеванинг «Хорижий адабиётшуносликда ўзбек фольклори масалалари» каби ишлари шулар жумласига киради.¹ К.Рафиқовнинг ишида ўзбек адабиётининг хорижда тарқалиши хусусида сўз борган. Таъкидлаш жоизки, шулардан фақат Б.Шамсиеванинг тадқиқотигина ўзбек фольклорининг инглиз тилига қилинган таржималарига бевосита дахлдор. Унинг ишида ўзбек фольклори таржималарининг Ғарб туркшунослари томонидан илмий асосда қандай

¹ Рафиқов К.К. Узбекская литература в зарубежном литературоведении. Дисс. кан. фил. наук. – Ташкент, 1981; Шамсиева Б. Вопросы узбекского фольклора в зарубежном литературоведении. Дисс. кан. фил. наук. – Ташкент, 1994.

Ўрганилгани таҳлил қилинади ҳамда қисман таржималарда миллийлик, миллий руҳ ва ғоянинг акс эттирилиши масалалари ёритилади. Бу изланишларнинг барчасида, асосан, дostonчилик санъати, унинг халқ миллий-маданий ҳаётидаги ўрни, муаммолари ўрганилган. Оғзаки ижоднинг бошқа жанрлари диққат марказидан четда қолган ва шунчаки юзаки ўрганиб чиқилган.

Хорижий мамлакатлар туркшунослари ўз ишларида ўзбек фольклоршуносларининг илмий ишларидан кенг фойдаланишган. Бу борада XX асрнинг илмий жиҳатдан муҳим ва кенг қамровли тадқиқотлари сифатида Карл Райхл ва Ҳасан Паксойларнинг ишлари алоҳида салмоққа эга. Ҳасан Паксой кейинги даврларда ҳам ўзбек фольклоршунослари билан ҳамкорликда илмий-ижодий ишлар олиб борди. Бу ишлар билан www.folklore.com сайтининг Uzbek Folklore файлида танишиш мумкин. Жумладан, мустақилликдан кейинги даврда у «Алпомиш» достонининг ўрганилиши ҳақидаги қатор мақолалар билан танишиб, уларнинг муаллифлари билан ҳамкорликда илмий таржималар устида иш олиб борди ва «Алпомиш»нинг қайта туғилиши» мақоласини эълон қилди. Бу мақолада мустақилликдан олдинги ва кейинги даврларда «Алпомиш» достонига бўлган муносабат тарихи ўрганиб чиқилган.

Юқорида келтирилган далиллар ўзбек фольклорини хорижий тилларга ўгириш ва уларни тадқиқ этиш соҳасида маълум натижаларга эришилганини кўрсатади. Бинобарин, шу натижаларнинг ютуқ ва қусурларини ойдинлаштириш ва умумлаштириш зарурияти сезилмоқда. Шу заруриятдан келиб чиқиб, бу жараённинг ривожига хос тадрижий хусусиятларини очиб бериш лозим.

Ушбу монографияда ўзбек халқ оғзаки насридаги эртак ва латифаларнинг инглизча таржималари тарихи ўрганилди. Аён ҳақиқат шундаки, ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналарининг Ғарб тилларига ўгирилиши муаммолари ўз вақтида ҳам Ғарблик тадқиқотчиларни, ҳам республикамиз илм аҳлини қизиқтириб келаётгани қувонарли, албатта.

Хорижда бу йўналишдаги тадқиқотлар у қадар кўп бўлмаса-да, ҳар қалай, бор. Бу жиҳатдан С.Баура ва Ҳ.Паксойларнинг ишларинигина санаб ўтиш мумкин. С.Баура туркшунос олимлар В.М.Жирмунский ва Ҳ.Т.Зарифовларнинг «Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси» тадқиқотидаги маълумотларни ўзининг 1961 йили Лондонда чоп этилган “Heroic Poetry” асарида қайд этиш билан чегараланган. Бу билан у, асосан, турли халқлар эпик асарларини таққослашнигина кўзлаган ва далиллардан амалий материал сифатида фойдаланган.¹

Бошқа америкалик олим Ҳасан Паксой эса «Алпомиш» достони, унинг ўрганилиши, Марказий Осиёда бахшичилик анъаналари ҳамда бунда дин ва оғзаки ижоднинг ўзаро муносабатларига бағишланган “Alpamysh: Central Asian Identity under the Russian Rule” мавзuidaги докторлик диссертациясини ёзди.²

Халқимиз оғзаки ижодининг инглиз тилига қилинган таржималари тарихи ва уларнинг эстетик сифати муаммоларини ўрганиш, асосан, миллий истиқлол шарофати билан XX асрнинг 90-йилларидагина бошланди. Бу соҳадаги дастлабки тадқиқотлар силсиласида Б.Шамсиева ва Х.Рўзимбоев амалга оширган тадқиқотлар айрича қизиқиш уйғотади. Б.Шамсиевани инглиз адабиётшунослигида ўзбек фольклорини ўрганиш масалалари қизиқтирган бўлса, Х.Рўзимбоев Хоразм фольклорининг хорижда ўрганилиш тарихига эътибор қаратди. Ҳар иккала номзодлик диссертацияси ўз олдида кўйган мақсаднинг яқинлиги билангина эмас, балки ўзбек фольклорини хорижда ўрганиш тарихини умумлаштириши билан эътиборли.³

Фольклоршунослигимизда ўзбек халқ мақолларининг инглиз тилига ўгирилиши ҳамда ўзбек ва инглиз мақолларининг қиёсий-типологик хусусиятларини ўрганишга бағишланган Д.Раҳимбоева ва Г.Каримоваларнинг

¹ Bowra C. Heroic Poetry. London, 1961.

² P a k s o y Н.В. “Alpamysh” Central Asian Identity under Russian Rule, USA, AACAR, 1989. Таdқиқот ҳақида ишимиз давомида тўлиқ маълумот келтирамиз

³ Ш а м с и е в а Б. Вопросы узбекского фольклора в зарубежном литературоведении. Дисс.кан.фил.наук. – Ташкент, 1994; Р ў з и м б о е в Х. Хоразм фольклорининг хорижда ўрганилиши тарихидан. Фил.фан.ном.дисс. – Тошкент, 1996.

номзодлик тадқиқотлари ҳам айрича қимматга эга. Уларда илк бор ўзбек фольклорининг энг оммавий ва мустақил жанри – халқ мақолларининг инглиз тилига таржима қилиниши тарихи, мақоллар таржимасида адекватлик хусусиятлари умумлаштирилган. Мақолларнинг пайдо бўлишида халқ ҳаётий тажрибасининг роли ўзбек ва инглиз мақоллари муқоясаси ҳамда шу халқлар турмуш тарзига хос реалиялар муштараклиги замирида илмий-қийсий асосда таҳлил қилиниб, типологик хусусиятлари ойдинлаштирилиб, маълум хулосаларга келинган.¹

Шунга қарамай, инглиз тилига ўгирилган 60 та ўзбек халқ эртаги ва 150 та ўзбек латифаси устида бундай тадқиқотлар амалга оширилган эмас. Ана шу кемтикликни тўлдиришни кўзлаб, ўзбек халқ эртаклари ва латифаларининг инглиз тилига қилинган таржималари тарихи ва уларнинг қийсий-типологик ҳамда эстетик таҳлили асосида миллийликни ифодалаш муаммоларини ўрганиш ва умумлаштириш заруриятини бугунги халқаро муносабатлар, янада аниқроғи, ўзбек-инглиз маънавий-маданий муносабатлари тақозо этмоқда.

Тадқиқот материаллари сифатида 1997 йили Бишкекда ўзбек, рус, инглиз ва қирғиз тилларида чоп этилган «Ўзбек халқ эртаклари»; 1999 йили ЮНЕСКО томонидан нашр этилган «Tales From The Silk Road» (Тинчлик Корпуси Кўнгиллилари томонидан таржима қилинган) ўзбекча-инглизча эртақлар тўплами, 2000 йили АҚШда чоп этилган «Treasury of Uzbek Legends and Lore» номли ўзбек халқ эртаклари, ривоятлари, урф-одат ва латифалари таржимасидан иборат тўплам (Мерилин Петерсен томонидан тўпланиб, бевосита инглиз тилига ўгирилган); “Шарқ” нашриётида 2007 йили чоп этилган “Uzbek Fairies Tales” (ўзбек, рус ва инглиз тилларида); 1974 йили Идрис Шоҳ томонидан тўпланиб инглиз тилига ўгирилган ва Лондонда чоп этилган Мулла Насриддин ҳақидаги латифалардан таркиб топган “The Exploits of the Incomparable Mulla Nasriddin” тўплами ҳамда 2007 йили

¹ Раҳимбаева Д. Сравнительная типология узбекских народных пословиц. Дисс. кан. фил. наук. – Ташкент, 2002.

«Санъат» нашриёти томонидан нашр этилган “Khodja Nasriddin” латифалар тўплами ва уларнинг аслият нусхалари танланди.

Мазкур монография ўзбек халқ эртаклари ва латифаларидан инглиз тилига қилинган воситали ва бевосита таржималарнинг тарихи, умумназарий ва хусусий жиҳатлари, таржима матнини аслиятга яқинлаштириш имкониятлари, бу борада эришилган ютуқлар ва йўл қўйилган камчиликлар, уларнинг сабаб ва оқибатлари илк маротаба тадқиқ этади. Монографияда биринчи марта ўзбек халқ эртакларини инглиз тилига таржима қилиш жараёнида ундаги миллий тушунча ва образларни, бадиий деталларни сақлаб қолишга хизмат қилувчи услубий йўллар илмий жиҳатдан аниқлаб берилди. Латифаларни инглиз тилига таржима қилиш жараёнида уларга хос шакл ва мазмунни, юмор ва сатирани сақлаб қолиш йўллари тадқиқ қилинди.

I БОБ

ЎЗБЕК ФОЛЬКЛОРИ НАМУНАЛАРИНИНГ ИНГЛИЗ ТИЛИГА ТАРЖИМАЛАРИ ВА ЎРГАНИЛИШИ

I.1 Ўзбек фольклори намуналарининг инглиз тилига таржималарига асос бўлган омиллар

Европа мамлакатларида Шарқ адабиётига қизиқиш XVI асрдан бошланди. Кристофер Марлонинг “Буюк Темур” (“Tamburlaine the Great”) фожиаси яратилиши билан бошланган бу ҳаракат тобора жадаллашиб борди. Бунинг натижасида, кейинчалик, Жон Драйденнинг “Аврангзеб” драмаси яратилди, “Минг бир кеча” эртаклари француз, инглиз ва бошқа қатор Европа тилларига таржима қилинди.

Инглиз шоири Байрон адабиёт сахнасига кўтарилгандан кейин, Англияда Шарқ ҳақидаги асарларнинг салмоғи янада ортди. Адиб “Чайльд Ҳарольд зиёратлари” (“Childe Harold’s Pilgrimage”) ва “Шарқ қиссалари” (“Sketches of East”) асарлари орқали Шарқ халқлари маданиятига бўлган қизиқиши ва ҳурмат-эътиборини намоён этди.

Дунё, хусусан, Шарқ тамаддунида юртимизнинг алоҳида ўрни бор. Бу заминда яратилган маънавий мерос, айниқса, адабий асарларни жаҳон афкор оммасига таништиришда таржима муҳим роль ўйнайди. Таржима орқали турли миллат вакиллари ўзбек адабиётининг ноёб дурдоналари, замонавий асарлари, оғзаки ижод намуналаридан баҳраманд бўлиб, ўзбек халқининг маънавий ҳаёти, яшаш тарзи ҳақида етарли маълумотга эга бўладилар. Шу сабаб истиқлол йилларида бу соҳанинг кенгайиши учун янада қулай имкониятлар яратилди.

Таржима бир тилда яратилган нутқий ифодани, имкон қадар унинг шакл ва мазмун бирлигини сақлаган ҳолда ўзга тил воситалари асосида қайта яратишдан иборат ижодий жараён. Демак, маълум бир тилга мансуб лисоний воситалар орқали яратилган нутқий ифода таржима тили қонуниятлари асосида шундай ифода билан алмаштирилади. Шу йўл билан аслият ва таржима тиллари матнларининг мазмуний-услубий адекватлиги (муқобиллиги) юзага келтирилади.

Таржима – аслиятни қайта яратиш, қайта талқин этиш санъати. Бадиий адабиёт намуналарини бошқа бир тилда қайта яратиш таржимачилик ва таржимашуносликда алоҳида ўрин эгаллайди. Ўгирилаётган матннинг хусусияти бадиий таржиманинг хусусиятини белгилайди. Бадиий адабиёт намуналари бошқа нутқий ифодалардан шуниси билан фарқ қиладики, унда эстетик ва поэтик жиҳатлар ҳукмронлик қилади. Асл нусханинг шакл ва мазмун бирлигини, яхлитлигини бежирим ифода этиш учун таржима тилида муқобил ифода воситаларини қидириб топиш зарурати туғилади. Бу жараён асл нусха мазмунини ўзга тилда ифода этишнинг қатор имкониятлари орасида энг мақбулини танлаб олишни тақозо этади.

Таржима миллий-маънавий ҳаётни бойитиб, маданиятлар ривожига ижобий таъсир кўрсатади. Миллий маънавият, маданиятни акс эттиришда халқ оғзаки ижоди, шубҳасиз, айрича мавқега эга.

Ўзбек халқ оғзаки ижодини хорижда ўрганиш XIX асрнинг иккинчи ярмида, аниқроғи, венгер олими Ҳерман Вамбери ташаббуси билан бошланиб, унинг бой тажрибаси бу борадаги кейинги ишлар учун пойдевор вазифасини ўтади. Ўзбек фольклори намуналарини инглиз тилига ўгириш ҳаракати ҳам айнан шу сарчашмадан сув ичди.

Хориж олимлари туркий фольклорнинг ўрганилишида ўз олдиларига турлича мақсад ва вазифалар қўйганлар. Уларнинг асосий мақсадлари сирасига дунё оғзаки адабиётини ўрганиш ва унинг турли миллат ва худудларга мансуб жиҳатларини қиёсий-типологик асосда таҳлил қилиш, шу асосда фольклор намуналаридаги ўхшашлик ҳамда тафовутларни топиб, уларни изоҳлаш ва таржималарга хос ғоявий-бадий хусусиятларни кўриб чиқиш, таржимонлар маҳоратига баҳо беришдан иборат бўлган. Ўрганиладиган муаммоларга эса уларнинг муносабатлари турлича акс этган.

Умуман олганда, туркий фольклорга муносабат икки йўналишда олиб борилмоқда. Уларнинг бири – фольклор намуналарини илмий ва бадий мақсадларда таржима қилиш ва уларга тааллуқли муаммоларни илмий-назарий ўрганиш бўлса, иккинчиси, ўзбек фольклоршунослари қарашларини чет эл фольклоршунослари қарашлари билан таққослаш ва ўзбек халқ оғзаки ижодининг инглизчага қилинган айрим ўгирмаларини аслият билан таққослаб ўрганишдан иборат.

Илмий изланиш давомида ўзбек фольклори намуналари таржимасининг Ғарбда амалга оширилиши юзасидан қирққа яқин манбани аниқлашга муваффақ бўлинди. Уларнинг аксарияти Англия, АҚШ ва Германияда нашрдан чиққан.¹ Таржималарнинг бошланғич манбаи немис туркшунослари

¹ Vambery A. Scenes From the East (Through the Eyes of a European traveler in 1860), Corvina, Kiads, Budapest, 1979; Bowra C. Heroic Poetry, London, 1961; Lamont C. The Peoples of the Soviet Union. New York, 1946; Shah I. The Exploits of Incomparable Mulla Nasrutdin, London, 1974; Schoolbraid G. M. The Oral Epic of Siberia and Central Asia, Indiana, 1975; Paksoy H.B. "Alpamysh" Central Asian Identity under Russian Rule. USA, AACAR, 1989; Reihl K. Uzbek Epic Poetry: Traditions and Poetic Diction.- Hainsworth, 1989.

изланишлари ҳосиласидир. Зеро, таржиманинг катта қисмини эртак, латифа, афсона сингари оғзаки наср ва лоф каби халқ драмаси намуналари ташкил этади.

Юқорида тилга олганимиз, Ҳерман Вамбери 1832 йил Венгрияда камбағал оилада таваллуд топган. Олим 1856 йил етарли пул жамғариб, Константинополга келади ва туркий халқларнинг урф-одатлари, тилларини пухта ўрганишга киришади. 1862 йил эса у Константинополдан Техронга йўл олиб, ўзининг Ўрта Осиёга узоқ саёҳатини бошлайди. Ниҳоят, 1863 йил Ўзбекистонга, аниқроғи, Хивага, шу йилнинг июль ойида эса Бухорога келади. Ўзининг ўн саккиз кунлик Бухородаги саёҳати мобайнида Вамбери Бухоро амирлигидаги маданий, иқтисодий, сиёсий ҳаёт билан қизиқади, урф-одат, анъаналар, шаҳар обидалари ва диққатга сазовор жойлари билан танишади. Шу танишуви натижаси ўлароқ, 1871 йилда «Бухоро ёхуд Моворауннаҳр тарихи» асари чоп этилади.²

Техрон саёҳатининг биринчи кунидан то Самарқандга келгунигача Вамбери халқ оғзаки ижоди материаллари билан танишади, уларни тўплайди, маҳаллий халқнинг ўтмиши ва ўша даврдаги туркий халқларнинг турмуш шароитлари, ҳаёти ҳақидаги материалларни ўз йирик асарларига киритади. Унинг саёҳати ва Ўрта Осиё халқлари ҳаёти ҳақидаги материаллари Европада катта шов-шувга сабаб бўлди. У Европанинг турли давлатлари олий ўқув юртларида бўлиб, маърузалар ўқиди, Ўрта Осиё халқлари тарихи ва ҳаётига доир йирик асарлар яратди.

Вамбери Ўрта Осиё ҳақидаги тадқиқот ишларида асосий эътиборни шу ҳудуд халқлари – туркман, қозоқ, қирғиз ва ўзбекларнинг тарихий, илмий, маданий-адабий ҳаётига қаратади. Унинг ишлари ўзбек фольклори намуналарининг хорижда ўрганилиши борасидаги бебаҳо тадқиқот манбаи ҳисобланади. Олим 1860 йил “Scenes From the East” («Шарқ ҳаётидан

² Вамбери Ҳ. Бухоро ёхуд Маворауннаҳр тарихи. Китоб 1871 йилда ёзилган, 1872 йилда икки жилдада нашр этилган. Фотиҳ Каримий ва Бурҳон Шариф томонидан ўзбек тилига таржима қилинган.

лавҳалар») асарини чоп эттирган. Унда туркий халқларнинг ҳаёти, яшаш тарзи, анъаналари ҳақида кенг маълумотлар берилган.¹

Ҳерман Вамберидан бошланган бу жараён айти пайтгача давом этиб, туркийшунос немис олимаси Илза Сиртаутас хоним таржималари билан янада бойиб келмоқда. Ўзбек фольклори намуналарининг хорижда кенг тарқалиши ва ўрганилишида туркийшунос немис олимларининг ҳиссаси беқиёс.

Ўзбек халқ оғзаки ижодининг Ғарб туркийшунослари томонидан Европа тилларига ўгирилиши ва ўрганилишида Ҳерман Вамбери, Анна Стронг, эр-хотин Чадвиклар, Сесил Морис Баура, Ҳасан Паксой, Карл Райхл, Якоб Таубе ва Илза Сиртаутас каби олимларнинг хизматлари катта бўлди. Бироқ улар орасида Карл Райхл ўзбек фольклоридан айрим намуналарни икки тилга – инглиз ва немис тилларига таржима қилиб, уларни Ғарб ўқувчилари эътиборига ҳавола эта олганлиги билан эътиборга тушди.²

Ўзбек халқ эртакларининг немис тилига қилинган таржималари айрим ишларда ўрганилган. Ўз номзодлик диссертациясида, асосан, дostonларнинг немис тилидаги таржималарини ўрганган Й.Нурмуродов қисман латифа ва эртаклар таржимасига ҳам эътибор қаратган. Ишда, айниқса, немис олими Карл Райхл томонидан амалга оширилган «Юсуф ва Аҳмад» дostonи ҳамда ўзбек халқ эртаклари ва латифалари таржималари масаласига алоҳида ўрин ажратилган. Шуниси қизиқарлики, немис мутаржимлари миллий эртакларимизни бевосита аслиятдан ўз тилларига ўгиришни бошлаб, бу орқали таржима соҳасида тамомила янги жараённи бошлаб бердилар. Бу силсилага Карл Райхл, Илза Сиртаутас, Якоб Таубеларнинг таржималарини киритиш мумкин. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бу ишларда ўзбек халқига

¹ Vambery A. Scenes From the East (Through the Eyes of a European traveler in 1860), Corvina, Kiads, Budapest, 1979.

² Uzbekische Maerchen. Herausgegeben und uebersetzt von Karl Reichl. Bochum, 1978; Maerchen der Usbeken: Samarkand, Buhara, Taschkent. Herausgegeben und uebersetzt von I.L.Cirtautas. Koeln, 1984.

хос миллий хусусият ва реалиялар, миллий-маънавий қадриятлар тўлиқ ўз ифодасини топган.¹

Хуллас, хорижликларнинг туркий халқлар фольклорига қизиқиши XIX аср охирида янада авж олди. XX аср бошларида ўзбек фольклори намуналарининг олмон тилига қилинган таржималари сон жиҳатидан бирмунча кўпая борди. Чунончи, 1911 йилда немис фольклоршуноси Альберт Веселски турк, араб, монтай, хорват, серб, грек халқларининг латифа ва кулгили ҳикояларини тўплаб, Веймарда икки томда «Хўжа Насриддин» номи билан нашр эттирди.² 1923 йилда Густав Юнгбауер “*Marchen aus Turkestan und Tibet von Gustav Jungbauer*” («Туркистон ва Тибет эртақлари») мажмуасини Венада нашрдан чиқарди.

Ўзбек фольклоридан айрим намуналарни дастлаб ёзиб олувчи, текширувчи ва нашр эттирувчилар XIX асрнинг 2- ярми ва XX аср бошларида яшаган рус Шарқшунослари, сайёҳлари, элчилари, Чор маъмуриятининг расмий кишилари бўлишган. Уларнинг кундаликлари ва асарларида ўзбек халқининг маиший турмуши, урф-одати, оғзаки ижоди бўйича муҳим қайдлар мавжуд. Худди шу даврдан, яъни XIX асрнинг 2-ярмидан бошлаб ўзбек фольклорининг айрим намуналари дунё миқёсида танила бошлади.

Ўзбек фольклори намуналарининг инглиз тилига ўгирилиш жараёни асримиз, яъни XXI аср бошларида янада жонланди. Бунинг асосий омилларидан бири АҚШ кўнгиллиларининг ўзбек халқи турмуш тарзи билан яқиндан таниша бошлашдаги фаолликларидир. Зеро, ўзбек болаларига инглиз тилини ўргатиш ва уларнинг интилишларини қондириш мақсадида АҚШдан келган кўнгиллилар ўз хизмат вазифаларини бажариш баробарида халқнинг маънавий-маиший ҳаётини ҳам ўрганиб, етарлича маълумот йиғиб олдилар.

Бугунги кунга келиб инглиззабон халқлар орасида ўзбек фольклорига оид қатор илмий, бадиий асарлар пайдо бўлдики, улар ўзбек халқ оғзаки ижодининг Европа ва океанорти мамлакатларида танилишига ҳамда кенг

¹ Нурмурадов Ю. Проблема научно-литературного перевода узбекского фольклора на немецкий язык. Дисс.кан.фил.наук. – Ташкент, 1982.

² Albert Wesselski. Der Hodscha Nasriddin.- Welmar, 1911.

Ўрганилишига замин яратмоқда. Бироқ изланишлар шуни кўрсатиб турибдики, бу соҳада замонавий таржимашунослик эришган ютуқлар ҳали талаб даражасида эмас. Нашр этилган қатор асарлар таржимаси келажақда тиллараро ва илмий ҳамкорликнинг бошланғич қадами ҳисобланади, холос. Ғарб туркийшунослари томонидан ўрганиб чиқилган ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналари ва уларнинг инглиз тилидаги таржимаси хилма-хил ва жиддий тадқиқотларни талаб қилади. Бинобарин, бу соҳанинг ривожини учун Ғарб ва ўзбек фольклоршунослари, таржимонлари йўлга қўядиган илмий ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этади.

АҚШ ва Англия тадқиқотчи олимлари томонидан инглиз тилига таржима қилинган ўзбек фольклори намуналари, хусусан, эртақлар ва латифаларга хос хусусиятларни ўрганиш ишимизнинг асосий мақсади ҳисобланар экан, бу хусусда Интернет сайтлари ва маҳаллий оммавий ахборот саҳифаларидаги маълумотларда баъзи англашилмовчиликларга ҳам дуч келдик. Бинобарин, буларга шу ўринда ўз муносабатимизни билдиришни жоиз ҳисоблаймиз. Чунончи, 2005 йилнинг май ойида Интернет сайтларида мисрлик адиб ва таржимон Абдурахмон ал-Ҳамисий ўзбек халқ эртақларининг икки томлик тўпламини 2005 йил Қоҳирада инглиз тилида нашрдан чиқарди, деган маълумот эътиборимизни тортди. Миср Араб Республикаси элчихонаси маданият ишлари маслаҳатчиси, Миср Фан ва таълим маркази директори жаноб Маҳди Муҳаммад Мурси кўмагида шуни аниқладикки, Абдурахмон ал-Ҳамисий таржима билан умуман шуғуланмаган ва фақатгина назмда ижод қилиб келган Мисрнинг атоқли шоирларидан экан.¹

“Жаҳон” ахборот агентлигининг 2007 йил 5 июлда «Халқ сўзи» газетасида чоп этирилган «Анъанавий ўзбек қадриятлари ҳамда урф-одатларини сақлаш ва қайта тиклаш: хориждан нигоҳ» сарлавҳали мақоласида немис туркийшунос олими, профессор Илза Лауде Сиртаутас хоним 1980 йилда элликка яқин ўзбек халқ эртақларини инглиз ва немис

¹ <http://www.google.uz>. Uzbek Tales.

тилларида чоп эттиргани қайд этилган.² И.Л.Сиртаутас хоним айни дамда АҚШ Индиана университетининг Марказий Осиё тиллари кафедраси раҳбаридир. Йўллаган мактубимизга жавобан Сиртаутас хоним, дарҳақиқат, ўзбек халқ эртақларини немис ва инглиз тилларига таржима қилгани, немис тилига қилган таржималари икки марта нашр этилгани, бироқ инглиз тилига қилган таржималари ҳали ҳеч қаерда чоп этилмаганини маълум қилди.

Мавжуд таржималар асосида қуйидаги маълумотларни таҳлил қилишга муваффақ бўлдик:

XIX асрнинг биринчи ярмида Англияда илк марта озарбайжон достони «Керўғли» инглиз тилига А.Ходзко томонидан таржима қилиниб, 1842 йилда чоп этилган. У инглиз тилига таржима қилинган биринчи туркий дostonдир.

Ўзбек халқи миллий маданияти, урф-одатлари, туриш-турмуши ҳақидаги асарлар хориж адабиётида, айниқса, инглиззабон мамлакатлар адабиётида XIX асрнинг II ярмида, айнан 1860 йиллардан эътиборан пайдо бўла бошлаган.

Бу изланишлар XX асрда ҳам давом этди. 1929 йилда америкалик саёҳатчи ва тадқиқотчи Анна Луиза Стронг ўзининг “Red Star in Samarkand” китобини Нью-Йоркда нашрдан чиқарди. Таъкидлаб ўтиш жоизки, Анна Стронг Ўрта Осиёнинг қатор давлатлари – Қирғизистон ва Қозоғистон, шунингдек, Хитой ва Ҳиндистон давлатларида бўлиб, улар ҳақида тўплаган материаллари асосида маълумотларга бой қатор асарларини чоп эттирган. “Red Star in Samarkand” асари ана шулар сирасидан бўлиб, унда ўзбек халқи оғзаки ижоди, тўй ва бошқа маросимлари ҳақида қизиқарли маълумотлар келтирилган. Асарда баъзи бир лирик, ҳажвий, ишқ-муҳаббат ҳақидаги халқ кўшиқларининг инглиз тилидаги таржималари ҳам берилган. Бироқ бу таржималар бадий эмас, аксинча, тасвирий характерга эга бўлиб, аслият ҳақида умумий тушунча беради, холос.¹

² “Жаҳон” ахборот агентлиги. Анъанавий ўзбек кадриятлари ҳамда урф-одатларини сақлаш ва қайта тиклаш: хориждан нигоҳ. Халқ сўзи. 2007 йил, 5 июль. №130.

¹ Bowra C. Heroic Poetry. London, 1961.

Америкалик олим Корлис Ламонтнинг 1946 йили чоп этилган “The Peoples of the Soviet Union” («Совет Иттифоқи халқлари») китоби ҳам Ўрта Осиё халқларининг яшаш тарзига доир маълумотларга бойлиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Унда Ўрта осиелик халқлар ҳаётини ифодаловчи расмлар, шунингдек, маиший, этнографик тасвирлар, миллий ўйинлар ва афсоналар таржималари мавжуд.²

XX асрнинг 60-йилларига келиб туркийзабон халқларнинг оғзаки ижоди ҳақидаги изланишлар Ғарб адабиётида янада кенгрок ўрин эгаллай борди. Хусусан, 1961 йил олим Сесил Морис Бауранинг “Heroic Poetry” китоби Лондонда чоп этилди. Асарда асосий эътибор бахши тайёрлаш, уларнинг куйлаш маҳорати, анъаналар, бахшиларнинг ижтимоий муҳит ва динга муносабати муаммоларини ёритишга ҳаракат қилинган. Шунинг таъкидлаш жоизки, С.Бауранинг бундай қарашлари 80-йилларнинг ўрталарига келиб бошқа бир хорижий фольклоршуносни ҳам қизиқтира бошлади. Немис фольклоршунос олими Карл Райхл ўзбек фольклори ва унинг хорижда ўрганилиши ҳақида қатор асарлар яратди.³

Бундай қизиқиш самарасини Идрис Шохнинг “The Exploits of Incomparable Mulla Nasrutdin” китоби мисолида ҳам эслатиш ўринлидир.⁴ 1974 йили Нью-Йоркда чоп этилган ушбу китобда Насриддин афанди ҳақидаги юздан ортиқ латифаларнинг инглизча таржимаси берилган. Маълумки, Насриддин афанди образи туркий халқларнинг барчасида мавжуд бўлиб, тўпламдаги латифаларнинг элликка яқини ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналаридир.

1975 йилда америкалик олим Г.М. Шульбрайд «The Oral Epic of Siberia and Central Asia» («Сибирь ва Марказий Осиё халқларининг оғзаки эпик ижодиёти») асарини нашрдан чиқарди. Бу асарнинг 80-83-бетларида ўзбек халқ оғзаки ижодининг дурдонаси «Алпомиш» достонидан қисқа лавҳа

² Lamont C. The Peoples of the Soviet Union. New York, 1946.

³ Бу ҳақда кейинги саҳифаларда тўхталамиз.

⁴ Shah I. The Exploits of Incomparable Mulla Nasrutdin. New York, 1974.

келтирилган ва дostonнинг нима ҳақда эканлиги, унга бўлган муносабатларга доир маълумотлар берилган, 83-86-бетларида эса қорақалпоқ фольклори намунаси «Қирқ қиз» сюжети келтирилган.¹

Ўтган асрнинг 80-йилларига келиб хорижда, айниқса, Ғарб мамлакатларида туркшунослик, туркий адабиёт, халқ оғзаки поэтик ижодига кизиқиш янада ортди. Туркийшунос олимларнинг қатор назарий асарлари инглиз тилига ўгирила бошланди. Туркийзабон мамлакатлар фольклори Ғарб олимларининг диққат марказида бўлиб қолди. Бу соҳада Н.Чадвик, Г.Шулбрайт каби америкалик, К.Райхл каби германиялик, Оксфорд университети профессори Ҳ.Паксойнинг ҳиссалари алоҳида ўрин тутди. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, Ҳасан Паксойнинг “Alpamysh” Central Asian Identity under Russian Rule” номли тадқиқотида келтирилган «Алпомиш» достони 832 қатордан иборат бўлиб, аслида қорақалпоқ варианты ҳисобланади ва дostonнинг ҳажман энг кичик намунасидир. Паксой ўз ишида шу нусхани ҳар тарафлама таҳлил қилишга ҳаракат қилган. Дoston тарихи, тили, вариантлари ва унинг инглизча таржимасига тўхталган. Паксойнинг таъкидлашича, у бу дoston таржимасини 1901 йилда фольклоршунос олим Абубакир Диваев томонидан нашрга тайёрланиб, В.М.Ильин томонидан Тошкентда нашр этилган нусха асосида амалга оширган. Ўз докторлик диссертациясини Паксой айнан ана шу нусхага бағишлаган. Ишнинг асоси сифатида 1901 йилда нашр этилган юқорида келтирилган нусха ва 1922 йилда А.Диваев қайта нашр эттирган, кенгайтирилган вариантга таянган. Олим ҳар иккала нусхадаги ҳолатларни қиёсий ўрганиб чиққан. Тадқиқот «Алпомиш» дostonининг А. Диваев нашр эттирган нусхасининг инглизча таржимасини ҳам ўз ичига олган. Ишда дoston жанри ҳақида маълумот бериш билан бирга Ҳасан Паксой «Алпомиш» дostonининг яратилиш тарихи, асрлар оша унга бўлган муносабат тарихига ҳам тўхталиб ўтган. Бунда икки давр – собиқ иттифоқ давригача дostonнинг ёзиб олинishi, нашр этилиши ва ўрганилиши,

¹ Schoolbraid G. M. The Oral Epic of Siberia and Central Asia. Indiana, 1975, 80-83-бетлар.

иттифоқ даврида фольклор жанрларига муносабат, «Алпомиш» достонининг бу даврда тазйикқа олиниши таъкидлаб ўтилган. 1952 йилдан бошлаб «Алпомиш» диний қарамлик ва фанатизмни эмас, аксинча, ишонч, жасорат, инсонийлик, ўзаро ёрдам каби хусусиятларни мужассамлаштирган асар сифатида баҳоланган мақолалар пайдо бўла бошлагани, бинобарин, ўзбек олимлари достоннинг асл мавқеини тиклаш борасида анча машаққатли иш қилганликларини, бунда Ҳоди Зариф, Мақсуд Шайхзода, Ҳамид Олимжон, Тўра Мирзаевларнинг хиссалари бениҳоят катталигини алоҳида таъкидлаб ўтган.¹

1989 йилда немис туркийшунос олими, ўзбек фольклори бўйича немис тилидаги қатор илмий ва бадиий асарлар муаллифи, таржимон ва фольклоршунос Карл Райхл “Uzbek Epic Poetry: Traditions and Poetic Diction” («Ўзбек эпик шеърляти: анъаналар ва бадиий услуб») асарини нашрдан чиқарди. Муаллиф бу асарда эпик ижод намуналарининг поэтик услуби, «достон», «бахши» сўзларининг этимологиясини кўриб чиқди. Шуни айтиб ўтиш жоизки, ўзбек фольклорининг хорижда тарқалишида Карл Райхлнинг хизмати беқиёс. Ўзбек тилини анчагина яхши билган бу олим ХХ асрда фольклор жанрларининг қиёсий ўрганилиши устида ўз илмий изланишларини олиб борган. Қиёсий таҳлил асосида туркий халқлар оғзаки ижоди намуналари орасидаги ўхшашлик ва фарқларни ёрқин ифодаловчи аниқ ва қизиқарли маълумотлар келтирган.

Карл Райхл ўзбек халқ анъаналари ва оғзаки ижоди намуналари муаммоларини ўрганар экан, достоннинг ижро этилишида бахшидан катта маҳорат талаб қилинишини тўғри таъкидлаб ўтади. Мутаржим фикрича, шоир, бахши нафақат куйловчи ёки импровизатор, балки достоннинг янги яратувчиси ҳам ҳисобланади.¹

ХХ асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб айна пайтгача давом этаётган таржимачилик жараёни яна кўплаб ишлар эвазига бойиб борди. Мисол

¹ Paksoy H.B. “Alpamysh” Central Asian Identity under Russian Rule. USA, AACAR, 1989.

¹ Reihl K. Uzbek Epic Poetry: Traditions and Poetic Diction. Hainsworth, 1989.

Novateurpublication.org

сифатида, 1989 йилда Идрис Шохнинг синглиси Амина Шох нашр эттирган “Tales From the Bazaars” («Бозор эртаклари»), “Fairy Tales of The Central Asia” («Марказий Осиё сеҳрли эртаклари»), “Fairy Tales of Arabia” («Арабистон эртаклари») тўпламларини кўрсатиш мумкин. Улардаги эртаklar маҳаллий аҳолидан ёзиб олинган бўлиб, муаллиф уларни Марказий Осиёдаги турли халқлардан, жумладан, чўпонлар ва бошқа касб вакилларида қандай эшитган бўлса шу ҳолича ёзиб олган. Бироқ улар орасида айнан ўзбек эртаклари таржималари учрамаса-да, сайёр сюжетдаги «Озодбахт ҳақида эртак» ўзбек халқ эртаклари орасида ҳам мавжуд.

Ўзбек халқ эртаklarининг инглиз тилидаги яна бир таржимаси 1997 йил Бишкекда чоп этилган. Бу нашр «АҚШ – Қирғизистон» жамғармаси амалга оширган «Қирғизистон Республикасида гуманитар таълим трансформацияси» дастури доирасида тайёрланган. Тўплам “Uzbek Folk Tales” («Ўзбек халқ эртаклари») деб номланади ва ўн иккита эртакни ўз ичига олади. Булар «Қилич ботир», «Муқбил тошотар», «Семурғ», «Доно қизлар», «Нон қудрати», «Донишманд чўпон», «Зумрад ва Қиммат», «Бўри билан тулки», «Хунарли йигит», «Ота васияти», «Ур, тўқмоқ», «Хар кимнинг меҳнати ўзига ширин» каби эртаklarдир. Тўплам Мухтор Жўраев томонидан тузилган бўлиб, ундаги эртаklar тўрт тилда – ўзбек, қирғиз, рус ва инглиз тилларида берилган. Тўпламнинг русча матнини Л.Челнокова, инглиз матнини эса Е.Синельщиков нашрга тайёрлаган.

1999 йилда ЮНЕСКО томонидан “Tales From the Silk Road” тўплами нашр этилди. Ундан ўнта ўзбек халқ эртаги таржимаси ўрин олган. Шунингдек, тўпламда Буюк Ипак йўлида жойлашган мамлакатлар эртаклари ҳам келтирилган. Тўплам ҳақида ўзбек ўқувчиларига Тинчлик Корпусининг Ўзбекистондаги кўнгиллиси Фрэнк Адамс маълумот бераркан, унда мавжуд ўнта ўзбек эртаги таржимасидан нусха кўчириб фонд кутубхонасига келтирганини қайд этади. Тўпламдаги эртаklar, мутаржим фикрича, ўрта

мактаб ўқувчиларига инглиз ва ўзбек тилларини ўрганишга катта ёрдам беради.¹ Бу эса нашрдан кузатилган бош мақсаддир.

Ўзбек фольклори намуналарининг инглиз тилига таржима қилинишида Тинчлик Корпуси кўнгиллилари ҳам ҳисса қўшдилар. Бу жиҳатдан, айниқса, 2000 йилда Мерилин Петерсен томонидан ўзбек фольклорининг инглиз тилига ўтирилган намуналари асосида тартиб берилган “Treasury of Uzbek Legends and Lore” тўплами эътиборлидир. Тўпланда ўзбек халқ оғзаки ижодининг афсона, эртак, мавсум-маросим қўшиқлари, латифа ва халқ ўйинлари каби хилма-хил жанрлари намуналаридан амалга оширилган таржималар берилган.²

Юқорида келтирилган далиллар ўзбек фольклорини хорижий тилларга ўгириш ва уларни тадқиқ қилиш соҳасида маълум натижаларга эришилганлигини кўрсатади. Бинобарин, шу натижаларнинг ютуқ ва камчиликларини ойдинлаштириш ва умумлаштириш зарурияти сезилмоқда. Шу заруриятдан келиб чиқиб, бу жараённинг ривожига хос тадрижий хусусиятларни очиб бериш лозим.

Хуллас, ўзбек фольклорининг жаҳоншумул шуҳрати унинг жанрларини дунё халқлари тиллари, жумладан, инглиз тилига ҳам ўгиришга етакчи асос бўлган. Шу орқали ўзбек фольклори жаҳон оғзаки адабиёти саҳифасини бойитган манбалардан бирига айланган. Туркий фольклорнинг бир қисми бўлган ўзбек фольклорига Ғарб олимлари зўр қизиқиш билан қараганлар. Ўзбек фольклорининг қадимийлиги ва анъанавийлиги, жанрий бойлиги ва бадиий баркамоллиги улар томонидан махсус эътироф этилган.

I.2. Ўзбек фольклори муаммолари инглиззабон туркшунослар

талқинида

¹ Tales from the Silk Road. - UNESCO, 2004.

² Petersen Marilyn. Treasury of Uzbek Legends and Lore.- Toshkent: Qatortol-Kamolot, 2000; Мерилин Петерсен 1996–2000 йилларда Тинчлик Корпусининг кўнгиллиси сифатида Бухоро вилоятида истикомат қилиб, маҳаллий халқнинг урф-одат ва анъаналари билан қизиқиб, талай материаллар йиққан ва уларни ўз она тилига ўтирган.

Венгер олими Ҳерман Вамберининг инглиз тилида Англияда чоп этилган “Sketches of Central Asia” («Марказий Осиё очерклари») китоби саккиз бобдан иборат бўлиб, унда туркий халқлар тарихи ва маданияти, жумладан, Ўрта Осиёда қулчилик, Туркистоннинг уч катта ҳудуди – Бухоро, Хива ва Қўқон халқлари ҳақида маълумотлар келтирилган. Олим шу билан бир қаторда халқ бахшиларини тайёрлаш, эртақчи ва қўшиқчиларнинг пайдо бўлиши, дostonлар яратиш тўғрисида ҳам тўхталиб ўтилган.

Вамбери Марказий Осиё бўйлаб сафар қилар экан, бу ҳудудда истиқомат қилувчи халқлар ҳаётини қиёсий ўрганиб боради. Олим ўзининг этнологик кузатишлари асосида бола туғилишидан то инсон ўлимига қадар унинг ҳаётида содир бўладиган анъана, урф-одатлар, хатна тўйи, боланинг улғайиб, оила қуришигача бўлган бутун ҳаётий жараёни тасвирлашга ҳаракат қилади. Бироқ Вамбери расм-русумларни баён этади-ю, уларга дахлдор айтимлар ёки фольклор намуналарини келтирмайди.¹

Асарда шулар қаторида туркий халқларнинг кийими, тақинчоқлари, таълим муассасалари ва байрамлари ҳақида ҳам анча маълумотлар берилган. Бу маълумотлар инглиззабон ўқувчиларда Шарқ халқлари турмуши, маданияти, адабиёти ва фольклорига нисбатан қизиқиш уйғотди. Муаллифнинг ўзи халқ маросимларида, байрам-тўйларида иштирок этганлиги сабабли ҳар бир детални аниқ, тўла тасвирлай олган. Китоб тасвирий унсурлар билан ҳам бойитилган: миллий кийимдан бошлаб то оёқ остига тўшаладиган гиламгача расмларда кўрсатилган ва ҳар бирининг остида изоҳ ва тушунчалар берилган.

Асарнинг Ўрта Осиёда яшовчи ҳар бир миллат тарихи ва тараққиётига бағишланган III боби “From My Journal” («Менинг журналимдан») деб номланган. Бу бобда туркманлар, қирғизлар, тожиклар ва ўзбеклар ҳаёти, уларнинг кийинишлари, ўзларини тутишлари, аёлларга муносабатлари ўз аксини топган.

¹ Vambéry A. Sketches of Central Asia. – London, 1868.

“She was about sixty years old, in the primitive costume of a long, red silk garment, and wearing across her chest, to the right and left, several large as well as small silver sheaths, in which many talismans of great virtue were preserved... ”¹

Таржимаси: «У олтмиш ёшлар атрофида бўлиб, ўзига хос узун қизил шойи кўйлақда эди, бўйнида, чап ва ўнг тарафида катта кучга эга туморлар солинган бир нечта катта – кичик кумуш гилофлар тақилган эди».

Ўша давр тарихидан ва муаллифнинг фикридан келиб чиқадиган бўлсак, бу парчада кўчманчи туркман аёлларининг кийими, тақинчоқлари ҳақида фикр билдирилган. Бу тасвир хорижлик ўқувчида ўзига хос таассурот уйғотади, унинг осиеликлар ҳақидаги тасаввурини бир жиҳатдан кенгайтирса, бошқа тарафдан чегаралаб қўяди. Чунки туркий халқ деганда фақат ўша давр кўчманчи туркманлари ва уларнинг маданий ҳаёти тушунилмайди.

Асарда турмуш чорраҳаларида учрайдиган ҳолатлар ҳам ўз аксини топганки, булар, албатта, Ҳерман Вамберининг кўрган-кечирганлари асосида туғилган мулоҳазаларидир, холос.

“Joy and sorrow are undoubtedly the mirror, in which not only is the character of a people clearly reflected, but which likewise offers the most faithful image of their manners and custom. In joy and sorrow every sign of dissimulation vanishes, man shows himself in his true colours, and the lights and shades of his temperament become at once apparent; for, in any matter of real feeling, it is vain to try to speak and act differently to the dictates of this potent voice within us. And nowhere is a better opportunity offered for studying the various features of joy and sorrow, than at a birth, marriage and death, - those three stages in the great family of mankind. The main outlines are no doubt everywhere the same, but in the colouring and composition a variety is produced, not found even in civilized nations. Ethnography has frequently thrown light on this subject in different parts of the world; but we must confess that Central Asia in this respect is wrapt in

¹ Vambéry A. Sketches of Central Asia. – London, 1868, chapter I, – P.3.

considerable obscurity. To attempt to dispel this darkness may therefore not be deemed superfluous; and in savage Polynesian and Central African having resisted vainly the spirit of inquiry, we will in like manner raise the veil from the rude and suspicious Oezbeg. It is the first attempt, and consequently a feeble one”¹.

Таржимаси: «Шодлик ва гам, шубҳасиз, халқнинг нафақат характерини яққол тасвирлайдиган, балки унинг урф-одат ва анъаналари ҳақида ҳақиқий тасаввур уйғота оладиган кўзгудир. Шодлик ва гамда иккиюзламачилик ва тақлиднинг ҳар қандай белгилари йўқолади, инсоннинг ҳақиқий кўриниши намоён бўлади ва миждозининг ёпиқ қирралари ҳам, очиқ томонлари ҳам бир вақтда кўринади; ҳар қандай ҳақиқий туйғуда ичимиздаги овоз буюрганга қарши гапириши ёки ҳаракат қилиши беҳудадир. Туғилиши, оила қуриши ва ўлимдан-да аниқроқ шодлик ва гамнинг турли жиҳатларини кўрсатувчи имконият ҳеч қаерда бўлмаса керак. Зеро, бу - инсониятнинг улуг оиласидаги уч поғона. Асосий чизгилар, шубҳасиз, ҳамма жойда бир хил, бироқ ривожланган давлатлар миллатларида учрайдиган колоорит ва тузилишидаги фарқ сезилади. Этнография дунёнинг турли қисмларидаги бу соҳани тез-тез ёритиб туради; лекин шуни тан олишимиз керакки, Марказий Осиё бу борада етарлича қоронгуликка чулганган. Бу қоронгуликни қувишига ҳаракат қилиши ортиқча деб ўйламаслик керак; ёввойи полинезияликлар ва Марказий Африка аҳолиси беҳудага бунга қарши чиқаяптилар, бу борада биз ҳам қўпол ва шубҳали ўзбеклардан ниқобни кўтаришига уриниб кўрамиз. Бу биринчи ва кучсиз уриниш».

XIX асрда ўзбеклар кимлигини билмаган бошқа халқларга уларни «қўпол ва шубҳали» деб тушунтириш сабабини уларнинг ўзларини тутишлари ва турмушларидаги ҳолатлар, деб ҳисоблаган Вамбери китобнинг кейинги бобини юқорида келтирилган уч вазият – туғилиш, оила қуриш ва ўлим тасвирига бағишлайди. Муаллиф айтганидек, ривожланган мамлакатларда мавжуд шароитлардан йироқ Марказий Осиё аҳолисининг бу уч вазиятдаги ўзларини тутиши ҳақиқатда қизиқарли, ғайриоддий кўринган бўлиши

¹ Vambéry A. Sketches of Central Asia. – London, 1868, chapter V. – P.12-13

эхтимол. Вамберининг ёзишича, туғилишда доя хотиннинг кўмагига таяниш, туғилишда боланинг чап оёғи билан келиши ёки тескари чиқишини ёмонликка йўйиш каби иримларни, ёш она ва боланинг қирқ кун чилла ўтириши, уларни кўздан асраш учун турли мунчоқ ва туморларнинг осилиши каби ҳолатлар унда катта қизиқиш уйғотган ва у бу ҳолатларни борича, тўлиқ тасвирлашга муваффақ бўлган.

Оила қуриш жараёнидаги деталлар шу тарзда тўлиқ келтирилган. Бунда муаллиф совчи хотиннинг қиз қўлини сўраб келишидан то биргаликда оилавий ҳаёт бошлагунга қадар кечган даврни тасвирлайди. Қалин пули олиш, сарпо қилиш, фотиҳа тўйи, тўй, унда бўладиган улоқ, тўйдан олдин тўяналарнинг берилиши, келиннинг уйига тўй юбориш каби ҳолатларни зўр қизиқиш билан қузатган Вамбери улар тафсилотини шу қадар қизиқарли қилиб тасвирлаганки, уларни мириқиб ўқиш жараёнида ўзбек никоҳ тўйи ва ундаги барча маросимлар ҳақида ўша даврдаги қимматли маълумотларни шу асардан олиш мумкин.

Асарда ўлим билан боғлиқ маросимлар тасвири ҳам тўла берилган. Оғир ётган беморнинг оғзига пахта билан сув томизиш, марҳумни ювиш, уч, етти, йигирма ва қирқ каби маросимлар тасвирлаб ўтилган, бироқ бу маросимлар нега айнан ўша кунларда ўтказилишига изоҳ берилмаган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, илк тадқиқот саналса-да, Вамберининг бу асари Марказий Осиё халқлари маросимлари ҳақида ҳам этнографик, ҳам фольклоршунослик нуқтаи назаридан қимматли маълумотларни ўзида мужассамлаштира олган.

С.Баураининг “Heroic Poetry” асарида жаҳондаги қатор халқларнинг оғзаки ижоди ва уларнинг одат-анъаналари ҳақида маълумотлар келтирилган. Баураининг асосий мақсади қаҳрамонлик мавзудидаги халқ оғзаки поэтик ижоди намуналарини қиёсий ўрганиш асосида аввал эр-хотин Чадвиклар томонидан бошланган ишни давом эттириш бўлган. Ушбу китобда илк мартаба қиёсий материал кенг тадқиқ этилган.

Қаҳрамонлик эпослари қатор миллатларнинг халқ оғзаки поэтик ижодида мавжуд бўлиб, улар инсон руҳиятини ўзида тўла акс эттириб келган асарлар сирасига киради. С.Баура ўз асарида ўттиздан ортиқ миллатга мансуб қаҳрамонлик эпосларини қиёсий ўрганади. Олим ўз изланишларини уч гуруҳга бўлади: биринчи гуруҳ – грек, француз, испан ва герман тилларига мансуб асарлар; иккинчи гуруҳ – англосаксон ёки норвеглар балладалари; учинчи гуруҳ – Осиё мамлакатлари матнлари. Осиё мамлакатларига мансуб матнларнинг қўл остида бўлмаганлиги сабабли Баура уларни рус версияларидан таржима қилади. Унинг тадқиқоти юнон адиби Ҳомернинг «Илиада» ва «Одиссея» достонлари, немисларнинг «Хилдабрант»и, инглизларнинг «Биовулф» балладаси, французларнинг «Роланд ҳақида қўшиқ», испанларнинг «Сид ҳақида қўшиқ», туркий халқларнинг «Гилгамиш», «Рустам», «Алпомиш» каби достонларини ўз ичига олган.

Таъкидлаганимиздек, Осиё мамлакатлари достонлари муаллиф қўлида бўлмаган, лекин у, асосан, ўзида мавжуд ягона манба – В.М.Жирмунский ва Ҳ.Т.Зарифовларнинг «Узбекский народный героический эпос» китобидан ижодий фойдаланган. Бунда қаҳрамонларнинг яратилиши ва уларнинг оддий халқ билан муносабати муаммолари олимнинг диққат-эътиборини банд этган. Шарқ ҳаётининг Ғарб ҳаётидан фарқи, кулларга муносабат, жумладан, кулнинг ўз хўжайинига муносабати Алпомишнинг Қултойга муносабати мисолида ижобий баҳоланган ва шу мисолда ўзбек халқининг нақадар бағрикенглиги таъкидланган. Достон матнида эпик қаҳрамон образи ва унинг жисмоний кучи тасвири алоҳида мавқега эга. Қарийб барча эпик қаҳрамонлар кичик ёшдан оқ ғайриоддий кучга эга эканини намойиш этади ва ёшлиқдан ўз ғалабаси билан машҳур бўлади. Шу фикрини тасдиқлаш учун С.Баура В.М.Жирмунский ва Ҳ.Т.Зарифовлар асаридаги қиёслашлардан қатор мисоллар таржимасини келтирган.

Китобда бахшилар, уларни тайёрлаш, устоз-шогирд муносабатлари талқини ҳам айрича ўрин тутди. Ҳ.Зарифовнинг фикрларидан фойдаланган муаллиф бахшиларни тайёрлаш жараёни нақадар мураккаб ва шунинг

баробарида мукаммал бир вазифа эканлигини кўрсатувчи маълумотларни келтиради. Пўлкан шоир ҳақида ёзар экан, муаллиф унинг оддийгина чўпон бўлганлигини, на ёзишни ва на ўқишни билганлигини, аммо 70 га яқин дostonни ёддан айтишини, бу дostonлардан айримларининг 20000 мисрагача етишини кўрсатиб ўтади. Унинг фикрича, дoston учун ёзма матн унчалик муҳим эмас, чунки куйловчи бахши ижро жараёнида хоҳласа унингловчилар синфига қараб ўзгартириши мумкин. Ана шу орқали дostonнинг турли вариантлари ҳосил бўлади.

Асарда яна бахшиларнинг ижтимоий муҳитга, динга муносабатлари ўрганилган. Диннинг дostonга таъсири Фозил Йўлдош ўғли репертуари мисолида кузатилган.

1975 йил Индиана университети томонидан чоп этилган “The Oral Epic of Siberia and Central Asia” китобида ўзбек фольклори намуналари сифатида “Алпомиш”, “Қамбар ботир”, “Қирқ қиз” каби асарларнинг қисқача мазмуни берилган. Лекин бу китоб ўзбек фольклорининг чуқур ватанпарварлик ғояларини кўрсатиб бера олмаган. Унда келтирилган фольклор намуналарининг инглиз тилидаги мазмуни анча қисқа бўлиб, бу асарнинг асосий ғоясини беришда ожизлик қилади.¹

Қиёсий-тарихий методнинг асосий муаммоларидан бири саналувчи қаҳрамонликнинг акс этиши турли халқларда, турли эпик асарларда турлича ифодаланганлигини муаллиф таъкидлаб ўтади. Бу таъкид асосида эса 30дан ортиқ эпик асарнинг ўрганилиши ётади. Шу 30 эпик асар силсиласида ўзбек халқининг «Алпомиш» дostonи, унинг ўрганилишига оид мулоҳазалар айрича ўрин тутган. Бунда С.Баура В.М.Жирмунский ва Ҳ.Т.Зарифов китобидаги мулоҳазаларни такрорлайди ва улардан, асосан, турли халқлар эпик асарларини таққослаш учунгина фойдаланади.¹

Туркий халқлар оғзаки ижодининг дурдонаси ҳисобланмиш «Алпомиш» дostonининг қорақалпоқ версияси илк бор инглиз тилига

¹ Абдуазизов А.А. Шарқ халқи ижоди Ғарб назарида// Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 18 май, 1990; Schoolbraid G. M. The Oral Epic of Siberia and Central Asia, Indiana, 1975.

¹ Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. – Москва – 1947

профессор Ҳасан Паксой томонидан таржима қилинганини юқорида эслатган эдик. У ўзининг докторлик диссертацияси асосида “Alpamysh”: Central Asian Identity under the Russian Rule” («Алпомиш»: Марказий Осиёнинг ўзлиги рус ҳукми остида») номли китобини 1989 йил АҚШда нашрдан чиқарди. Муаллиф таржима манбаси учун асос қилиб дostonнинг Абубакир Диваев (Дивай) томонидан 1922 йилда янглиш тарзда қозоқ эпоси сифатида нашр этилган, аслида эса Жиёмурод жиров Боймуҳаммедовдан ёзиб олинган қорақалпоқ версияси намунасини олган.² Ҳасан Паксой дostonни халқ тарихи ва маданияти билан боғлаб ўрганган биринчи хорижий олимлардан ҳисобланади. Муаллифнинг бу китоби кириш, тўрт боб, библиография ва иловадан иборат. Китобнинг «Алпомиш» ва туркий дoston жанри» деб номланган биринчи бобида дoston тарқалган ҳудуд ва унинг айтилиши жараёни ҳақида тўлиқ маълумот берилган. Шу билан бир қаторда, «Ўғузнома», «Манас», «Гўрўғли», «Қирқ қиз», «Тоҳир ва Зухра» каби халқ оғзаки ижодига мансуб асарлар билан «Алпомиш» дostonи ўртасидаги боғлиқлик ҳақида ҳам мулоҳазалар билдирилган. Иккинчи боб «Алпомиш» дostonини йўқ қилишга ҳамда сақлашга бўлган уринишлар» деб номланиб, унда Марказий Осиё ҳудудидаги мустамлакачилик даври ва бу даврда миллатнинг маънавий бойлигига муносабат, бу сиёсатга қарши Ўрта осиеликларнинг олиб борган ҳаракатлари ёритилган. У ўз ишида машҳур олимлар В.М.Жирмунский, Ҳ.Т.Зарифов, Т.М.Мирзаев, каби ўзбек фольклоршунос олимларининг тадқиқотларидан кенг фойдаланган. Бироқ Ҳ.Паксой бу ишида фақат 1968 йилгача амалга оширилган тадқиқотларгагина суянган. Бу соҳадаги кейинги ишлар муаллиф томонидан ўрганилмаганлиги сабаб тадқиқотга киритилмаган.

Китобнинг учинчи боби тўлалигича «Алпомиш» дostonига бағишланган бўлиб, бобда дostonнинг А.Диваев нашр этган қорақалпоқ версияси таржимаси киритилган. Паксой дoston тили ҳақида фикр юритар

² Сафаров О. Тўра Мирзаев// Адабий портрет. – Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2006. – Б.31.

экан, куйидаги маълумотларни келтиради: *“The language of Alpamysh is Chagatay... The Chagatay language is alive and well across Central Asia. It has never died, and is often referred to as “Turkistani”, or simply by its earlier name Turki. The designation “Turkistani” given to the same dialect certainly carries political implications, conjuring up memories of more ancient associations and of the Turkistani movement at the turn of the 20th century.*

The label Turki refers to the language of Yesevi, Timur, Babur, Ulug Beg, Navai and Baykara among other significant historical figures”¹.

Таржимаси: «Алпомиш» тили чигатойчадир. Чигатой тили турик ва бутун Марказий Осиё бўйлаб тарқалган. У ҳеч қачон ўлмаган ва одатда, Туркистон ёки аввалги оддий номи – туркий тилларга киради. Бу шевага берилган Туркистоний атамаси кўплаб қадимий бирлашмалар ва XX аср бошидаги Туркистон ҳаракати ҳақидаги хотираларни аралаштириб юборувчи кўпгина сиёсий англашилмовчиликларни келтириб чиқаради.

Туркий – Яссавий, Темур, Бобур, Улуғбек, Навоий ва Бойқаро каби таниқли тарихий шахслар гаплашган тилдир».

Муаллифнинг бу фикри ноаниқ хулосаларга олиб келиши мумкин. Бу ноаниқликлар куйидагиларда кўринади. Аввало, дoston тилининг чигатой тили деб аталиши эътирозлидир. Чунки туркий тил, жумладан, ўзбек тилининг чигатой тили деб аталиши мўғул истилоси билан алоқадор ҳодиса бўлиб, Фарбда ўша эски қарашларга ҳамон суянилаётганлигидан далолат беради. Иккинчидан, туркий халқлар ҳудудига қатор мамлакатлар, жумладан, Туркия, Афғонистон, Озарбайжон, Уйғуристон, Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон каби давлатлар киради. Туркистон ҳудуди эса ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон республикаларининг ўзбеклар яшайдиган вилоятларини ўз ичига олади. Туркий тиллар гуруҳи 24 тилни ўз ичига олган бир пайтда Туркистон ҳудудида сўзлашувчилар, асосан, форс-тожик, ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман

¹ Paksoy H.B. “Alpamysh” Central Asian Identity under Russian Rule. – USA, AACAR, 1989. – chapter III, P.53.

ва қорақалпоқ тилларида сўзлашганлар. Шундай экан, олимнинг замондошлари наздида тарихга бу хилда юзаки қараб, ўзи хоҳлаган атамаларни ўйлаб чиқариши нафақат асар ва туркий миллатлар тили, балки маънавияти ва маданияти ҳақида ҳам саёз мулоҳазаларга эгалигини кўрсатиб турибди.

Ҳ.Паксой дostonнинг нега айнан шу вариантини танлаганлигининг қуйидаги бешта сабабини келтиради:

1. *Aside from the fact that it is the earliest printing outside Kazan, it constitutes a very early attempt by an individual (Divay) to save the dastan from extinction.* Таржимаси: “Бу Қозонда нашр этилган дастлабки версиялар сирасига кирса-да, якка шахс (Дивай)нинг дostonни йўқолиб кетишдан сақлашдаги илк уринишларини ўзида мужассамлаштирган”.

2. *The transcription and printing pre-date the 1917 Revolution. (The majority of the Alpamysh printings are the products of the post-revolutionary efforts.)* Таржимаси: “Дoston транскрипцияси ва нашири 1917 йилги инқилобдан олдин амалга оширилган. («Алпомиш» дostonининг кўпгина наширлари инқилобдан кейинги ҳаракатлар маҳсулидир)”.

3. *It is in the Arabic alphabet, which the earliest of the three major alphabets in which this dastan has been published.* Таржимаси: “Нашр араб алифбосида бўлиб, дoston нашр этилган уч асосий ёзув – араб, лотин, кирилл алифболарининг биринчисидадир”.

4. *The specific location and conditions in which it was collected are known.* Таржимаси: “Дoston ёзиб олинган ҳолатлар ва ҳудуди хусусиятлари маълум”.

5. *It is published to observe the “time-layers” in the text, juxtaposed over prolonged historical periods.* Таржимаси: “У тарихий даврлар бўйлаб қиёсланган вақт бирликларини ўрганиш учун нашр этилган”¹.

Умуман олганда, бу таржимага муносабат қатор олимларнинг эътиборини тортиб келган. Б.Шамсиеванинг «Вопросы узбекского фольклора

¹ Paksoy H.B. “Alpamysh” Central Asian Identity under Russian Rule. – USA, AACAR, 1989. – P. 21.

в зарубежном литературоведении» мавзуидаги номзодлик диссертациясида келтирилишича, таржимашунослар ва фольклоршунослар орасида Ҳасан Паксойнинг бу ишида дoston матнининг тўлиқ таржимаси берилганлиги сабабли кўпчиликда катта қизиқиш уйғотган. Бироқ бу таржимага янада юқори баҳо берувчи ишлар ҳам топилади. АҚШдаги Индиана университети профессори Хайрулла Исматулланинг «Хуррият» газетасининг 1999 йил 22 декабрдаги сонидида чоп этилган «Оксфорд университети ва «Алпомиш» руҳи» мақоласи шулар жумласига кирилади. Унда Ҳасан Паксойнинг «Алпомиш»: Марказий Осиёнинг ўзлиги рус ҳукми остида» номли тадқиқоти ҳақида маълумот бериш кўзланса-да, Х.Исматулла «америкалик олим номидан ўз дилидаги ноҳолис туйғуларини изҳор қилишга уриниб» (О.Сафаров), шундай ёзади: «Алпомиш»ни қаторма-қатор таржимадан Лев Пеньковский рус тилига ағдарган. Лев Пеньковский асл матн тили бўйича алифни ҳам билмайдиган таржимон бўлган. – У фикрини яна давом эттираркан, асоссиз даъво қилаётгани ҳақида ўйлаб ҳам кўрмайди. – Фозил Йўлдош ўғли оғзидан 1928 йилда ёзиб олинган «Алпомиш» 14 минг мисрадан иборат. Достоннинг бу варианты Ҳамид Олимжон томонидан 1939 йилда қисқартирилиб нашр этилган. Лев Пеньковский эса мана шу нашрни рус тилига икки марта қисқартириб таржима қилган».² Шу муносабат билан профессор Т.Мирзаев бу мулоҳазаларни рад этиб, «Ўйнаб гапирсанг ҳам ўйлаб гапир» мақоласида куйидагиларни ёзади: «Достоннинг Фозил Йўлдош варианты наср қисмидан ташқари 13715 мисрадан иборат. Ҳамид Олимжон унинг саккиз минг мисрага яқин қисмини нашр этган. Л.Пеньковский таржимаси эса ўн минг мисрадан ортиқроқдир. Аслида «Алпомиш» таржимаси мутахассислар тайёрлаган таглама асосида 1946 – 1948 йилларда амалга оширилган. Бу ишнинг тепасида Ҳоди Зарифдай аллома турган. Бу даврда ҳали Фозил шоир ҳам барҳаёт эди. Шунинг учун бу таржима мутахассисларнинг юқори баҳосига сазовор бўлди ва ҳозиргача қайта-қайта нашр этилиб келинмоқда. Бор-ўғи 832 қатордан иборат чала вариантни таржима қилган Ҳасан Паксойни мақташ

² «Хуррият», 1999 йил, 22-28-декабрь, – Б.3.

учун ўзбек эпосининг хорижий тилдаги нодир намунасига айланган бир асарни ва унинг таржимонини ерга уриш керакми?»¹

Кўриниб турибдики, Х.Исматулла Ҳасан Паксойнинг тадқиқоти ва таржимасини Лев Пеньковский амалга оширган рус тилидаги нисбатан мукамал таржимадан ҳам устун қўяди, шу тариқа ўз юксак ўрнига эга бўлган таржимага ноҳолис баҳо беради. Аслини олганда, Ҳасан Паксой таржимаси қорақалпоқ (таржима версиясида «karakirghiz») эпоси таржимаси бўлиб, «Алпомиш» достонининг энг қисқа вариантларидан бири ҳисобланади. Тўғри, достон таржимаси диққатга сазовор, чунки бунгача у инглиз тилига таржима қилинмаган, лекин рус таржимони 14 минг мисрадан иборат вариантни таржима қилган бир пайтда достоннинг инглизча ўғирмаси атиги 832 мисралик вариантдир. Шунини таъкидлаш жоизки, достон таржимачилик талаб қиладиган қонунлар асосида ўгирилган ва мазмун жиҳатидан тўла асар даражасидадир.²

Ўзбек фольклорининг хорижда тарқалишида ўзининг тенгсиз ҳиссасини қўшган немис фольклоршунос олими Карл Райхл 1980-1989 йиллардаги изланишлари асосида “Uzbek Epic Poetry: Traditions and Poetic Diction” (1989, «Ўзбек эпик шеърляти: анъаналар ва бадиий услуб») тадқиқоти нашридан сўнг 1992 йилда шу асарнинг янада кенгайтирилган ва бойитилган нашри “Turkic Oral Epic Poetry: Traditions, Forms, Poetic Structure” нусхасини Studies in Oral Traditions рукни остида инглиз тилида Нью-Йоркда чоп этди. Китоб ўн боб, библиография ва атамалар рўйхатидан иборат. Унинг «Кириш» қисмида Райхл ўз китоби ҳақида маълумот берар экан, шундай ёзади:

«The focus of the book will be on what I term the “central traditions”. By “central traditions” of Turkic oral epic poetry I mean the epic traditions of the Uzbeks (and Uighurs), Kazakhs, Karakalpaks, and Kirghiz...»

¹ «Хуррият», 2000 йил, 5 январь.

² Paksoy H.B. “Alpamysh” Central Asian Identity under Russian Rule. – USA, AACAR, 1989.

Apart from these central traditions I will touch upon a number of traditions on the western and eastern fringes of what used to be called Western and Eastern Turkestan, i.e. on the epic poetry of the Turkmens, Azerbaijanians, and Turks of Turkey to the west and southwest of Central Asia proper and on the epic poetry of the Altaians and Tuvinians further East»¹.

Таржимаси: «Китобнинг асосида «марказий анъаналар» атамасини қўйганман. «Марказий анъаналар» деганда туркий халқлар ҳисобланмиш ўзбекларнинг (ва уйғурларнинг), қозоқлар, қорақалпоқлар ва қирғизларнинг оғзаки ижоди намуналари бўлмиш эпосларни назарда тутганман...

Бу марказий анъаналардан таиқари мен *Фарбий ва Шарқий Туркистон* деб аталувчи *Фарбий ва Шарқий* ўлкаларнинг қатор анъаналари ҳақида, яъни туркманлар, озарбайжонлар, Туркия туркларининг ва *Олтой* ўлкаси, *Узоқ Шарқдаги Тувиния* халқларининг оғзаки ижоди намуналари устида тўхталиб ўтаман».

Халқ оғзаки ижоди тили ҳақида фикр юритар экан, Райхл Ҳасан Паксойдан кўра аниқ тил ва ҳудуд маълумотларини келтиради.

“In order to avoid confusion, the distinction between “Turkish” and “Turkic” has been carefully maintained throughout the book. “Turkish” refers to the language of the people of Turkey; older forms of Turkish (before Ataturk’s language reforms in 1920s) are generally referred to as Ottoman or Ottoman Turkish. “Turkic”, on the other hand, refers to the language group to which Turkish belongs”².

Таржимаси: «Англашилмовчиликнинг олдини олиш мақсадида китобда турк (“Turkish”) ва туркий (“Turkic”) атамаларининг тушунчаси ҳам келтирилган. “Turkish”, яъни турк тили Туркия халқи тилидир; турк тилининг қадимий кўринишлари (1920 йиллардаги *Отатурк* тил ислоҳотидан

¹ Reihl Karl. *Turkic Oral Epic Poetry: Traditions, Forms, Poetic Structure*. – Garland Publishing, inc. New York & London., 1992, – P. 4 – 5.

² Ўша асар. – Б.6.

олдин) умуман турк(отоман)ларга тегишли бўлган. “Turkic” – эса бир тарафдан, турк тили ҳам кирадиган туркий тил гуруҳига кирувчи тилдир».

Китобнинг биринчи боби “The Turkic Peoples: Backgrounds and Contexts” деб номланиб, унда муаллиф туркий халқлар – турк, ўзбек, озарбайжон, қозоқ, қорақалпоқ, уйғурларнинг милоддан аввал бошланиб ХХ асрнинг бошларигача кечган тарихи, дини, тили, маданияти ҳақида маълумот беради.

Китобнинг “Turkic Epic Poetry: The Earliest Documents” деб номланувчи иккинчи бобида тадқиқотчи ва таржимон «Ўғузнома», «Девону луғотит-турк», «Қўрқут Ота китоби» каби асарларнинг яратилиши, муаллифи ва маъно-мазмунига алоҳида-алоҳида тўхталиб ўтиш билан бир қаторда шу асарлардан олинган парчалар таржимасини ҳам келтирганки, бу, ўз навбатида, асар мазмундорлигини кенгайтириб ўша асарлар ҳақида қисман бўлса-да, хориж ўқувчисига маълумот етказувчи ноёб манба бўлиб хизмат қилади.

Асарда «Ўғузнома»дан ташқари, Култегин битиклари ҳақида ҳам ахборот берилган. Битикда асар қаҳрамони – шаҳзоданинг жасурлиги ва қаҳрамонлиги, ўз юрти озодлиги учун олиб борган жанглари тасвирланганлиги изоҳланган ва бу тасвир инглиз тилига таржима қилинган парча орқали мустаҳкамланган:

*In one year we fought five times
First of all we fought at the town of Togu
Prince Kul mounted his white horse Azman
and charged in high spirits...¹*

Карл Райхл «Девону луғотит-турк» ҳақидаги маълумотларида асар тузилиши, унинг ўрта асрлардаги туркий тилларнинг шевалари, уларнинг лексик хусусиятлари, шеърий ижод намуналаридан таркиб топганлиги, бу луғат кўпгина хорижий олимлар эътиборини тортганлиги ва унинг баъзи

¹ Ўша асар. – Б.39

қисмлари С.Броккельманн томонидан 1923 – 1924 йилларда инглиз тилига таржима қилинганлиги ҳақида фикр юритган.

Асарнинг учинчи боби оғзаки ижод ижрочилари ҳақида бўлиб, “The Singer: Shaman, Minstrel, Poet” деб аталади. Бунда эпик жанр ижрочиси ва шаманлар ўртасидаги фарқ ва ўхшашликлар, Ўрта Осиё халқларининг дoston куйловчилари – ўзбек бахшилари, қорақалпоқ жиров ва бақсилари, қозок оқинлари, қирғиз манасчилари, маддох ва қиссахонлар фаолияти ҳақида тўхталиб, уларнинг қандай қилиб бу даражага етиб келишига доир маълумотлар келтирилган.

Тўртинчи бобда муаллиф ўз эътиборини Марказий Осиё халқларининг урф-одатлари, анъаналари, мусиқий маросимларига қаратади.

“Genre” деб аталувчи бешинчи боб ўз ичига эпик, шеър, насрий жанрларни олади. Унда туркий халқларда дoston жанри, унинг турлари, «дoston» атамасининг романсларга ўхшаш томонлари, қирғиз, қозок, озарбайжон, ўзбек, уйғур ва туркманларда дoston, унинг яратувчилари ҳақида кенг тушунча берилган.¹

Олтинчи бобда «Қамбар», «Гўрўғли» ва «Алпомиш» дostonларининг қисқача мазмуни ҳамда улардан баъзи парчаларнинг аслияти ва инглиз тилидаги таржималари келтирилган. Таржималар муаллифнинг ўзи томонидан амалга оширилган. К.Райхл «Алпомиш» дostonи устида фикр юритар экан, бунда дostonнинг Фозил Йўлдош ўғли куйлаган вариантнинг икки матни – Ғози Олим Юнусов (1923) ва Маҳмуд Зарифов (1928) томонидан ёзиб олинган нусхаларидан фойдаланганлигини, дostonнинг тўлиқ вариантлари эса Ҳ.Зариф ва Т.Мирзаевлар томонидан нашрга тайёрланиб, «Ўзбек халқ ижоди» рукнида чоп этилганлигини айтади.

Муаллиф китобнинг “The Varieties of Formulaic Diction” (“Композицион фарқлар”) номли еттинчи бобида халқ оғзаки ижоди матнларининг стилистик таҳлилини беради.

¹ Reihl Karl. Turkic Oral Epic Poetry: Traditions, Forms, Poetic Structure. – Garland Publishing, inc. New York & London., 1992, – P. 119-143.

Саккизинчи ва тўққизинчи бобларда дostonларнинг вариантлари, аслияти ва уларга муаллиф муносабати ўз аксини топган.

Ўнинчи боб – “Transformations in Space and Time” деб аталади. Бобдан «Гўрўғли» ва «Алпомиш» дostonларининг турли даврларда ёзиб олинган ҳар хил вариантлари ва хронологияси ўрин олган.

Умуман олганда, асар халқ оғзаки эпик ижоди бўйича жуда қимматли материалларни ўз ичига олади. Замон ва макон танламайдиган, сайёр сюжетли фольклор асарларининг қиёсий ўрганилиши – айнан шу мақсадни кўзлаган олимнинг немис ва инглиз тилларидаги қатор асарларида ўз ифодасини топган.

XX аср охири ва XXI аср бошларида АҚШдан келган кўнгиллиларнинг хизмати самараси ўлароқ, 2000 йилда Мерилин Петерсен “Treasury of Uzbek Legends and Lore” («Ўзбек халқ оғзаки ижоди ва афсоналари хазинаси») китобини чоп этди. Унда муаллифнинг ёзишича, ўз анъана ва урф-одатларини яхши билган ўзбек болалари эртақ, топишмоқ ва шеърларни инглиз тилида ҳам севиб ўқийдилар. Шу боисдан М. Петерсен ўз китобида ўзбек эртақлари, афсоналари, масаллари, нақллари, топишмоғу ўйинларидан тортиб, ҳатто, байрам ва маросимларда айтиладиган кўшиқ ва лапарлар, пишириладиган овқатлару кийиладиган кийимларгача маълумот беришни кўзлаган.

Асарнинг илк боби “Legends of Uzbekistan” деб номланади. Афсоналар Ўзбекистоннинг кўҳна Самарқанд, Хива, Андижон, Қарши каби шаҳарларининг яратилиши ҳақида бўлиб, аввало, уларнинг номларини изоҳловчи топонимик моҳиятга эга. Масалан: “How Samarkand Got Its Name” – «Самарқанд қандай қилиб шу номни олган?» афсонаси Самарқанд шаҳрининг нега шундай аталгани ва шу ном маъносини ўқувчига етказишда муҳим роль ўйнайди.

A long time ago, in a region of Central Asia, there was a great and wicked king who lived in a beautiful castle. One day his wife gave birth to a beautiful daughter and they named her Kand, which means sugar in the Uzbek language.

About the same time, there was a baby boy born to a very poor family. They named him Samar, because he was handsome and strong. As he grew up, he became very famous for his bravery, and he competed in all the athletic events.

One day the princess met the young man in the garden of the castle. They were so attracted to each other that they agreed to meet everyday in the garden. As they got to know each other their love grew stronger and stronger. One day Kand's father learned of their secret meetings and he became very angry. He didn't like Samar because he was very poor, and beneath his daughter.

When Kand told her father that she wanted to wed Samar, the king decided to kill him. When the broken hearted Kand learned of his death, she threw herself from the top of the castle. All of the people of the city were sorrowful, and they renamed their city Samarkand after the two lovers.¹

Афсонада Самарқанд шаҳрининг икки севишганлар номи бирлашувидан келиб чиққанлиги баён этилган. Таржима инглиз ўқувчисига миллатлар маънавий ва маданий ҳаётида ўхшашликларнинг мавжудлигини, уларда тугун ва яқун бир хил бўлиши мумкинлигини англатишга хизмат қилади. Шоҳнинг ўз фуқаросига, бойнинг камбағалга муносабати миллатлар тарихида табақаланиш муаммолари доирасида кенг ўрин эгаллагани ҳеч кимга сир эмас. Ана шу жиҳатлар таржимада ҳам ўзининг аниқ ифодасини топган бўлиб, ўқувчига дунё халқлари тарихи шу жиҳати билан ўзаро яқинлигини билдиради.

«Қўй билан қашқир», «Илон билан қалдирғоч» каби афсоналарида эса халқ насихатлари ўз ифодасини топади. Чунончи, “The Sheep and Kashkir” – («Қўй билан қашқир») афсонаси бу жиҳатдан эътиборга лойиқдир:

Once upon a time there was a bad king. One day the king put a poor guiltless man, whose name was Kashkir, in a dungeon. The parents of this man were related to the king, and only for this reason did they find any favor from him.

The king said to him, “I will set you free only on one condition. I will give you one sheep and hay, with which you can feed him, for one month. After one

¹ Petersen Marilyn. Treasury of Uzbek Legends and Lore. – Toshkent: Qatortol-Kamolot, 2000. – P.17.

month we will put the sheep on a scale, and if the sheep weighs more than it does today, you will lose your head.” Kashkir had no choice, but to agree.

So the king ordered his servants to give the sheep and the hay to the young man, and a place in the palace to stay. Of course, the young man understood that he would not be able to do what the king wanted, and was desperate to find a solution. Suddenly he saw an old man passing by. He greeted him, and told him his troubles.

The old man thought for a few minutes and said, “Hey, my son, we can solve this problem. You have to go and find a wolf and put the wolf near the sheep. It doesn’t matter how much the sheep will eat, because of his fear he will not fatten.” The young man did as the old man suggested.

At the end of the month, when the king put the sheep on the scale, he noticed that the weight of the sheep had not changed, and freed the young man from the dungeon as he had promised. From that time on this breed of sheep has been known as Kashkir.¹

Атоқли отлар танловида муаллиф бироз англашилмовчиликка йўл кўйган. Ўзбек халқида қашқир деб кишига ном кўйилмайди, бироқ бундай лақаб бўлиши мумкин. Ўзбекистонда қашқир зотли қўй ҳам йўқ, бироқ нақл таржимасида айнан шу зотдаги қўй борлиги айтилган. Аслида эса, «қашқир» – «бўри» дегани. Барча халқлар ижодида қўй ва қашқир – бир-бирига душман ҳайвонлар тарзида талқин қилинади. Балки сарлавҳадаги «қашқир» сўзига айнан шу сабабли изоҳ берилмагандир. Ҳолбуки, мазкур сўзнинг изоҳи юқоридаги ҳикоя мазмунини тўла ўзгартириб юборган бўларди. Китобда бундай камчиликлар кўп, уларни бирма-бир санаб кўрсатиш ва сабабини ойдинлаштириш афсона ғоясини ёрқинроқ англашга хизмат қилган бўларди.

Қолаверса, оригиналдаги ҳар бир персонаж ўз индивидуал қиёфасига ва сўзлаш услубига эга бўлса-да, таржимада персонажлар нутқи тўлиқ ўз ифодасини топмаган, бу эса, ўз навбатида, улар маъносига путур етказган. Персонажлар нутқини таржимада қайта яратиш асар иштирокчисининг

¹ Petersen Marilyn. Treasury of Uzbek Legends and Lore. – Toshkent: Qatortol-Kamolot, 2000. – P. 26.

дунёқарашини, унда назарда тутилган ҳолат, қаҳрамоннинг билими ва маданияти савияси ва даражаси, ҳатти-ҳаракатини ифодалайди. Буларнинг таржимада акс этмаслиги, асар воқеасининг шунчаки ҳикоя этилиши, унинг ғоявий-бадий жиҳатдан «камбағаллашиб» қолишига сабаб бўлган.

Асарнинг «Legends of the Silk road» бобидан «Хива қандай қилиб шундай ном олди?», «Душманнинг катта-кичиги бўлмайди» каби ривоятлар ҳамда «Туя билан бўталок» масали ўрин олган. Таржималарда асл матнларнинг маънолари сақланган, лекин уларда тўлақонли бадий ифодавийлик йўқ. Ҳар бир бадий ёдгорлик муайян давр ва хусусиятлар тасвирини, қисман бўлса-да, ўзида акс эттиради. Мутаржим эса ана шу руҳни аслиятга хос тарзда тўлиқ акс эттириш масъулиятини олмоғи лозим. Таржима жараёнида бу талабга риоя этмаслик аслиятни миллий асосдан маҳрум этади. Таржимон асарни китобхон ёки ўзининг хоҳиши даражасида қайта яратмаслиги, балки ўз имкониятини китобхоннинг асарни тушуниши даражасига кўтариши керак. Таржима адабиётларни механик равишда бир миллатдан иккинчи миллатга ўтказадиган транспорт воситаси эмас, балки миллатларни яқинлаштирадиган, миллий тушунчаларни уйғунлаштирадиган омил.¹ Бу орқали умумжаҳон маданияти пайдо бўлади, миллатлараро маънавий-маърифий ва маданий алоқалар ўрнатилади.

Китобнинг кейинги боби эртақ ва масаллар таржимасига бағишланган бўлиб, “Fables and Fairy Tales” («Масаллар ва сеҳрли эртақлар») деб номланган. Бу бобдан «Маймун билан нажжор», «Жаҳлдор пашша», «Мағрур қуён», «Тошбақа билан чаён» масаллари, «Зумрад ва Қиммат», «Тулки билан лайлак», «Олтин тарвуз», «Қиз ва аждарҳо» эртақлари таржимаси ўрин олган. Бу эртақ ва масаллар таржимаси аслият мазмунини ўзида тўлиқ ифода эта туриб, мантиқий яқун сифатида келиб чиқадиган маъно ва ҳикматли сўзларни изоҳлаб келган. Бу жиҳатдан, айниқса, «Ўргимчак ва ипак қурти» масали таржимаси эътиборлидир:

¹ Саломов Ғ., Комилов Н. Дўстлик кўприклари. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – Б.117.

“One day a spider told a silkworm proudly, “Hey, my friend, to spin just a little silk you work very hard for many days, but I can spin a whole web in just a few hours.”

The silkworm answered, “Yes, you are right, my friend, you can do it in just a few hours, but what good is it. You spin and I spin, but there is a difference. I can bring a benefit to others. I spin slowly, but with a worthy purpose. People make beautiful dresses from my work, and always when they wear them they are grateful to me. But what about your spinning? They hate your webs, and always knock them down. So now I think you understand the difference between our work and our lives.

Moral: There are two kinds of people, those who waste their time choosing the easy way, and those who work hard and know that they bring benefit to others”¹.

Меҳнатсеварлик, кишилар эҳтиёжини қондириш, инсонларга яхшилик қилиш каби миллий хусусиятлар масал ва унинг таржимасида ипак курти тимсолида ўз ифодасини топган. Ипак курти тимсолида миллий ишонч – яхшиликка бўлган интилиш, бу туйғунинг дунё халқлари орасида бир хил эканлигини ўқувчига етказишга уринган.

“The music of Uzbekistan” («Ўзбекистон мусиқаси») номли бобда миллий ўзбек мусиқа асбоблари, уларда ижро этиладиган куйлар, кўшиқлар, уларнинг яратилиши тўғрисидаги афсоналар берилган. Шу билан бирга миллий мусиқа чолғулари бўлмиш уд, танбур, ғижжак, сурнай, сибизға, дутор, рубоб, карнай, доира каби созлар инглиз тилида тавсифлаб берилган. Масалан: *dutor – an instrument with two (du) strings (tor) (икки торли асбоб); karnai – a very long horn type instrument, especially played at celebrations (асосан, байрамларда чалинадиган узун сурнай); doira – a drum. The skin of an animal stretched on a round frame (айлана қолипга ҳайвон териси тортиб ясалган асбоб).*¹

¹ Petersen Marilyn. Treasury of Uzbek Legends and Lore. – Toshkent: Qatortol-Kamolot, 2000, – P. 46.

¹ Ўша асар. – Б.60

Таржимоннинг санъаткорлиги икки мамлакат адабиётининг муштарак кирраларини очишда муҳим роль ўйнайди. Наинки ёзма, балки фольклор асарлари таржимаси ҳам жаҳон адабиёти саҳифасининг кенгайиши учун хизмат қилади, айниқса, фольклор намуналари таржимаси жараёнида у ёки бу асарни қиёсий-типологик ўрганиш ҳамда миллий урф-одатлардаги ўхшаш ва фарқли хусусиятларни ёрқинроқ кўриш имконияти кенгроқ бўлади. Жумладан, китобнинг “Other Superstitions” – «Бошқа иримлар» бобида ўзбек халқидаги ирим ва одатлар келтирилиб, уларнинг моҳиятини очишга ҳаракат қилинган. Масалан:

If close friends visit, don't sweep after they leave, because they will never return. Таржимаси: *Яқин дўстларингиз кетгач, ортидан ҳеч қачон сунурманг, улар қайтиб келмайди.*

Don't cut finger nails and toe nails on the same day, because there will be a wedding and a death on the same day. Таржимаси: *Қўл ва оёқларингиз тирноқларини бир кунда олманг, чунки бир кунда ҳам тўй, ҳам аза бўлади.²*

Туркий халқларнинг миллий байрами Наврўз, унинг пайдо бўлиши ҳақидаги афсона, унда кийиладиган кийимлар, айтиладиган қўшиқлар, тайёрланадиган таомлар, ўйинларга доир маълумот “The Holiday of Navruz” («Наврўз байрами») бобида келтирилган. Шу билан бирга бобдан “Songs of Navruz” («Наврўз қўшиқлари»), “Foods of Navruz” («Наврўз таомлари»), “How to Make Sumalak” («Сумалак қандай тайёрланади?»), “Song of Sumalak” («Сумалак қўшиқлари»), “The Poems Among the Boys and Girls ” («Баҳру байт») каби бўлимлар ўрин олган.

Асарда ўзбек халқ эртаклари, афсоналар, нақллар, қатор анъана ва удумлар, маросимлар, уларда ижро этиладиган қўшиқларнинг келтирилиши, миллий мусиқа асбоблари ҳақидаги маълумотларнинг берилиши, ҳақиқатан ҳам, муаллиф халқимизнинг бой меросига доир кенгроқ маълумот бериш мақсадини кўзда тутганини кўрсатади. Бироқ шеърини таржималарда

² Ўша асар. – Б.92

камчиликлар ҳам йўқ эмас. «Онагинам, сумалакни соғиндим» қўшиғининг сарлавҳаси “*I Miss My Mother, Sumalak*” тарзида ўтирилган, бу ўзбекчада «Сумалак, мен онамни соғиндим» тарзида тамоман тескари маънони берган:

*Сумалакни бобо таом дейдилар,
Эрта-саҳар момоларим ейдилар,
Муқаддас деб номин эслаб севдилар,
Онагинам, сумалакни соғиндим.*

*Sumalak is an old meal, they say
Grandmothers taste it early in the day
Recalling its sacred name with bliss
My mother's sumalak I miss.¹*

Охирги мисра «*Онам тайёрлаган сумалакни соғиндим*» маъносини беради. Кўриниб турибдики, сарлавҳа қилиб олинган ва бандлар охирида такрорланиб келувчи бу мисра маъно жиҳатидан бир-бирини инкор этиш даражасигача бориб, талай маъно ғализликларини юзага келтирган. Шеърнинг асл маъноси эса, кўкламнинг эъзозли таоми – сумалакнинг қадри, унинг йил давомида қанчалик соғинч билан кутилиши, бинобарин, у дунёдаги энг эъзозли зот – она каби қадрланиши халқ орасида таомнинг нақадар юксак баҳоланишини ифодалайди.

Асар мазмунини сақлаб қолишга уринган таржимон унинг асл мотивини бутунлай ўзгартириб юборган. Маълумки, оғзаки ижод намуналарида ўзига хос услуб мавжуд. Бу услуб таржимондан чинакам санъаткор бўлишни талаб этади. Башарти, таржимон бошда услубни эътиборга олмасдан иш тутса, ёинки муаллиф ўрнига ўзини қўйиб тақдим этмоқчи бўлса, асарда ўз ғоялари, истакларини баён этиш йўлида бир ёрдамчи восита деб қараса, бу бадном бўлган эркинликка олиб келиши муқаррар.¹ М.Петерсен китобида шу хилдаги тўмтоқ таржималар анчагина.

¹ Ўша асар. – Б.105.

¹ Саломов Ғ., Комилов Н. Дўстлик кўприклари. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – Б.95.

Китобда бундай ҳолатлар бўлишининг сабаби ҳам аниқ: аслият ҳам, таржима ҳам оғзаки манбалар асосида яратилган бўлиб, улар маҳаллий аҳолидан, асосан, ёшлардан ёзиб олинган. Қолаверса, уларни ахборотчиларнинг ўзлари таржима қилиб берганлар. Китобни тўплаган ва нашрга тайёрлаган М.Петерсен Бухоро давлат университетидеда бир неча йиллик кўнгилли сифатидаги фаолияти давомида талабаларга хорижий тилдан дарс бера туриб, шу талабалар ёрдамига таяниб, бевосита уларнинг йиғувчилиги натижасида тўпламни тузган ва нашр эттирган. Унинг инглизчабон ўқувчиларни Шарқ, хусусан, ўзбек эртаклари билан ошно қилишга интилишининг асосий сабаби – кичик китобхонларни дунё халқларининг маънавий ва кундалик ҳаёти билан таништиришдан иборат бўлган. Шу билан бирга бу асарлар таржимаси тилни ўрганишда ёрдам беришга мўлжаллангани билан ҳам аҳамиятли эди.

1999 йили ЮНЕСКО томонидан чоп этилган ва 2004 йил Фрэнк Адамс томонидан нусхаси кўчирилиб, Ўзбекистонга келтирилган «Tales From The Silk Road» тўпламида ҳам айнан шундай ният кўзланган.

Хуллас, асарнинг эркин таржимаси ҳам, сўзма-сўз таржима ҳам, умуман, таржиманинг қонуниятларидан анча узоқ. Айниқса, шеърини ўғирмаларда мутаржимлар ўз андозаларига ўралиб қолганлар ва бу миллий ижод намуналарининг инглизча таржималарида маъно бузилишларига олиб келган.

Халқ ижоди маҳсули бўлмиш ҳар қандай жанр ўзида миллий хусусиятларни мужассамлаштириши кундай равшан. Ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналари таржималари ўзбек халқининг жаҳон адабиёти саҳифаларига киришида, миллатнинг адабий алоқаларини ривожлантиришда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Лекин улардаги миллий-маънавий, маданий жиҳатларнинг сақланиши таржимон меҳнатининг самарасини кўрсатиши, фольклорнинг миллий руҳиятини тўла сақлаб қолиши билан диққатга сазовор бўларди.

Хуллас, ўзбек фольклори дурдоналарининг хорижда ўрганилиши маълум тадрижий тараққиёт босқичини босиб ўтган. Уларнинг дастлабки

инглизча таржималари бадиий эмас, аксинча, кўпроқ тасвирий характерда, этнографик маълумот кўринишидадир.

I бобда билдирилган мулоҳазалар юзасидан хулосалар:

1. Халқ оғзаки ижоди намуналари миллат адабий, маданий ҳаётини ўзида акс эттирувчи ҳодиса сифатида эътиборга сазовор. Бинобарин, унинг ўзга тилга қилинган таржималари муайян миллат руҳиятини ва менталитетини ифодалаш билан муҳим. Шу сабабли ўзбек фольклори намуналарининг инглиз тилига ўгирилиши тарихини ўрганиш ўзбек-инглиз фольклорий муносабатларини, демакки, шу халқлар маданий-маънавий ҳамкорлиги тарихини ўрганишда айрича қиммат касб этади.

Фольклор асарлар таржимаси жаҳон адабиёти саҳифаларининг янада кенгайиши учун хизмат қилади. Фольклор намуналари таржимаси жараёнида у ёки бу асарни қиёсий-типологик ўрганиш ҳамда миллий урф-одатлардаги ўхшаш ва фарқли хусусиятларни ёрқинроқ кўриш имконияти юқорироқ бўлади.

2. Ўзбек фольклори туркий фольклорнинг бир қисми сифатида хориж олимларининг алоҳида эътиборини қозонган. Дунё фольклорининг турли миллат ва ҳудудларга мансуб жиҳатларини қиёсий-типологик асосда таҳлил қилишни мақсад қилган инглиззабон тадқиқотчилар қадимдан шаклланган ва ниҳоятда бой жанрий таркибга эга ўзбек фольклорининг ўзига хос хусусиятларини ўрганишга астойдил интилишган. Уларнинг саъй-ҳаракати билан ўзбек фольклори Германия, АҚШ, Австралия, Англия каби қатор мамлакатларда танилган.

3. Ўзбек халқи миллий маданияти, урф-одатлари, туриш-турмуши, оғзаки бадиий ижоди, диний қарашлари ҳақидаги асарлар хориж адабиётида, айниқса, инглиззабон мамлакатлар адабиётида XIX асрнинг 2-ярмидан эътиборан пайдо бўла бошлаган. Ўзбек фольклорининг нафақат немис тилига, балки инглиз тилига ҳам таржима қилиниши жараёнини биринчи таржимон венгриялик туркийшунос олим, сайёҳ Ҳерман Вамбери бошлаган. Унинг бу хайрли иши XX асрда А.Стронг, К.Ламонт, Г.М.Шулбрайт,

Н.Чадвик, И.Шох, Ҳ.Паксой, С.Баура, К.Райхл, М.Петерсен, Ф.Адамслар каби олимлар томонидан давом эттирилган. Хусусан, XXI асрга келиб бу жараён янада тараққий топди. Бу эса, ўзбек фольклорининг хорижда ўрганилиши маълум тадрижий тараққиёт босқичини босиб ўтганлигини кўрсатади. Чунки туркий халқлар, айниқса, ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналари таржималари билан шуғулланган олимлар ишлари маълум хронологияга эга. Бу соҳада “Turkic Oral Epic poetry: Traditions and Poetic Diction”, “Treasury of Uzbek Legends and Lore, ” “Heroic Poetry” каби асарлар алоҳида диққатга сазовордир.

4. Ҳозирги вақтда фольклор намуналарининг турли тилларга таржималари маҳаллий нашрлар, оммавий ахборот саҳифаларидан ташқари, Интернет сайтлари орқали ҳам кенг тарқатилмоқда. Бироқ уларда баъзан англашилмовчиликлар ҳам учраб туради.

5. Ўзбек фольклорининг дастлабки инглизча таржималари бадий эмас, аксинча, кўпроқ тасвирий характерда бўлиб, аслият ҳақида умумий тушунча беради, холос.

6. Ўзбек халқ оғзаки бадий ижоди дурдоналари айрим фондлар, хусусан, ЮНЕСКО ташкилоти ҳомийлигида ва Тинчлик Корпуси кўнгиллилари ташаббуси билан ҳам инглиз тилига кенг таржима қилинган.

7. Олимларимиз ўзбек фольклори намуналарининг хорижий тилларга, жумладан, инглиз тилига таржималари бўйича қатор тадқиқотлар қилишга катта қизиқиш билан қарамоқдалар.

II БОБ
ЎЗБЕК ХАЛҚ ЭРТАКЛАРИ ТАРЖИМАСИДА МИЛЛИЙ
КОЛОРИТНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

II.2. Эртактлар таржимасининг лисоний ва услубий қулайлик ва
ноқулайликлари

Жаҳон миқёсида кўп таржима қилинадиган асарлар сирасига фольклор намуналари киради. Жумладан, ўзбек фольклори намуналари ҳам дунёнинг кўплаб тилларига таржима қилинди.

Маълумки, фольклор асарлар маҳаллий халқ тилида яратилган бўлса-да, ўзга тилга ўгирилаётганда, аввало, шевадан адабий тилга ўтказилади.

Фольклор таржимаси ёзма адабиёт намуналарининг таржимасидан муайян қонуниятлари, талаблари билан фарқланади. Хусусан, бу фарқлилик уларнинг тилида яққол намоён бўлади. Фольклор намунаси халқ тилида яратилгани учун ундаги халқона иборалар, шева унсурлари, сўз ўйини билан боғлиқ ҳодисалар, халқона юморни ифода этувчи лексик бирликларни таржимада айнан бериш ўзига хос мушкуллик туғдиради. Бадиий асар эса сўз

усталари томонидан бирмунча сайқалланган, қайта ишланган, маълум грамматик қонун-қоидаларга бўйсундирилган адабий тилда яратилиши туфайли таржимонни у қадар ноқулай вазиятга солиб қўймайди.

Ўзбек фольклоридан ҳозиргача қилинган таржималар турли даврларда хилма-хил талаб ва эҳтиёжлар асосида амалга оширилган. Бу ҳақда ишимизнинг олдинги бобида батафсил тўхтаб ўтдик. Айтилган фикрлардан кўриняптики, ўзбек фольклори намуналарининг ҳозиргача бўлган инглизча таржималарининг нисбатан кўпчилиги бевосита бадиий мақсад билан эмас, илмий ёки методик ниятда амалга оширилган. Шунинг учун бу таржималарнинг бадиияти масаласига юқори талаб билан ёндашиш тўғри бўлмайди. Буни амалга оширилган таржималар ҳам яққол тасдиқлайди.

Маълумки, фольклор асарларида пурмаънолик ва сержиллолик кучли. Шунинг учун ҳам уларни таржима қилиш осон кечмайди.

Таржима икки тилнинг алоқа воситасигина эмас, балки бир-бирини лисоний-услубий жиҳатдан бойитадиган омил ҳамдир. У бир тилга иккинчи бир тилдан янги сўзлар кириб келишига восита бўлади.

Инглиз ва ўзбек тиллари бир-биридан ўзаро узоқ бўлган тиллар ҳисобланади. Шунинг учун бу тилларда яратилган асарларни бир-бирига таржима қилиш муайян қийинчиликларни келтириб чиқаради. Таржима қилиш қийинчилиги фақат бу тилларнинг лингвистик тузилишидаги тафовутларга эмас, балки сўзларнинг маъно томонидан фарқланишига ҳам боғлиқ бўлади.

Таржимада лисоний-луғавий маънодаги қийинчиликдан ташқари, табиий муҳит, шароитни ёритиб бериш билан боғлиқ машаққат ҳам мавжуд. Шунингдек, диний тушунчаларни таржима қилишда ҳам шундай қийинчиликка дуч келинади. Лекин ҳар қандай таржимон иш жараёнида ўзига қулай йўл топишга ҳаракат қилади, албатта.

Ҳар бир халқнинг ўзига хос ҳаётини акс эттирувчи тасаввур-тушунчалар, диний қарашлар, маданий турмуш тарзи, урф-одатларни ифода

этувчи лексик ва синтактик бирликларни бир тилдан бошқа тилга ўтказиш таржимондан ғоят эҳтиёткорликни талаб этади.

Халқнинг миллий-худудий хусусиятлари, хўжалик юритишдаги умумийликлари бевосита унинг миллий тилида ифода этилади. Ўзбек миллий ҳаёти, урф-одатлари нафис тасвирланган эртаклар жуда кўп. Таржимонлар, асосан, ана шундай намуналарни ўгиришга эътибор қаратадилар. Масалан, халқимиз меҳмондўстлиги билан жаҳонга ном таратган. Ўзбекча саломлашиш, ўзбекча тўйнинг довруғи ҳам анча баланд.

Фольклор асарлари таржималарида сўзни сўз билан эмас, образни образ билан алмаштириш яхши самара беради. Масалан, “*сандали*”, “*паранжи*”, “*сандиқ*” образларини таржимада фақат сўз билан бериш кифоя эмас. Балки уларнинг образ даражасидаги эстетик вазифасини ҳам кўрсатиб беришга тўғри келади. Чунки, айтайлик, сандиқ халқимиз турмушига хос миллий реалия эканлигидан ташқари, эртакларимизда учрайдиган анъанавий рамзий-бадий тимсоллардан бири ҳамдир. Ҳатто у сеҳрли-фантастик эртакларда кўпинча ғаройиб нарса сифатида акс эттирилади. “Зумрад ва Қиммат” эртаги бунга ёрқин мисол бўла олади.

Таржимада сўзларнинг миқдориға эмас, ишнинг сифатиға эътибор берилади. Шунингдек, таржима жараёнида асарнинг жанр хусусияти алоҳида ҳисобга олинади. Масалан, “эرتак” сўзи баъзан “афсона” тушунчасига яқин сўз билан таржима қилиниши мумкин. Ҳолбуки, фольклорда бу жанрлар бир-биридан муайян жанрий белгиларига кўра фарқ қилади. Айтайлик, эртакнинг анъанавий зачини таржимада берилмаслиги, қисқартирилиши натижасида шу ҳол юз бериши кузатилади.

Таржиманинг мақсади мавжуд бадий асарни бошқа тилда қайта яратишдан иборатдир. Бунда бошқа тилга хос бадий воситаларни таржимон ўз тилида янгидан яратади. Шу маънода фольклор асарининг халқона руҳи ўзгариб, чинакам ижод намунаси яралади. Маълумки, фольклорда кўпчиликнинг ҳис-кечинмаси, орзу-интилиши ифода этилган бўлади. У

таржима асарига айлантирилгач, унда индивидуал шахсининг дунёкараши зухур эта бошлайди.

Демак, фольклор асари таржима жараёнида ўзига хос қуйидаги хусусиятларини йўқотиши кузатилади:

1. Оғзаки яратилган фольклор асари таржима қилиниши натижасида ёзма ижод маҳсулига айланади.

2. Таржима тилида у ўз анъанавийлигини оғзакилик асосида эмас, ёзма усулда сақлаб қолади.

3. Таржима қилинган фольклор намунаси жамоанинг эмас, якка ижодкорнинг меҳнати маҳсулига айланади.

4. Таржима қилинган фольклор асари вариант асосида яшамаслиги мумкин (агар таржимон уни қайта тўлдириб, таҳрир қилмаса).

Таржима қилинган асар ўша асарнинг таржима тилида эътироф этилганлигини англатади, чунки ҳар қандай асар ҳам таржима қилинаверилмайди. Бундан англашиладики, ўзбек фольклори ҳам дунё тилларидан бири бўлган инглиз тилига ўгирилиши унинг жаҳон халқлари орасида эътирофга сазовор бўлганлигини англатади. Лекин бунда ўша таржима чет тилда ҳам ўз қадрини топа олиши муҳим. Ҳозирги пайтда интернет сайтларидан, йирик-йирик тўпламлардан жой олган ўзбек эртақлари, латифалари таржимаси унинг кадр топанлиги ва топаётганлигидан дарак беради.

Таҳлилда доим асл нусха-таржима муносабатини ўрганиб, матнлар қиёсидан ташқарига чиқа олмаслик бу соҳадаги тадқиқотларнинг асосий камчилигидир. Шунингдек, халқ ҳаётининг миллий ўзига хос томонларини дуруст акс эттира олмаслик, сўз танлашда, сўз қўллашда юз берадиган хатолар, халқ ёки мамлакат ҳаётини билмаслик, услубий ожизлик, тилни билгани билан, уни ҳис эта олмаслик натижасида таржимонлар кўпинча кўпол хатоликларга йўл қўядилар.

“*Ҳар бир таржима асари ўз даврининг маҳсулидир*”, – деб ёзади Ғ.Саломов.¹ Шундай бўлса-да, фольклор таржимасида ўша фольклор намунаси яратилган даврга хос руҳ сақланиши лозим. Лекин у, барибир, давр маҳсулига айланиши табиий. Буни улар таржимаси жараёнида шу давр аҳли тушунадиган сўзлар орқали беришда кузатиш мумкин. Масалан, фольклор асарида қўлланаётган, лекин ҳозирги давр кишиси учун ноаниқ бўлган қадимий нарса номи ёки тушунча ўрнида замонавий нарса номи келтирилиши мумкин.

Таржимада баъзан бир сўзни ёки тушунчани бир сўз билан эмас, кенгайтирилган бирикмалар билан ифодалаб беришга тўғри келади.

Турли даврларда яратилган фольклор намуналарини нафақат тингловчилар оммасининг, балки давр таржимонларининг тушуниш даражаси ҳам ҳар хил бўлади. Демак, фольклор асари таржимони халқнинг жуда қадимий, мифологик тасаввур-тушунчаларидан, диний-эътиқодий қарашларидан, маросим ва урф-одатларидан, касб-кори ва турмуш маданиятидан чуқур хабардор бўлиши керак.

Ўзбек халқ эртақларининг инглизча таржималаридаги миллийлик ифодасининг юзага чиқишига халақит берувчи чекланишлар қуйидагилардан иборат:

1. *Таржимонларнинг ҳаммавақт ҳам миллий хос сўзларни англайвермаслиги.* Масалан, «Хунарманд хотин» эртагининг инглизча таржимасида таржимон миллий хос сўзлар таржимасида баъзи камчиликларга йўл қўйган. Бу эса, ўз-ўзидан, айрим мантиқий чалкашликларни келтириб чиқарган. Эртақ таржимасида «*дўпни*» сўзи ўрнида - *сар - кепка, шапка*; «*коса*» сўзи ўрнида – *plate – тарелка*; «*патир*» сўзи ўрнида эса *pie - пирог* сўзлари қўлланилган.

2. *Эртақдаги бир қатор миллий реалияларни англамаслик туфайли ҳам баъзи тушунмовчиликлар юза келади.* Масалан, ўша «Хунарманд хотин» эртагида: «*Ярим вайрона уйга кириб, уй ўртасида ётган эски, йиртиқ кўрна,*

¹ Саломов Ғ. Таржима назариясига кириш. – Тошкент: Ўқитувчи, 1978. – Б.24.

тарашадай қотган ёстиқ, лаби учган қозон, қоп-қора қумгон, қадоқланган косани кўрибди. Қозоннинг ичида озгина атала ҳам бор экан», – дейилади. Бу гап инглизчага қуйидагича таржима қилинган:

*“Then she entered a dilapidated hut and saw an old torn up mattress in the middle of the room, some broken plates and a pot with a couple of spoons are broth in it.”*¹ Ваҳоланки, бу гап ўзбекчага қайта ўгирилса, аслиятдан йирок қуйидаги мазмун ифодалангани аёнлашади: *«Вайрона кулбага кириб, у хона ўртасида йиртиқ кўрна, бир нечта синган тарелка, иккита қошиқ солинган шўрвали қозонни кўрибди»*.

Кўринаётирки, гап тўлиқ ва аниқ таржима қилинмаган, аввало, аслиятдаги *«кўрпанинг эскилиги, тарашадай қотган ёстиқ, лаби учган қозон, қоп-қора қумгон, қадоқланган коса»* каби деталлар илганмаган. Аслият матнида *«иккита қошиқ»* детали бўлмагани ҳолда, таржимон уни ўзидан кўшиб, *«атала»*ни инглизчада *«бульон, шўрва»* маъноларини ифодаловчи *«broth»* сўзи билан таржима қилган. Аслиятда *«атала»*нинг озгиналиги таъкидланса-да, таржимон бунга эътибор бермаган, ҳолбуки, бу деталларнинг барчаси бир бўлиб қашшоқлик тушунчасининг ижтимоий моҳиятини очишга хизмат қилади. Боз устига, атала миллий таом ҳисобланиб, қовурилган ун ва сувни, сузишдан олдин эса керагича тухум кўшиб қайнатиш орқали тайёрланади. Бу сўз ҳам транслитерацион усулда изоҳланса мақсадга мувофиқ бўларди.

Шунингдек, эртақда ажратиб кўрсатилган *«тарашадай қотган ёстиқ»*, *«лаби учган қозон»*, *«қоп-қора қумгон»*, *«қадоқланган коса»* каби сўз бирикмалари хонадонда истиқомат қилувчи шахснинг, яъни ўтинчи Саиднинг нақадар ночор яшашини англатади ҳамда қаҳрамоннинг хонадонига, (ҳаётига) бойнинг хотини келгандан кейинги ўзгаришларни кузатишда муҳим белги вазифасини ўтайди. Бироқ иккала таржимада ҳам бу деталлар таржимаси берилмаган, натижада тасвирий ва қиёсий ҳолат биргаликда мавҳум бўлиб қолган.

¹ Tales from the Silk Road. — UNESCO. 2004. — Б. 27.

Хотин Саидга даромади сал ошгач, қотирма билан пиёва тайёрлаб берибди. Хурсанд бўлган Саидга у агар яхши меҳнат қилса, нафақат пиёваю қотирма, балки шўрваю ёғли патир ейиши ҳам мумкинлигини айтибди. Эртақда миллий таомлардан ҳисобланган пиёва ва ёғли патир инглиз тилига таржимада «*pie*» - пирог ва «*roast meat*» - қовурилган гўшт тарзида таржима қилинган. Шунини таъкидлаб ўтиш жоизки, “таржима “ўзининг” ўқувчиси учун қилинади; агар матнга шундайлигича олиб ўтилган реалиялар ўқувчи идрокдан ташқарида қолса, демак таржиманинг коммуникатив мақсади амалга ошмаган бўлади”².

3. *Эртақдаги бир қатор миллий урф-одатларни, ахлоқий қоидаларни англамаслик туфайли келиб чиқадиган чекланишлар.*

«Маликаи Ҳуснобод» эртаги инглиз тилига билвосита, яъни Т.Икромов томонидан рус тилига ўтирилган намунадан таржима қилинган.¹ Лекин унда эртақ руҳи, бадиияти, миллийлиги сақланган. Айниқса, эртақ таржимасида бош қаҳрамон – Маликаи Ҳуснободнинг одоби, ўзини тутишини ифодаловчи ҳолатлар аниқ ўз ифодасини топган.

Эртақ бошида Малика отасининг саволига жавоб бергач, шоҳнинг жаҳли чиқади ва қизига: «*Эй сочи узун, ақли калта, бўлмаган гапни айтма, мен сени зиндонда сақлаб, кейин терингга сомон тиқайин, токи бу иш бошқа қизларга ибрат бўлсин, бундан кейин ҳеч ким отасига қарши чиқмасин,*»- дейди. «*Сочи узун, ақли калта*» иборасини таржимон “*You shameless creature*” тарзида ўтирганки, бу ўзбекчада «*уятсиз мавжудот*» ёхуд «*уятсиз банда*» маъноларини беради. Аслида, «*Сочи узун, ақли калта*» ибораси аёлларга нисбатан ишлатилиб, бу орқали эркаклар уларни ерга уриб, ўзларидан ақл ва билим савияси жиҳатидан қанчалик паст туришларини писанда қилади. Ҳамма даврларда эркакнинг аёлга муносабатини ифодаловчи бу иборани таржимон сўзма-сўз таржима қилиши ва унга изоҳ бериши керак

² Влахов С., Флорин С. Непереваемое в переводе. – М.: ИМО, 1980. – С.102

¹ Husnobod. – Тошкент, Ўқитувчи, 1989.

эди, шундагина эндиликда унинг тарихга айланган маъно-мазмун таржимада ўз аниқ аксини топган бўлармиди.

4. *Эртақдаги бир қатор миллий эътиқодий қарашларни, диний тушунчаларни англамаслик тўғрисида келиб чиқадиган чекланишлар.* Жумладан, «Маликаи Хуснобод» эртагида Қорашоҳнинг қаландар қиёфасида Хуснободнинг юртига келиши эпизоди бор. Таржимон шу эпизоддаги «қаландар» сўзини инглиз тилида “*beggar*” сўзи билан ифодаланган. Холбуки, бу сўз инглизчада “гадо” маъносини англатади. Ўзбек тилида «қаландар» ва «гадо» сўзлари маъно жиҳатидан бир-бирдан тубдан фарқ қилади. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да кўрсатилишича, “*қаландар*” сўзи *диний газаллар ўқиб, мусулмон динини тарғиб қилиб, дарбадар кезувчи, таркидунё қилган, дарвеш, дунёдан воз кечган киши* ҳисобланади. *Гадо камбағал, қашшоқ, бирор нарсага зор, интизор, муштоқ одам, деб* изоҳланади.² Бинобарин, Хуснободнинг ишқида давлати ва подшолигидан воз кечиб, қаландар кийимида юртини тарк этган Қорашоҳни бу сўз нечоғлик юксакка кўтарганини ҳис қилиш лозим. Қаландар илоҳий ишқ йўлида ҳамма нарсадан, ҳатто шоҳлигидан воз кечган фидойий бўлса, унга нисбатан «гадо» сўзини қўллаш маъносига кўра муқобил эмас. Бинобарин, у нотўғри қўлланганидан ташқари, Қорашоҳнинг фидойилигини таҳқирловчи истехзоли маъно касб этган. Шу сабабли «қаландар» сўзи транслитерацион йўл билан ифодаланиб, кейин унга изоҳ берилса, мақбул йўл тутилган бўларди.

5. *Таржимада миллий колоритнинг сақланиши ҳар бир миллат ижодининг ранг-баранглиги ва бойлиги кафолатидир.*³ Эртақ қаҳрамонларининг номини ифодалаб келган атоқли отларнинг таржимада транслитерацион усулда сўзма-сўз изоҳлаб берилганлиги. Таржима тилига қовушмаган сўз ва ибораларга, одатда, сатр остида изоҳ бериш талаб этилади. Масалан, Бишкеда чоп этилган “*Uzbek Folk Tales*” тўпламида келтирилган “Қилич ботир” эртагидаги бош қаҳрамонлар (Қилич ботир ва

² Ўзбек тилининг изоҳли луғати, Москва: Русский язык, 1981 – 1-т. Б. 182; 2-т. Б. 544.

³ Гачечиладзе Г. Художественный перевод и литературные взаимосвязи. – М., Сов. писатель, 1980. – С.101.

Оқбиллак)нинг номи таржимада қуйидаги изоҳлар билан берилган: *“Kylych – a sword, batir – a hero, an athlete, Akbilak – “white wrists”, i.e. of noble ancestry, Kara shah – black, here it means bad, evil”*¹.

Таржимашуносликда миллий колоритни ифодаловчи сўзларга алоҳида эътибор берилиб, уларни, имкони борича, халқнинг ўзига хос лексик бирликлар билан ифодалаш усуллари ўрганиб чиқилади. «Қилич ботир» эртаги таржимасида ҳам миллий колоритга, айниқса, миллий хос сўзларга алоҳида аҳамият берилган. Масалан, эртактаги «қишлоқ, хуржин, тўй» сўзларининг таржимаси транслитерация орқали берилган ва ҳар бир сўз изоҳлаб ўтилган: *«kishlak – a village in Central Asia; khoodjin – a travel bag»* тарзида.

б. Эртактаги маълум бир миллатга тушунарли бўлган, унинг тарихи билан туташ тарихий ва архаик сўзларни англамаслик туфайли келиб чиқадиган чекланишлар. Масалан, шу тўпламда таржимаси келтирилган «Донишманд чўпон» ўзбек халқ эртагида шоҳ муншийни чақиради ва унга: *«Чўпоннинг номига васиқа қилиб бер. Мен унга шаҳримдан беш хўкизнинг терисича ер инъом қилдим»*, – дейди. Бироқ шу эртакнинг инглизчага қилинган таржимасида худди мана шу гапнинг ўзида қўлланган “мунший” ва “васиқа” тарихий сўзлари келтирилмаган ва шоҳ амри қуйидагича берилган: *“The khan called up the vizier and gave him orders to fulfil the horse-herder’s wish”*. Кўриняптики, таржимада мунший сўзи ўрнида вазир сўзи келтирилмоқда ва васиқа сўзи батамом тушириб қолдирилмоқда: *“Хон вазирни чақирди ва чўпон истагини бажо келтиришни буюрди.”* Шунингдек, матн мазмуни ҳам таржимада ўзгариб кетган.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да мунший тарихий сўз сифатида *саройда ёзув ишларини олиб борадиган котиб* деб тушунтирилган.² Таржимада бу иш вазирга “юклатилган”. Вазир эса подшоҳ ва хонлар саройида муншийга нисбатан олий мансаб эгаси бўлган. Бу икки амални

¹ Uzbek Folk Tales. – Bishkek, Kyrgyzstan, 1997. – P. 7

² Ўзбек тилининг изоҳли луғати, I том. – Б.481

ифодаловчи сўзлар, аслида, миллат тарихига хос сўзлардир. Таржимада муншийнинг вазифаси вазирнинг вазифаси билан аралашиб кетиши эртак мазмунига путур етказган. Чунки “*вазир*” сўзини инглиз ўқувчиси билади, унинг қанақа амал эканидан хабари бор ва унга мунший вазифасининг юклатилиши ўқувчининг тушунмаслигига ва тарихий атамаларнинг чалкаштирилишига олиб келган.

«*Васиқа*» ҳам – миллий тарихий сўз. У мол-мулк сотиб олингани ҳақидаги расмий ҳужжатни англатади. Таржимада бу сўз, умуман, қўлланмаган. Эртакнинг аслиятида эса бу сўз олти марта ишлатилган.

Эртак сўнгида чўпон хондан: “*Сўзингиздан қайтмайсизми?*” – деб сўраганда хон: «*Агар муҳрим бўлса, қайтмайман*», – дейди. Чўпон қўлидаги васиқани шоҳга кўрсатиб: «*Бўлмаса мана шу васиқага биноан бу шаҳар бутун халқи, ери ва хазинаю дафиналари билан менга ўтди*», – дейди.¹

Таржимон эртакдаги бу кульминацион нуқтани эътибордан четда қолдирган. Ваҳоланки, эртак кульминациясида айнан шу васиқа образи ҳал қилувчи роль ўйнайди. Унга кўра, чўпон бутун подшоликка эга бўлади, подшо эса ўз юртидан бош олиб чиқиб кетади. Шундай экан, “*васиқа*” сўзини транслитерация усулида изоҳи билан бериш миллий колоритни кучайтирувчи яна бир нуқтанинг тасвирланишига ва тарихий руҳнинг кучайишига олиб келарди. Таржимада эса шу ҳолатни ифодаловчи на диалогик нутқ, на миллий тарихий сўзлар ўз аксини топган.

Бу эртакнинг таржимаси иккинчи тил орқали ҳам берилган. Унинг русча таржимасида: «*Хан вызвал визиря и повелил ему исполнить желание табунщика*»², – дейилади.

Демак, воситачи тилда тарихий сўзларнинг тушириб қолдирилиши ҳар иккала таржимон томонидан йўл қўйилган нуқсонларнинг «тўлдирилишини» таъминлаган.

¹ Uzbek Folk Tales. – Bishkek, Kyrgyzstan, 1997. – P.140.

² Ўша асар. – Б.141.

Ҳолбуки, таржимон давр руҳини аслига монанд тарзда акс эттириш масъулиятини олиши лозим. Шундай экан, шоҳнинг ҳар бир хатти-ҳаракати, чўпон фаолиятига тааллуқли миллий нуқталар таржимада ҳам аниқ берилиши керак эди. Таржимон эртақдаги муҳим жиҳатларни таржимада ифодалаган. Буни биргина миллий ҳарбий сўзлар сирасига кирувчи “навкар” сўзининг изоҳли таржимасида кўриш мумкин. Вазир шоҳ фармонини бажариш учун навкарлар билан йўлга чиқади. Шу гапдаги «навкар» сўзи рус тилида «*нукер*» шаклида берилган ва натижада билвосита таржима билан шуғулланаётган мутаржим бу сўзни инглиз тилида “*nuker*” шаклида келтирган. Ҳар иккала таржимада ҳам саҳифа охирида «*нукер – вооруженный всадник*» (рус тилида), “*nuker – an armed horseman, same as djigit*” (инглиз тилида) дея изоҳлаб ўтилган.

«*Навкар*» сўзи ўзбек тилининг изоҳли луғатида «ҳарбий хизматкор, оддий аскар» деб берилган.

Ўзбек халқ эртақларининг инглизча таржималаридаги миллийлик ифодасининг юзага чиқишига халақит берувчи чекланишлардан ташқари таржима туфайли алоқага киришаётган икки тилнинг бир-биридан сўз олиб бойиши учун имкониятлар пайдо бўлиши кузатилади. Масалан, «Муқбил тошотар» эртагининг инглиз тилидаги таржимасида «*кийик*» сўзи “*kiik*” тарзида ўзбек тилидаги талаффузи билан берилган ва унинг изоҳи ҳам ҳавола қилинган. Бироқ бу сўзнинг изоҳи учун таржимада “*mountain goat*” бирикмаси келтирилганки, у ўзбек тилида «*тоғ эчкиси*» маъносини ифодалайди. Кийик билан тоғ эчкиси икки хил ҳайвон бўлиб, бир-биридан фарқ қилиши ҳаммага аён. Кийик дунё фаунасида мавжуд ҳайвон бўлиб, инглизларда “*deer*” деб юритилади. Бинобарин, таржимон оддийгина қилиб сўзнинг айна эквивалентини бериши тўғри бўларди.

«Доно қизлар» – “*Wise Girls*” эртаги вазир ва унинг доно қизи ҳақидадир. Вазирнинг мот қилганидан қаҳри келган шоҳ уни йўқ қилиш мақсадида дунёдаги уч сабз нарса нима эканлигини топиб келишни буюради. Вазирнинг қизи отасига топишмоқ жавобини қуйидагича айтади: “*Биринчи*

сабз – осмоннинг кўки, иккинчи сабз – баҳорнинг кўки, учинчи сабз эса – дарёнинг кўки”.

Инглиз тилига қилинган таржимада кўк сўзига қуйидагича изоҳ берилган: *“Look, father: the first green is sky blue, the second green is the spring blue. The third green is the river blue.”*¹

Мутаржим *“blue”* сўзига тўхталиб, *“Uzbek word “kok” may mean both blue and green colours”*, яъни «кўк» сўзи ўзбек тилида ҳам яшил, ҳам кўк ранглари ифодалайди, деб изоҳ бериб ўтган. Лекин бундай ҳолат, яъни «кўк» сўзининг бу икки маънони қай вазиятда ифодалаш ифтихориликлиги тўғриси ўқувчи ўзбек тилида *green* – *яшил* сўзи йўқ экан, деган хулосага келиши мумкин.

Ўзбек халқ эпик асарларини бошқа тилга таржима қилишда улардаги услубий бирликларни, анъанавий мотивларни сақлаб қолишга алоҳида эътибор қаратилади. Чунки уларсиз асарнинг миллий руҳига ва мазмунига жиддий путур етади. Бироқ ҳамма таржималарда ҳам эпик анъанавий мотивлар ва услубий бирликлар тўлиқ сақланган, деб бўлмайди. Кўп ҳолларда уларнинг ўзгаришлар билан таржима қилинганлиги кузатилади. Масалан, «Ота васияти» ўзбек халқ эртагида Кенжа ўғилнинг синов шартини бажариши мотиви тасвирига таржимон томонидан бир қанча ўзгартириш киритилганлигини кузатиш мумкин. Чунончи, эртақ аслиятда: *«Бугун бир бўз отлик одам келиб, шотига отини рўпара қилиб, «чух» деди, от иккам қирқ поғонага чиқди»*, – дейилади. Инглизчага бу парча тубандагича ўгирилган: *“There was one horseman today who almost reached the tower. He said “chuh” to his horse and jumped all forty steps”*.²

Ўзбек халқ эртагида қаҳрамон шотига чиқиш учун уч марта уриниши тасвирланади. Иккинчи уринишда ҳам жигарранг от бир кам қирқ поғонага кўтарилади. Таржимон эса учала ҳолда ҳам буни *“all forty steps”* – “қирқта поғона” тарзида бераверади.

¹ Uzbek Folk Tales. – Bishkek, Kyrgyzstan, 1997. – P.67.

² Ўша асар. – Б.15.

Ўзбекона миллий анъанага кўра қирқ рақамини иккам, биркам қирқ шаклида санаш мавжуд. Инглизларда ҳам бу усул бор: *“all forty steps but one”* – *“бир кам қирқ”*, *“all forty steps but two”* – *“иккам қирқ”*. Лекин таржимада ана шу ҳолат англолмаган. Бундай ноаниқликлар туфайли эртақдаги ҳаяжонли ҳолатлар, эмоционаллик инглиз ўқувчиларига етказилмаган ва англошилмовчиликларни келтириб чиқарган.

“Хунарманд йигит” эртагида анъанавий сеҳрли рақамларга мурожаат қилинган. Шу рақамлар воситасида эртақ мазмуни янада чуқурроқ, янада кенгроқ очилган. Эртақда, айниқса, уч рақами кўп учрайди. Масалан: йигитнинг уч хунарни ўрганиши ва шу уч хунари орқасидан ҳаётини сақлаб, бойиб кетиши, бойнинг хизматкорлари орасида уч кун ўтмасданоқ танилиши, подшонинг қизини шатранжда уч кунда енгиши уч рақамининг ўзбек халқ оғзаки ижодидаги ўрнини кўрсатиб беради. Айнан шу рақам такрори ўз моҳияти билан тасвирнинг таъсирини ошириб борган ва эртақ сюжети воқеаларига давомийлик бағишлаган ҳамда унга саргузаштлик хусусиятини сингдирган. Уч рақамига доир жиҳатлар таржимон томонидан ҳам мукамал берилган. Натижада эртақда такрор ва тасвир унсурлари сақлаб қолинган.

“Хунарманд йигит” эртагида анъанавий “уч” рақамидан ташқари “етти” рақамидан ҳам кенг фойдаланилган: *“Мамат қудуққа тушиб кетгач, унинг остида касал ётган девга дуч келади. Дев етти йилдан буён касал, ҳушсиз ётган бўлиб, у етти кунда Мамат чалган гижжак навосидан ҳушига келади”*. “Уч” рақами билан боғлиқ тасвирлар таржимасидан фарқли ҳолда, “етти” рақами иштирокидаги тасвирлар таржимасида баъзи бир хатоликларга йўл қўйилган. Жумладан, девнинг етти йил касал ётгани ҳақидаги аниқ муддат таржимада акс этмаган.

“Дев касал экан. У етти кундан буён ҳатто бармогини ҳам қимирлатолмай ётган экан. Сеҳрли мусиқа овозини эшитиб, у ҳушига келибди ва тузалибди.” - *It turned out that the Deev was very sick. He had been*

*lying down and couldn't move a finger for seven days. Having heard the sounds of magic music he regained consciousness and got cured.*¹

М.Жўраевнинг фикрича, фольклорда “*emti*” рақами магик рақам сифатида анъанавийлашуви аждодларимиз табиатидаги ибтидоий қарашларга бориб тақалади. Бу рақам остида Ўрта Осиёда яшаган туркий элатлар мифологиясида табиатни мифологик англаш ва аждодлар култи ҳақидаги қарашлар бирлашиб кетган. Маълумки, ҳаракатнинг етти марта такрорланиши унинг давомийлигидан далолат беришидан ташқари қўшимча семантик белгига ҳам эга.² Девнинг етти йил касал ётиши ва етти кунда тузалиши ҳам шу белги билан ифодаланади. Ўзбек халқи орасида етти рақами билан боғлиқ ақида ҳам мавжуд бўлиб, «етти – кетди» кўринишидаги бу ақидага, асосан, еттидан ўтса, ҳар қандай касал тузалади ёки аксинча, деб қаралади. «Хунарли йигит» эртагида ана шу ақида назарда тутилган ва ундаги, етти йил касал ётган девнинг етти кунда тузалиши рақамнинг худди шу “сеҳрли хусусияти” билан боғлиқ.

Хуллас, фольклор асарларидаги шевага хос сўзлар, турғун иборалар, идиоматик бирликлар, урф-одат ва расм-русумларга, диний қарашларга хос тушунчалар, анъанавий мотивлар ва образлар тизими унинг миллийлигини белгилайди.

Миллий хусусиятлар муайян халққа хос бўлиб, унинг бошқалардан фарқини кўрсатувчи жиҳатлари мажмуидир. Унда миллатнинг тарихи, қадриятлари, анъаналари, маданияти, яшаш тарзида яққол намоён бўлади. Миллий хусусиятларни билиш ва англаш учун миллатлар ўртасидаги фарқлар ва тафовутларни ҳам ўрганмоқ зарур. Аммо бу миллатлар орасидаги фарқларни мутлақлаштиришни эмас, балки миллатларни бир-бирларига яқинлаштирувчи томонларига эътибор беришни талаб қилади. Бошқа миллатларнинг ютуқ ва ижобий тажрибаларини ўрганиш ва ижодий ўзлаштириш миллийликни бойитади ва ривожлантиради.

¹ Uzbek Folk Tales. – Bishkek, Kyrgyzstan, 1997. – P.186-187.

² Жўраев М. Рақамларда яширинган олам. – Тошкент: Ўзбекистон, 1986. – Б. 14-15.

Асрлар давомида шаклланган маънавиятимиз, урф-одатларимиз, анъана ва кадриятларимиз миллатимиз руҳини ўзида тўлалигича акс эттиради. Халқимизнинг асрлардан асрларга мерос тарзида келаётган миллий кадриятлари узоқ тарихий жараёнда шаклланган. Улар она юртга эҳтиром, авлодлар хотирасига садоқат, катталарга ҳурмат, ҳаё, андиша каби хусусиятларнинг устуворлиги, бошқа халқларникига ўхшамайдиган урф-одатлар, расм-русумлар, маросимлар ва анъаналар билан тавсифланади.

Бирор-бир миллатга хос кадриятларнинг жаҳонга танилишида эса таржима ўта муҳим роль ўйнайди. Икки тил воситаларини нутқий даражада қиёслаш таржима назарияси ва амалиёти учун алоҳида аҳамият касб этади. Чунки мазкур жараён икки тил нутқий ифодалари орасидаги муносабатни белгилаш имкониятини беради. Шу сабабли таржима адабий меросни жаҳон саҳнасига чиқаришда алоҳида ўринга эга, бинобарин, ундан катта масъулият талаб қилинади. Таржимон эса айнан шу ишнинг амалга оширувчиси ва масъулияти учун жавобгар шахс ҳисобланади. Шунинг учун ўзбек халқ оғзаки ижоди қатор намуналарининг инглиз тилидаги таржималарини кўриб чиққанда, уларда халқ миллий руҳияти, анъаналари ва урф-одатларининг ифодаланиши ҳолатига алоҳида эътибор қаратиб, ўғирма асарнинг қайси жанрга мансублиги талабларидан келиб чиққан ҳолда уни эстетик таҳлил қилиш лозим. Албатта, ана шу қиёсий-эстетик таҳлил жараёнида таржимада эришилган ютуқлар ва йўл қўйилган қусурлар моҳияти ва сабаблари намоён бўлади.

Ўзбек халқ эртаклари ҳам бой сюжети, баркамол бадиияти, барқарор композицион қурилишга эгаллиги ва оммавийлиги билан жаҳон фольклорида ўз ўрнига эга. Уларда халқнинг қадимий урф-одатлари, маросимлари ҳал қилувчи роль ўйнагани туфайли халқ миллий қиёфаси бутун бўй-баста билан гавдаланган бўлади. Шу сабабли улар, узоқ асрлардан бери тарихчилар, қадимшунослар, этнологлар, ўлкашунослар ва адабиётчилар, фольклоршунос ва тилшуносларнинг диққатини ўзига жалб этиб келмоқда. Эндиликда бундай кизиқиш таржимашуносликда ҳам ўзига хос эҳтиёжга айлана бошлади. Ўзбек

халқ эртақларининг бошқа тилларга, айти пайтда, англиз тилига қилинган таржималарида миллийликнинг ифодаланишини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Халқ ижоди намуналари орасида эртақлар таржимаси етакчи мавқега эга. Англия, Америка, Австралия ва бошқа англиззабон мамлакатлар халқларининг ўзбек тилига ўтирилган «Оппоғой ва етти гном», «Бахт излаган Жек», «Соҳибжамол ва махлук» каби эртақлари, немис эртақнавислари Ханс Христиан Андерсен ва ака-ука Гриммларнинг ижоди намуналари, арабларнинг машҳур «Минг бир кеча» эртақлари каби жаҳонга донғи кетган насрий оғзаки ижод намуналари ўзбек адабиётида ўз мавқеига эга таржима асарлардан ҳисобланади.

Халқ эртақлари кишилик жамияти тараққиётининг барча босқичларидан ўтаркан, доимо ўзгариб, ривожланиб келаркан, шу босқичлардаги ижтимоий муносабатларни ҳам ўзида у ёки бу даражада сақлаб келади, йиғади ва акс эттиради. Бинобарин, эртақларда, улар қайси тилга таржима қилинмасин, асл нусхага хос руҳи, бадий камолоти, миллийлик акс этиб турган тили, бадий-тасвирий воситалари ва бошқа стилистик хусусиятлари тўла сақланиши зарур. Хўш, бу меҳнат аҳли ижодиёти ва маънавий қудратини кўрсатувчи, ўзида узоқ ўтмишнинг барча машаққатларию эзгуликларини акс эттирган ўзбек халқ эртақларининг рус тилидаги, рус тили орқали эса англиз тилидаги, демакки, воситали ёки билвосита таржималарида қандай намоён бўлган экан?

Зеро, таржима ҳозиргача бегона бўлган миллий маънавият билан танишиш, уни ўз ички дунёсига сингдириш воситаси бўлиб келган. Таржимонни қизиқтирган нарса ҳам худди шу янги, ҳали очилмаган миллий маънавият оламини ўз китобхонига туҳфа этиш ҳисобланади. Таржимон шахсининг ўзида (ижодкор адиб қиёфасида) икки халқ маданияти уйғунлашган, бирлашган ҳолда намоён бўлади.¹

¹ Саломов Ф., Комилов Н. Дўстлик кўприклари. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – Б.68.

Эртаклар муҳим ҳаётӣй воқеа ва удум-анъаналарни ўзида акс эттирган жанрлар сирасига киради. Уларнинг таржималари шу жиҳатларни ўзида акс эттириши зарур. Эртаклар таржимасида тарихий ҳолатлар, миллат тарихи ва тараққиётига оид кўплаб ҳолатларни учратиш мумкин. Масалан, сеҳрли-фантастик эртаклар сирасига кирувчи «Муқбил тошотар» эртагида халқнинг ижтимоӣй табақаланиш даври тасвирланган бўлиб, одамларнинг бу ҳолатга қарши кураши, дуч келган қийинчиликлари тасвирланади.

Эртакда қаҳрамонларнинг инсонийликни ўз манфаатларидан юқори қўйишлари, одамларнинг яхшилик қилишга интилиши, ёмонликни енгиб, жабрдийда халққа қўлдан келганча кўмаклашуви ўз ифодасини топган ва бу ғоявий мотивлар таржимада акс эттирилган.

Муқбил подшо қўйган шартни бажаришдан олдин ўзи ҳам унга бегуноҳ маҳбусларни озод этиш шартини қўяди ва унинг кучидан ҳайиққан подшо шартни бажаришга мажбур бўлади.

Mukbil accepted the ruler's condition. But, in return, he demanded that the ruler release his poor people from the jail. The ruler didn't wish to give in, but was afraid to quarrel with Mukbil and, having returned to Bukhara, he with utmost reluctance freed all the poor prisoners².

Эртакда подшонинг оддий халққа нисбатан нақадар зулмкор эканлиги, фуқаролари устидан ҳукм юритиш ва уларнинг ҳаётини ўзи истаганидай бошқариши қораланган. Оддий халқдан чиққан «ялангоёқ»қа қизини бермаслик учун подшо бажариш имконияти йўқ турли шартларни ўйлаб топади, ҳатто, халқ ҳимоячиси Ҳотамни ўлдириб, бошини олиб келишни буюради. Ҳолбуки, Ҳотам образида ўзбек халқининг барча ижобий хусусиятлари, хусусан, саховатпешалиги тажассум топган. Эртакда унга муносабат масаласида икки мамлакат шоҳи таққосланган. Бундай қиёсий тасвир таржимада аниқ ифодасини топган ва бу инглиз ўқувчиларида шоҳ ва бойларнинг ҳаммаси бир хил эмаслиги, бундай ҳолат ҳамма миллатларда учраши ҳақидаги тасаввурни тўлдиришга хизмат қилган.

² Uzbek Folk Tales. – Bishkek, Kyrgyzstan, 1997. – P. 37.

Ҳотам шаҳарнинг каттаси бўлади, шундай бўлса-да, бошқа шоҳлар сингари тахтда ўтирмайди, фақир сингари халқ орасида юради.

Hatam is a ruler in this town. In spite of his high position, he doesn't sit on the throne like other rulers, but wanders in the town amongst the people.

Образлар тавсифининг таржимада аниқ акс этиши ўқувчининг улар ҳақидаги тасаввурини кенгайтиради, миллат одамлари, уларнинг миллий анъаналари, турмушлари билан таништиради.

Сеҳрли-фантастик эртакларда романтика, ишқ-муҳаббат мавзуси етакчилик қилади, эртак сюжетини ҳаракатга солади. «Муқбил тошотар» эртагида қаҳрамон ўз муҳаббатига эришиш учун ҳамма нарсага рози бўлади. Бироқ асардаги бошқа қаҳрамонлар бу севгини эътиборсиз қолдирмасликлари инсонларнинг бир-бирлари учун ҳамма нарсага тайёр бўлишлари лозимлигини уқтиришга хизмат қилади. Муқбил Ҳотамга подшонинг қизини севиб қолганини ва отаси қизининг қўли эвазига Ҳотамнинг бошини сўраганини айтганида Ҳотам: «Сиз ошиқ йигит экансиз, сиз учун битта бош эмас, мингтаси қурбон бўлсин», – дея Муқбил олдида тиз чўкиб бошини тутибди.

Севгининг бу қадар юқори даражага кўтарилиши ва муҳаббат учун одам ҳеч нарса аямаслиги таржимада аниқ тасвирланган.

“As for my head, if I had more than one – a thousand heads even – I would give all of them to make people loving each other happy.”¹

Ўзбек халқининг меҳмондўстлиги, уйига қадам ранжида қилган ҳар қандай кишини иззат-иқром билан кутиб олиб бисотидаги бор нарса билан сийлаши ўзига хос одат бўлиб қолган. Бу эртакда ўз аксини топиб, таржимон томонидан маҳорат билан кўрсатилган.

«Ҳотам дегани мен бўламан. Подшо айтган отни, бисотимда ҳеч нарса бўлмаганлигидан, кеча сизга сўйиб, овқат қилдим».

“Hatam is my name. As for the horse your ruler told about, I slaughtered him yesterday for lack of any other food for my guest.”

¹ Ўша асар. — Р.41.

Йўқдан бор қилиш, меҳмонни отасидан ҳам улуғ қўйиб, бисотидаги ягона отини сўйиши хориж ўқувчиларига ўзбекларнинг қанчалик бағрикенг, меҳмонидан ҳеч нарчасини аямайдиган одамлигини кўрсатади.

«Семурғ» сеҳрли-фантастик эртаги ҳам туркий халқларда кенг тарқалган. Унинг қаҳрамони кенжа ўғил ҳисобланади. У рақиблари устидан доим ғалаба қозонади. Бу унинг акаларига нисбатан ҳар тарафлама ақлли, идрокли, заковатли эканини, ишбилармонлик, одамийлик, тўғрилиқ, садоқат, сахийлик, ботирлик, катталарга ҳурмат каби фазилатлар соҳиби сифатида ажралиб туришида ҳам намоён бўлади. Унинг жасурлиги ўқувчини ҳаёт муаммоларидан кўркмасликка чақирса, ақллилиги, ҳар қандай шароитдан енгилмай чиқиб кета олиши ўқувчини тўғри йўлга етаклашга, ҳар ишни ўйлаб, натижаси ҳақида фикр юритиб бажаришга ўргатади. Эртақдаги ана шу мотивларнинг барчаси таржимада тасвирланган бўлиб, мутаржим халқнинг эзгу ният ва интилишларини бошқа миллат вакиллариغا етказиш билан бир қаторда, уларнинг тарбиявий жиҳатларини ўқувчига сингдиришга ҳаракат қилади.

Эртақдаги тўқима, магик, тотемистик, анимистик ва мифологик тушунчалар дунёнинг деярли барча халқлари эртақларига хос, шунинг учун уни тушуниш ва тушунтириш ўқувчига ҳам, таржимонга ҳам катта қийинчилик туғдирмайди. Чунки эртақлар поэтикасидаги аксарият компонентлар – сюжет, услуб, образлар тизими уйдирма ва фантастика билан ўзаро уйғунликда намоён бўлади. Шунини таъкидлаш жоизки, бу эртақ сюжети сайёр характерга эга. Бинобарин, бу хусусият дунё халқлари эртақларига ҳам хос. Демак, эртақларни таржима қилишда уларга хос миллийлик билан бир қаторда умумийликка ҳам эътибор қаратилади.

Дунё халқлари эртақларида энг кўп тарқалган Кенжа ўғил образи таржимада аниқ берилган ва ўқувчининг идеал қаҳрамони даражасида талқин этилган. Уч ака-ука орасидан идеал қаҳрамонларга хос ижобий хусусиятлар Кенжа ўғилгагина тегишли. Кенжа ботирнинг қўлидан келмайдиган ишнинг ўзи йўқлиги, унинг ҳар қандай қийин вазиятдан ҳам ўзи ёхуд дўстлари

ёрдамида чиқиб кетиши эртақдаги фантастика ёки бадий уйдирмани кучайтириш баробарида қаҳрамон шахсига нисбатан ўқувчида ишонч туйғусини уйғотади. Кенжа ўғил қаҳрамони ўзбек халқида айрича ҳурмат ва эътиборга лойиқ. У меросхўр, уруғ анъанасини давом эттирувчигина эмас, балки оила, уруғнинг эгаси, чироғининг ёқувчиси, анъаналарнинг давом эттирувчиси ҳамдир. Шу асосда эртақда халқнинг қадимий қадриятлари бадий унсурлар ёрдамида акс эттирилган. Таржимада ҳам бу жиҳатни ҳисобга олиш жуда муҳим. Чунончи, Кенжа ботир овқат пишираётиб, ухламаслик учун қўлини кесиб, ярасига туз сепибди ва шу баҳона билан овқатларини ўғирлаётган ялмоғиз кампирни ўлдирибди. Ялмоғизнинг боши думалаб ғорга тушиб кетибди ва Кенжа ўғил эрталаб акаларига бор гапни айтиб берибди. Улар ғорга боришгач, акалар арқон билан ғорга тушмоқчи бўлишибди, лекин ғорнинг ярмига етмаёқ дод солиб, чиқариб олишларини сўрашибди. Кенжа ботир эса кўрқмасдан ғорга тушибди ва у ердаги бандиларни озод қилиб, ялмоғиз ўғирлаган гўзални қутқарибди.

The eldest brother decided to examine the cave bottom. He girded himself with a lasso and slowly began sliding down along the cave wall. He was halfway down when his brothers holding the lasso heard his bloodcurling cry, “Help! Pull me out! Quicker!” Then the second brother decided to go down to the cave bottom, but halfway down he also uttered a cry, “Save me! Pull me up!” Then Kenja-batyr’s turn came: he safely girded himself with the lasso, told the brothers to hold the rope as firmly as they could and disappeared in the cave.¹

Эртақда афсонавий қуш Семурғ Кенжа ботирни ер юзига чиқариб қўяди. Туркий халқлар, жумладан, ўзбекларда Семурғ ўта муболағалар билан тасвирланадиган баҳайбат ва кучли қуш. У ўзбек халқ эртақларида ижобий қаҳрамонни «етти зулмат ичи»дан олиб чиқувчи дўст, ҳимоячи, ҳамроҳ, яхшилик ва ёруғлик тимсоли сифатида талқин қилинади. Эртақда Семурғ Кенжа ботирни ер юзига қайтаради ва шу хизмати билан уни акаларининг

¹ Uzbek Folk Tales. – Bishkek, Kyrgyzstan, 1997. – P. 49.

хиёнатидан қутқаради. Таржима қуш номининг изоҳидан бошланган, сўнгра унинг барча хусусиятлари тасвирлаб ўтилган.

Кенжа ботирни ерга олиб чиқиш учун қуш бир меш сув ва бир қоп гўшт тайёрлашни сўрайди. Парвоз охирида гўшт қолмагач, ботир сонининг гўшtidан кесиб беради. Қуш гўшт таъмини сезиб, уни тилининг тагида сақлаб келади ва ерга тушгач, ботир сонига қайта ёпиштириб қўяди, унинг шифобахш сўлагидан гўшт қайтиб ўз ўрнига ёпишади.

Moistened with the bird's magic saliva the piece immediately grew on the thigh so that not even the smallest scar was left.

Бу тўпламдан «Зумрад ва Қиммат» эртаги таржимаси ҳам жой олган. Уни Мерилин Петерсен таржима қилиб, ўз тўпламига киритган. Мерилин таржимасида эртақнинг қисқача мазмуни берилган. Эртаққа ўғай она ва ўғай қиз ўртасидаги душманлик асос қилиб олинган. Ўғай она жаҳон фольклорининг барча эртақларида аксарият ҳолларда салбий тип. Ўғай қиз эса, аксинча, ижобий фазилятлар соҳибаси қилиб тасвирланади. У ўзининг меҳнатсеварлиги, чиройлилиги, итоаткорлиги ва ҳалоллиги билан ўғай онасидан ва унинг қизидан фарқланиб туради. Иккала таржимада ҳам бу икки образ ҳаракатда кузатилса-да, таржимада аниқ тасвирни кўриш мумкин. Мерилин Петерсен таржимасида ўрмондаги кампир ва қизлар орасидаги суҳбатларгина кўчирма ҳолида берилган, эртақдаги бошқа ҳолатлар ва персонажлар нутқлари таржимада мутлақо аксини топмаган. Бу таржимада ўғай она отага Зумрадни ёмонлаб, адаштириб келишини айтганида, *ота бу гапга ишонди*, дейилади. Эртақнинг аслиятдаги намунасида эса чол кампирга гапини ўтказолмайди, шунинг учун қизини адаштириб келади. Бунда тарихий давр руҳи акс этган бўлиб, матриархат оила қонунлари отани бошқарувчилик ҳуқуқидан маҳрум қилган.¹

Эртақнинг яна бир нуқтаси Петерсен назаридан четда қолган. Маълумки, ҳайвонлар ва паррандалар эртақда хабар етказувчи,

¹ Эгамов Х. Совет Шарқи туркий халқлари эртақчилиқ анъаналари алоқалари тарихидан очерклар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1982. – Б.151

огоҳлантирувчи воситалар вазифасини бажаради. Зумрад ўрмонда адашиб қолиб, сеҳргар кампирнинг уйига келганида қушлар кампирнинг уйи томига кўниб қизни мактаб сайрайдилар. Кампир эса шундай қиз уйига келганидан хурсанд бўлади. Қиммат сандиқ билан келаётганини Олапар олдиндан сезиб, онани огоҳлантиради. Инглиз фольклорида ҳам, ўзбек фольклорида ҳам ит дўст, хавфни олдиндан кўра билувчи, руҳларни сезувчи ва кўрувчи жонзот сифатида қадрланади. Бу ўзбек эртагида ҳам ит она-боланинг тақдирини олдиндан айтиб, сандиқ илонга тўлалигидан огоҳлантиради. Бироқ ўша хасислик ва ўзбилармонлик она-боланинг илонларга ем бўлишига олиб келади. Қирғизистонда чоп этилган тўпламда эртак ҳар тарафлама тўлиқ таржима этилган бўлса, Мерилин Петерсен уни шунчаки юзаки, асосан, мазмунини чала ёритиб баён этиш даражасида таржима қилиб кетган. Ҳолбуки, *«Ҳар бир таржима асарини ўша таржима яратилган давр билан боғлиқ ҳолда тарихийлик принципи асосида ўрганиш лозим. Бундай қолидага амал қилмаслик таржима асарлари сифатини, таржимоннинг хизматини ва ҳар бир давр таржимачилигининг асосий тенденцияларини баҳолашда жиддий хатога ёки бирёқламалikka олиб келиши турган гап»*.¹ Бинобарин, Мерилин Петерсен таржималарига шунчаки ахборот берувчи сифатида қараш мумкин, чунки муаллиф уларда фақатгина эртаклар мазмунини инглиз тилида баён қилиш билан чегараланган. Бу эса эртак бадиий савиясини пасайтириб, ундаги ўзига хос асосий эпизодларнинг эътибордан четда қолиб кетишига сабаб бўлган. Таржимон миллий хусусиятлар ва тарих билан ҳисоблашмас экан, у ҳеч қачон аслиятда кўзда тутилган мақсадни ўз ўқувчисига етказолмайди.

Тўпламдаги «Ур, тўқмоқ» эртаги таржимаси ҳам унинг иккинчи таржима вариантыга нисбатан анчагина тўлиқ. «Ур, тўқмоқ» эртаги 2007 йил «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси томонидан уч тилда – ўзбек, рус, инглиз тилларида чоп этилган «Ўзбек халқ эртаклари» – «Uzbek Folk Tales» тўпламида ҳам мавжуд.

¹ Саломов Ғ., Аъзамов С. Таржима асослари. – Тошкент, 1976. – Б.54.

Бу тўплам «Чалпак ёққан кун», «Зумрад ва Қиммат», «Олтин тарвуз», «Ур, тўқмоқ», «Подшо ва тўти» эртакларини ўз ичига олади. Тўпламда эртак таржимонлари ҳақида ҳеч қандай маълумот берилмаган. Унинг муҳаррири Эркин Маликов. Ҳар иккала эртак таржимасида ғоявий-бадий мазмун, эртакдан кўзда тутилган мақсад тўлиқ сақланган. Ҳар икки ўғирма таҳлилин сарлавҳадан бошласак.

“Uzbek Folk Tales” тўпламида эртак сарлавҳаси *“Beat, club, beat”* кўринишида берилган бўлиб, ўзбек тилидаги «Ур, тўқмоқ, ур» маъносини беради ва таржимадаги маъно оширувчи такрорни ҳисобга олмаганда маъно аслиятга мос. «Uzbek Fairies Tales» тўпламида эса *“Hit strike”* кўринишида берилган таржима эртак сарлавҳасининг маъносини бермайди, чунки *“hit”* сўзи «урмоқ», *“strike”* сўзи эса «зарба» маъносини беради. Кўришиб турибдики, сарлавҳадаги сўзларни таржима қилганда бир-бирига мантқан боғлаб бўлмайди ва бу ҳол маъно бузилишига олиб келади. Эртак сарлавҳасидаги сўзларни таржима тилида топиш ва маънони тўла ифодалаш мумкин эди. А.В.Фёдоров айтганидек, *«Асл нусхадаги сўзга мувофиқ келадиган бирор-бир сўзнинг топилмаслиги зоятда кам учрайдиган ҳодисадир»*.² Шу мантқдан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, «урмоқ» ва «тўқмоқ» сўзларининг эквивалентлари таржима тилида ҳам мавжудлиги “Uzbek Folk Tales” тўпламидаги таржимада ёрқин ифодаланган. Бироқ тўпламлардаги таржималарда ҳам қатор камчиликларни кўриш мумкин. Масалан, лайлакни кўйиб юборган чолга куш совға беришни ваъда қилади ва чол ўша совғани олгани лайлакнинг олдига боради. Ҳар иккала тўплам таржималарида лайлакнинг нутқи ҳар хил берилган. Жумладан, «Uzbek Fairies Tales» тўпламида лайлакнинг чолга муносабати рус ва инглизча таржималарда ўта қўпол бўлиб қолган. Салом бериб кирган чолга лайлак: “Тила тилагингни”, – дейди. Ана шу биргина ибора русчада: *«Ляк, ляк. Если бы не твоё приветствие, я клюнул бы тебя раз и проглотил»*, инглизчада:

² Федоров А.В. Введение в теорию перевода. – Москва, 1958. – С.140, 146

“*Lak, lak. If you hadn't greeted me, I would have eaten you*”¹ кўринишида ўтирилган.

Эртақнинг икки таржима варианты мавжуд ва иккинчи вариантда лайлак чолга шундай муносабатда бўлади. Бироқ «Uzbek Fairies Tales» тўпламида лайлакнинг муносабати ўзбек тилидаги вариантда хушмуомалалик билан, таржима тилларида эса иккинчи вариант билан берилган. Бу ҳол кўплаб чалкашликларни келтириб чиқариши мумкин. Тил ўрганиш жараёнида ана шу каби тўпламлардан фойдаланиш таржимада баъзи ноаниқликлар келиб чиқишига сабаб бўлади.

“Персонажлар нутқи ифодасининг стилистик қайта тикланиши таржима амалиётининг ҳам, назариясининг ҳам ўта мураккаб, айти кезде муҳим соҳаларидан бири бўлиб, муаллиф мақсадининг аслият тилидан хабардор бўлмаган китобхонга тўла-тўқис етиб бориши ҳар қайси персонажнинг таржимада «ўз тилида» гапиришига, ўз дунёқараш доирасида ўйлашига, фикр-мулоҳаза юритишига, ўзига хос ҳаракатлар қилишига боғлиқдир”.²

Эртақда чол лайлакнинг халоскори ва лайлак унга шунга яраша муносабатда бўлиши табиий. Эртақда яхшилик улуғланган ва мутаржимнинг юқорида эслатилган қўшимчалари, ундаги миллий хусусият – яхшиликка яхшилик қайтариш истагининг кўмилиб кетишига сабаб бўлган.

Миллат анъаналари, урф-одатларининг таржимада акс этиши бадий ёдгорлик яратилган давр воқеа-ҳодисаларини тасвирлашда муҳим ўрин тутади.

Хуллас, ўзбек халқ эртақлари таржимасида миллийликнинг, миллий колоритнинг ифода этилиши миллатимиз ижтимоий-маданий ҳаётининг хориж ўқувчисига бенуқсон етказилишида хизмат қилади. Таржимонлар томонидан меҳнат-машаққат билан ўтирилган «Зумрад ва Қиммат», «Семурғ», «Қилич ботир», «Муқбил тошотар», «Донишманд чўпон» каби

¹ «Uzbek Fairies Tales». – Тошкент: Шарқ, 2007. – Б.74

² Таржима санъати. – Тошкент, Ғафур Ғулом. 5-китоб. – Б. 223

эртактларнинг қиёсий-типологик таҳлили шуни кўрсатадики, таржимада уларнинг мазмун-моҳияти сақлангани ҳолда миллий хусусиятларнинг баъзилари таржимон назаридан четда қолиб кетган ва бу ўзбек халқ эртактларининг «хорижийлашуви»га сабаб бўлган ҳолатларни келтириб чиқарган.

Рус тилидан ўзбек тилига, сўнгра инглиз тилига ёки аксинча, ўзбек тилидан рус тилига, кейин инглиз тилига таржима қилинган адабий намуналар “*кўп босқичли*”, “*погонатор*” таржималар ҳисобланади. Бундай таржималар Ғ.Саломов таърифи билан айтганда, “инъикоснинг инъикоси”га айланади. Чунки уларда баён этилган ҳодиса яна қайта акс эттирилади. Бунда, табиийки, аслиятдан бир эмас, икки бор узоқлашиш юз беради. Натижада, асарда акс этган миллий ўзига хослик, тил бойлиги қашшоқлашади. Тасвирланган воқеаларни “*маҳаллий шароитларга мослаштириш*” ҳоллари юз беради. Ҳатто, баъзан айрим ўзига хос миллий унсурлар англаб бўлмайдиган даражада ўзгариб кетади. Бундай ҳолат бевосита таржималарда эмас, балки, асосан, воситали таржималарда кузатилади.

II.2. Бевосита таржимада миллий-бадий хусусиятларнинг акс эттирилиши

Эртактларнинг инглиз тилига бевосита таржима қилиниши устида олиб борган изланишларимиз шуни кўрсатдики, йигирмага яқин ўзбек халқ эртаги инглизчага бевосита, яъни тўғридан-тўғри таржима қилинган. “*Treasury of Uzbek Legends and Lore*” («Ўзбек халқ афсоналари ва оғзаки ижоди намуналари») деб номланувчи тўпламдаги асарлар бевосита таржималар сифатида эътиборга лойиқ. Ўзбек фольклорининг бир неча жанрларига оид намуналардан таркиб топган бу тўпламдан «Жаҳлдор пашша», «Тулки билан

турна», «Қиз ва аждар», «Олтин тарвуз», «Зумрад ва Қиммат» эртақларининг инглиз тилига қилинган таржималари ўрин олган.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, юқорида саналган эртақлар аслият асосида таржима қилинмаган, уларнинг баъзиларида нималарнидир қўшиш ёки айрим эпизодларни тушириб қолдириш ҳоллари жуда кўп учрайди. «Олтин тарвуз» эртагининг асл нусхасида асосий персонажлар икки кишини – камбағал деҳқон ва бойни ташкил этади. Таржимада эса иккала ҳолатда ҳам “peasant” – деҳқон сўзи қўлланган. Эртақдаги иккинчи персонажнинг бой эканлиги сабаби шундаки, унда икки табақа вакили таққосланган. Камбағал деҳқон ўз улушини атрофидагилар билан баҳам кўради, бой эса ҳеч кимга ҳеч нарса бермаслик учун эшик-деразаларини ёпиб, тарвузни кесади ва арилар хужумига учрайди.

«Зумрад ва Қиммат» эртаги таржимаси ҳам «Олтин тарвуз» эртагида мавжуд бўлган камчиликлардан холи эмас. Эртақда салбий персонажлар диалоглари келтирилмаган, бу ҳолат ўқувчи тасаввурида бўшлиқ пайдо бўлишига олиб келади. Ваҳоланки, Южин Найда айтганидек: *«Рассом ландшафтнинг ҳар бир детални тасвирламайди – у ўзи учун яхши кўринган нарсани танлайди. Таржимон ҳам худди шундай. У тасвири аслиятнинг ҳарфма-ҳарф таржимасидан эмас, балки асар руҳиятининг ўзи келтирган версияси тасвиридан излайди»*.¹ Бироқ ўзи учун яхши кўринган ҳолат таржимасини танлаган мутаржим матннинг миллий руҳини ҳам унутмаслиги, унинг таржимаси асар савияси учун нақадар муҳим эканини билиши шарт.

Ўзбек халқ эртақларининг инглиз тилидаги таржималаридан таркиб топган яна бир тўплам – ЮНЕСКО томонидан 1999 йил нашрга тайёрланиб, 2004 йилнинг июнь ойида чоп этилган “Tales From the Silk Road” («Буюк Ипак йўли эртақлари») китобидир. Унинг тўпловчиси Тинчлик Корпуси Кўнгиллиси Фрэнк Адамс, таржимони эса Матлуба Муҳаммедовадир.

Фрэнк Адамс Ўзбекистонда яшаб ўзбек тили, миллатимизнинг урф-одатлари ва анъаналарини мукаммал ўрганган. Шу асосда ўзбек

¹ Eugene A. Nida. Towards a Science of Translating. – Leiden, E.J.Brill, 1964. – P.162.

эртақларининг инглизча таржималарини тўплаган. “Stories in English and Uzbek” деб номланувчи бу туркум ўнта ўзбек эртагини ўз ичига олган. Таржима аслият билан бирга берилган, бу уларни қиёсий типологик асосда ўрганиш учун қулай манба бўлиб хизмат қилади.

Туркумдаги дастлабки эртақ “The Buried Treasure” – «Кўмилган хазина» бўлиб, у инглиз тилига тўлиқ ва тўғри таржима қилинган. Матнда таржимон маҳорати яққол кўринади, бу ўринда унинг ўзбек миллати туриш-турмуши, тўй-маросимлари, анъаналари ва тарихи тўғрисида етарли маълумотга эгаллиги муҳим роль ўйнаган. Ота ўзининг дангаса ўғилларини меҳнатга ўргатиш ниятида ўлимидан олдин уларни ўз олдига чақириб, ерга олтин кўмганлиги, лекин аниқ жойини билмаслигини айтибди. Отанинг ўлимидан кейин ўғиллар тиллани топиш мақсадида, ерни ҳамма томондан қовлашга киришибдилар, бироқ ҳеч нарса тополмагач, меҳнатлари зое кетишини хоҳламай, ерга уруғ қадабдилар ва мўл-кўл ҳосил олиб, бир йил тўқ-тотув ҳаёт кечиришибди. Келаси йил ҳам тиллани излаб топишолмабди. Шу тариқа ҳар йили аста-секин меҳнатга кўникиб кетишибди. Эртақнинг сюжети, тугуни таржимада мукамал берилгани боис ундаги кўпгина миллий-тарбиявий унсурлар сақланиб қолган. Таржимон эртақдаги меҳнатсеварлик улуғланган ҳолатларни аниқ ифода эта олган.

«Кўп ўйлаб, бош қотириб улар бир қарорга келишибди: «Даланинг ери чопилган, балким озгина бўлса ҳам бугдой эксак бўлармиди?» Хуллас, йиғитлар бугдой экиб даладан мўл ҳосил олишибди. Ҳосилни сотиб, олган пулига бир йил тўқ-фаровон ҳаёт кечиришибди».¹ – “Then it struck them that perhaps they might just as well plant some wheat since the earth was now ploughed and ready for sowing. So they sowed the wheat, and an abundant harvest which they sold for a good price giving them a year of prosperity.”²

Гарчи қаҳрамонлар нутқи таржимада аниқ берилмаган бўлса-да, эртақ маъно-мазмунига ҳеч қандай путур етмаган. Таржимадан кўриниб турибдики,

¹ Tales from the Silk Road. Stories in English and Uzbek. – UNESCO, 1999. – P. 6.

² Ўша асар. – Б.б.

Ўзбек халқининг қон-қонига сингиб кетган меҳнатсеварлик ҳатто энг дангаса одамда ҳам намоён бўлган ва у ўз аравасини ўзи тортиб кета оладиган қудрат касб этган.

Туркумдаги “Happiness and the Bride” – «Келин ва бахт қуши» – сеҳрли-фантастик эртакдир. У масалнамо мазмунга эга. Бу таржимада ҳам инсонларнинг ширин хаёлларини, уларнинг орзу-ҳавасларини, эртакнинг қандай ва қайси мақсад йўлида яратилганлигини тўғри тушунган мутаржим халқимизга хос барча деталларни аниқ тасвирлашга ҳаракат қилган.

Эртак сарлавҳаси инглиз тилига “Happiness and the Bride” тарзида ўгирилган. “Happiness” сўзи инглиз тилидан «бахт» деб таржима қилинади. Ўзбек халқ оғзаки ижодида бахт доимо қушга қиёсланади, чунки у *тутқич бермас бир хусусиятга эга* тушунча сифатида таърифланади. Қуш эса озодликни севувчи, хоҳлаган жойида макон қуриб, хоҳлаганича кун кечирувчи мавжудот бўлиб, инсоният азал-азалдан унга ҳавас қилиб келган ва бахтнинг унга ўхшатилиши одамлар интилган ҳар бир нарсанинг эркинлигини, бинобарин, ҳар қандай хоҳиш ёки истак билан берилмаслигини ифодалаб келади. Бахт ҳам инсон наздида қуш каби эркинлик ва юксаклик рамзидир. Таржимада «қуш» сўзининг берилмаслиги сабабини айнан шу билан изоҳлаш мумкин. «Қуш» сўзининг таржимада берилмаганлиги эртак маъносини инглиз китобхонига очиб беришда ўзига хос роль ўйнаган, бу билан таржимон ғоя маъносини очиб беришни сўз таржимасидан устун қўйган.

Таржимашунос Ғ.Саломов айтганидек, «*Ҳар бир халқнинг дилини билишнинг асосий воситаси унинг тилини ўрганишидир*».¹ Халқнинг динини ҳам, тилини ҳам билган бу мутаржим эртак сюжети, воқеалар ривожи, ечим моҳиятини моҳирлик билан инглиз тилига қўчира олган.

Китобда таржималар ўзбек эртакларининг аслияти билан биргаликда берилган. Адамс таъкидлаганидек, унинг бу иши инглиз тилини ўрганувчи

¹ Саломов Ғ. Тил ва таржима. – Тошкент, 1966. – Б.145.

ўқувчиларга яқиндан ёрдам беради. Чунки бундай таржима туфайли ҳар икки миллат ўқувчиси хорижий тилни ўрганишга муваффақ бўлади.

Бу жиҳатдан “The Fair Verdict” – «Оқилона ҳукм» эртаги таржимаси эътиборли бўлиб, у аслиятга мос тушади. Маиший мавзудаги бу эртак совчилик билан шуғулланувчи бир кишининг иши хусусида қози чиқарган ҳукм ҳақидадир. Унда баён этилишича, совчилик билан шуғулланувчи бир киши у ўн беш яшар бир қизни ўттиз беш яшар кишига унаштириб қўйибди. Куёвнинг анча катта эканини эшитган қизнинг ота-онаси тезда ўз ниятларидан айнишибди. Совчи эса ота-онани кўндиролмай уларни қози ёнига элтибди. Ота-она: “Агар куёв қизимиздан икки баравар катта бўлганда ҳам, майли эди, унга қизимизни берардик”, – дейишибди. Шунда қози оқилона ҳукм чиқариб, бунинг учун ҳар икки тараф беш йил кутиши кераклиги, шунда қиз йигирмага, куёв эса қирққа кириши ва улар орасидаги фарқ икки баравар бўлишини айтибди. Икки тараф ҳам бунга рози бўлибди. Ушбу эртак таржимаси аслиятни сақлаб қолган ва унда акс этган халқ ҳаётидаги ҳаётий-ижтимоий ҳодиса ўзининг аниқ ифодасини топган.

“Oil on the Water”– «Ёғ изи» эртаги эса ягона изчилликка эга бўлиб, унда қаҳрамон ўзининг ақл-заковати билан иш кўради. У ўғирланган пулларни ким олганлигини аниқлаб, ўғрининг айбини исботлайди. Эртак сарлавҳаси унинг мазмунига мос тарзда таржима қилинган. Аслиятда мавжуд бўлмаган бир жиҳат таржимада ўз ифодасини топган. Ёғ изи ерда ҳам, сувда ҳам бўлиши мумкин, бироқ эртак мазмунидан келиб чиқиб мутаржим унинг сувда эканини сарлавҳадаёқ айтиб ўтган. Таржимада бу ғоя ўз ифодасини топиб, эртак мазмуни хориж ўқувчисига тўғри етказилган.

Тўпламдаги яна бир эртак “Father’s Precept” – «Ота васияти» бўлиб, у ўзбек халқининг идеал ҳаёт ҳақидаги орзу-ҳавасини тасвирловчи сеҳрли эртаклар сирасига киради. Васият мавзуси тилга олинган эртакнинг мазмуни куйидагича. Бир кишининг уч ўғли бўлиб, у вафотидан кейин фарзандларининг ўз қабрини уч тун пойлаб ётишини васият қилади. Икки катта ўғил бунга кўнмайди. Кенжа ўғил васиятни бажариб, қабрни уч тун

кўриқлайди. Шу билан у учта сеҳрли отга эга бўлади. Кейинчалик кенжа ўғил сеҳрли отлар ёрдамида мамлакат подшоси қўйган шартларни бажариб, маликага уйланиш бахтига мушарраф бўлади.

Эртақда фарзандларнинг отага муносабати, унинг васиятига амал қилиши воситасида ифодаланган. Бунга кўра, отанинг гапини қилган, унга қарши чиқмаган фарзанд кам бўлмайди, кўзлаган орзу-истаклари ва мақсадига эришади.

«Ота васияти» эртагида фантастик тасвир устунлик қилади. М.Муҳамедова уни тўғридан-тўғри аслиятдан ўгирган. Таржимон ўзбек халқининг қадимий анъаналари, урф-одат ва маданиятини яқиндан билгани учун уни матнда аниқ акс эттира олган. Шу орқали маълум бир халқнинг юқорида акс этган фазилатларини бошқа бир миллат вакилига етказишга ҳаракат қилган. Бироқ эртақдаги баъзи ҳолатлар, миллий реалияларнинг таржимаси ўз аниқлиги билан эътиборни тортса-да, матнда айрим камчиликлар ҳам кўзга ташланади. «*Ота васияти*» инглиз тилига “*Father’s Precept*” деб таржима қилинган. Ҳолбуки, “*precept*” сўзи инглизчада «*маслаҳат, йўл-йўриқ, кўрсатма, буйруқ*» маъноларини билдиради. «*Васият*» эса марҳумнинг ўз яқинларига ёзиб қолдирган бажарилиши зарур бўлган сўнгги истаги, топшириғи, насиҳати ёки ота-боболарининг ўз издошларига, авлодига айтиб ёхуд ёзиб қолдирган ўғити, кўрсатиб кетган йўл-йўриғи, панд-насиҳатини англатади.

Инглизларда ҳам ўзбеклардаги каби «*васият – last will*» ва «*насиҳат – precept*» сўзларининг бир-биридан фарқ қилувчи эквивалентлари бор. Уларнинг ҳар бири ўз изоҳи ва ишлатилиш ўрнига эга. Бинобарин, таржимон ўзбекона миллий руҳни англамагани сабабли “*precept*” сўзини нотўғри қўллаган. «*Васият*» сўзини инглиз тилида «*last will*» деб бериш мақсадга мувофиқ бўларди.

Отанинг васиятига кўра, Кенжа ўғил отаси қабрини уч тун кўриқлаб ётади. Бу анъана ўзбекларда ҳозиргача сақланган. Одатга кўра, инсон кўмилгач, унинг яқинлари марҳумнинг тинч ётганига ишонч ҳосил қилиш

учун уч кун давомида сахарда қабрдан хабар олиб қайтишади. Эртақдаги ота васиятида ҳам айнан шу анъана назарда тутилган. Кенжа ўғил пойлоқчилик қилган уч тунда учта от навбатма-навбат осмондан қурол-аслаҳа, кийим-кечак билан учиб тушиб, қабрни уч марта айланади. Бу ҳолат эртақда қуйидагича берилган:

*«Ярим кеча бўлганда бир оқ от осмондан яроғ-аслаҳа, кийим-кечак билан тушиб, гўрни уч марта айланиб турибди».*¹

Мазкур жумла инглиз тилига қуйидагича ўтирилган:

“When in the middle of the night, he was in the cemetery, sitting and watching by the grave, a white horse in a white harness and a rider all dressed in white came from the skies and circled the grave three times”.

Кўринаётирки, таржимон аслиятдаги асосий ибораларга эътибор қилмаган. Унинг инглизчадаги *“a rider all dressed in white”* жумласи ўзбек тилига *«оқ кийимли чавандоз»* маъносини беради. Бироқ аслиятда от устида ҳеч қандай чавандоз йўқ. Аммо учала отнинг ҳам қабр атрофида айланиши ҳолатини таржимон айнан шундай ифодалайди. У аслиятда мавжуд бўлмаган чавандозни от минган ҳолатда беради. От устида чавандозларнинг бўлиши уларнинг гапириши ёхуд Кенжа ўғилнинг уларни миниши эртақнинг ҳақиқий сюжетини мавҳумлаштиради.

Зеро, таржимада бадий-психологик манзара, ҳолат, вазият, воқеа ва тафсилотларнинг асл нусхага мос бўлиши фақат аслият учун эмас, балки реалистик таржима учун ҳам муҳим шартлардан биридир. Шу шартга амал қилинган тақдирдагина муқобил (адекват) таржима ҳосил бўлади. Таржиманинг асл нусхага адекватлиги мазмуннинг тўғри талқин қилиниши билан белгиланади.

Ўзбек халқ эртақларида эпик тўй мотиви рақамларда ифодаланганда, кўпинча, *«қирқ кеча-кундуз»* анъанавий формуласи иштирок этади. Қирқ кунлик тўй ёки сайл узоқ давом этган тантанани англатади. Тўй муддатининг *“қирқ”* рақами воситасида бўрттирилиб тасвирланиши сюжетга эмоционал

¹ Tales from the Silk Road. Stories in English and Uzbek. – UNESCO, 1999. – P. 12.

оҳанг бағишлайди. «Ота васияти» эртагининг якунида ҳам шоҳ қирқ кун тўй-томоша қилиб қизини Кенжа ўғилга никоҳлаб беради. Эртақдаги ана шу эпик рақамларга таржимон қандай муносабатда бўлган? Уч рақамига муносабат эътиқод билан боғлиқлиги сабабли, аниқ ифодалаб берилган.

Подшо шартини бажарганга қирқ кеча-кундуз тўй қилиб, қизини никоҳлаб беришини айтади. Таржимада эса оддийгина қилиб қаҳрамоннинг маликага уйланиши баён қилинган. Бунда ўзбекона тўйнинг тантанаворлиги акс этмаган. Ўзбек халқи тўйлари узоқ давом этадиган маросимлар сирасига киради, у ўзида меҳмондўстлик каби турли урф-одатларни акс эттиради. Таржимон берган вариантда эса инглиз ўқувчиси ўз миллий тўйига хос тантанани тасаввур этиши мумкин. Шунинг учун қирқ кунлик тўй-томоша ҳақида таржимада айтилиши ва у орқали ўзбекона миллий реалия ифодаланиши керак эди.

Ҳар бир тилда миллат маданияти, у ёки бу соҳага тегишли ҳаётий жиҳатларни ифодаловчи сўзлар мавжуд. Улар ўзига хос миллий реалиялар саналади. Бинобарин, бир миллат ижтимоий ҳаётини, маданиятини ифодаловчи бу реалиялар кўп сонли бўлиб, А.Фёдоров улар таржимасининг транслитерация ёки транскрипция усули, тасвирий таржима, тахминий таржима ва шарҳлаш усулида бериладиган гипонимик таржима каби тўрт кўриниши мавжудлигини айтиб ўтган.¹

Фикримизча, «Ота васияти» эртаги таржимасида таржимон тўртинчи усулдан фойдаланиши керак эди. Унга кўра, оригиналдаги реалиялар матн ичида транслитерацион ёки транскрипцион усулда берилиши ва матн тилидаги миллий сўзлар билан ифодаланиб, кейин таржимон томонидан шарҳланиши лозим эди.

Подшо қизини равоққа чиқариб қўяди. «*Равоқ*» сўзи инглиз тилига “*tower*” деб ўгирилган. Бу сўз “минора” маъносини беради. Мазкур сўз ўзбекона реалияни аниқ ифода этмаётгани туфайли миллий реалиялар чалкашувига олиб келган. Инглиз эртақларида малика минора ичига

¹ Федоров А.В. Основы общей теории перевода. — М., Высшая школа, 1983. — С.150-151.

яширилади ёки қамаб қўйилади, бироқ инглизлардаги бу ҳол ўзбеклардаги равоққа чиқариб қўйиш ҳолатига тўғри келмайди. *“Равоқ – ҳовли ёки боз ўртасида баланд қилиб тахтадан қурилган айнаванд уй”*² бўлиб, унга шоти қўйиш ва у орқали отда маликага етиш мумкин, бироқ минорага инглизлар фольклорида сеҳрли учар отлар, аждаҳолагина чиқа олади. Шуларни инобатга олиб, таржимон *“равоқ”* сўзини транслитерация усули билан бериши мақсадга мувофиқ бўларди.

Ана шу мулоҳазалардан келиб чиқилса, «Ота васияти» эртагининг инглиз тилидаги таржимаси, унинг, асосан, мазмунини ўқувчига етказишни кўзлаб амалга оширилганлиги англашилади. Таржимон эртақнинг бадий моҳиятини чуқур ва теран англаб етмаганлиги натижасида, ундаги миллийлик тўла маънодаги инъикосини топмагани аёнлашади. Қолаверса, мутаржим қайси тилдан таржима қилаётган бўлса, аввало, ўша тилдаги реалиялар, турғун образли иборалар тағмаъносини, аниқроғи, шу тағмаъно ифодалаган халқ эътиқодига хос унсурларни, халқ турмушига хос миллий реалияларнинг асл моҳиятини чуқурроқ мулоҳаза қилишга ва теранроқ англашга ҳаракат қилиши, бунга интилиши шарт эди. «Ота васияти» эртаги таржимасида эса таржимоннинг бунга етарли эътибор қилмагани сезилиб турибди. Бу эса мазкур эртақнинг инглизча таржимасини қайта ишлаб, янада мукаммаллаштиришни тақозо этади. Шундагина бу эртақ инглиз ўқувчисига ўзбек халқ миллий турмуши ва эътиқоди ҳақида яхлит таассурот уйғотувчи бир манбага айланади.

Эртақнинг иккинчи бир мутаржим – Е.Синельшиков томонидан амалга оширилган вариантини ҳам таҳлилга тортсак. «Ота васияти» эртаги “Uzbek Folk Tales” - «Ўзбек халқ эртақлари» тўпламида ҳам берилган. Эртақ рус тилидан инглиз тилига ўгирилган ва қатор ютуқ ва шу билан бирга камчиликлардан холи эмас. Бу ўғирмада М.Муҳамедова таржимасидан фарқ қиладиган жиҳатлар кўп. Буни, аввало, эртақ сарлавҳаси таржимасида кузатиш мумкин. Эртақ сарлавҳаси инглиз тилига “Father’s Testament” деб

² Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: ЎзМЭ давлат нашриёти, 2007, 3-жилд. – Б.335

ўтирилган ва тўғри таржима қилинган. Чунки “*testament*” сўзи «*васият, сўнгги ният*» деган маъноларни билдиради. Аммо диалогик, персонажлар нутқи таржимасига таржимон етарли эътибор бермаган. Таржимада персонажлар нутқи борлигича ўз аксини топмас экан, бадий асарнинг ҳис-ҳаяжонли нуқталари «*кўмилиб*» қолади. Асарда персонажлар нутқини тўғри ва теран ўтириш ҳаётнинг реал тасвирланганини кўрсатади. Эртак таржимасида эса таржимон асар персонажларининг ҳаммасини бир қолипда сўзлатиш йўлидан бориб, китобхонни аслият билан тўла таништиролмаган.

Акаларининг айби билан шаҳардан қувилган уч йигит бошқа мамлакатга қочиб келишади. Акалари ҳамма ишни укаларига ташлаб, шаҳар айлангани кетишади, шаҳарда эса подшо жарчисининг эълонини эшитиб қолишади:

– *Ҳар ким ҳо от билан, ҳо эшак билан, ҳо туя билан чиқиб, қизимнинг қўлидан сув ичиб, нишонлик узугини олиб тушса, қирқ кун тўйини қилиб, ўттиз кун ўйинини ўтказиб, никоҳ қилиб бераман.*

It turned out that the ruler of that town had decided to marry his daughter. So he sat her at the higher spot on the palace balcony, to which a very steep stairway of forty steps lead. Then the cunning ruler declared that brave youth who manages to climb the stairs and drink water from her hands and take a ring off her finger will become her husband. The news spread in the vicinities and many daring young man tried their luck, but all of them failed to climb half of the steps and rolled down head over hills.¹

Бу лавҳа таржимасида шоҳга бир хусусият «тиркаб» қўйилганки, унга кўра, гўё шоҳ қизига муносиб йигит изламайди, балки ҳийла билан қизини ўз олдида олиб қолмоқчи.

Аслида эса, шоҳнинг бундай шарт қўйишига сабаб қизи учун мос куёв излашидир. Ҳар бир ота-она истагани каби, у ҳам қизининг бахтли бўлишини хоҳлайди. Шоҳнинг бу ишини айёрликка, манфаатпарастликка бошқа миллат

¹ Uzbek Folk Tales. – Bishkek, Kyrgyzstan, 1997. – P.198.

Ўқувчисида шоҳ ҳақида нотўғри таассурот пайдо бўлишига олиб келади. Эртақда жарчи шотига от ёки эшак, ёхуд туяда чиқиш кераклигини эълон қилади. Бу ҳолат эртақдаги сеҳрлиликни таъминлайди ва Кенжа ўғилнинг васият орқасидан шу сеҳрга эришганлигини кўрсатади. Инглизча таржимада эса шотига шунчаки чиқиш ҳақида гап кетгани биров тушунмовчиликлар келтириб чиқарган. Чунки ҳар қандай оддий одам шотига шунчаки чиқиши, равоқда ўтирган маликага етиши ва шоҳнинг шартини қийинчиликсиз бажариши мумкин. Шуниси қизиқки, русча таржима аслиятдаги бу ҳолатни ифодалаган. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, инглиз тилидаги таржимада воситачи тилдан тўла фойдаланилмаган ва юқорида қайд этилган англашилмовчиликлар келиб чиққан. Эълонни подшо жарчиси айтади, ўзбек ўқувчиси жарчи ҳақида тўла тасаввурга эга ва унинг саройда қандай фаолият олиб боришини билади. Худди шу хилдаги фаолият эгаси инглиз эртақларида ҳам мавжуд, бинобарин, уларни ўз муқобил эквивалентлари билан ифодалаш меъёрий мувозанатни ҳосил қилиб, ҳеч бир хатоликка йўл очмасди. Лекин мутаржим мазкур нутқни подшо тилига кўчирган, натижада эса, жарчи персонажи таржимоннинг биров маҳоратсизлиги туфайли эртақдан чиқариб юборилган.

Эртақда акаларнинг кичкина укага муносабати ҳам айнан персонажлар нутқида ўз ифодасини топади. Шаҳардаги эълонни эшитган укалари акаларидан илтимос қилади:

– Эртага молларни сизлар боқинглар, мен ҳам шаҳарга тушиб, томоша кўриб келайин, – деса, акалари:– Йўқ, сен кетсанг биз оч қоламиз, – деб унга жавоб беришмабди.

Ўзбек халқида кичик ёшдагиларга нисбатан бошқача қараш мавжуд, унга кўра кичик фарзанд катталарнинг йўриғидан чиқмаслиги, улар буюрган ҳар бир ишни сўзсиз бажариши керак. «Ота васияти» эртагида шу хусусият яққол ифодаланган. Кенжа ўғил кун бўйи пода боқиб, акалари ва ўзи учун егулик топади, акалари эса шаҳар томошасидан бўшамайди. Инглиз ва рус тилидаги таржималарда Кенжа ўғилга акаларининг муносабати аниқ ифода

этилмаган. Кенжа ўғилнинг акаларидан шаҳар томошасига рухсат сўрашига акалар шунчаки кулиб қўйишади. Бироқ уканинг акаларидан рухсат сўраши уч марта такрорланиши ва уч марта ҳам акаларининг укаларисиз оч қолиб кетишлари мумкинлиги ҳақидаги баҳоналари таржимонлар назаридан четда қолиб кетган. Натижада Кенжа ўғилга акалар орасидан берилган жой ва улар орасидаги муносабат таржимада берилмаган ва акалар ҳаракати шунчаки бепарволикка йўйилган.

But the brothers just laughed at him and the next morning they walked down town and left him behind.¹

Таржима учун нутқий вазиятни ҳисобга олишнинг аҳамияти катта. Нутқда эҳтирос, ғам-қайғу, ҳис-ҳаяжон акс этади. «Ота васияти» эртаги таржимасида ҳам Кенжа уканинг отларни шотига чиқариб, қайтиб туширганини акалари унинг ўзига (чавандоз укалари иши эканлигидан беҳабар ҳолда) шундай мақтайдилар. Биринчи ҳолатда:

– *Бугун бир бўз отлиқ одам келиб, шотига отни рўпара қилиб «чух» деди. От иккам қирқ поғонага чиқди. Отнинг бошини қайтариб тушиб кетди.²* – *You see today a daring guy astride a sugar-white horse almost managed to reach the balcony, but suddenly turned back when a couple of steps was remaining. Only Allah know what happened to him.³*

Иккинчи ҳолатда:

– *Кечаги от бугунги келган отнинг ярим баробарича ҳам эмас, ўзи саман, «чух» дейиши билан бир кам қирқ поғонага ўйнаб чиқди, агар яна бир «чух» деса, қирқ зинага бемалол чиқиб кетар эди. Отнинг бошини тортиб, қайтиб тушиб кетди.⁴* - *“He had to make the last step but he turned his horse instead!” exclaimed they regretfully. “What was the matter with him?”⁵*

Учинчи ҳолатда:

¹ Uzbek Folk Tales. Bishkek, Kyrgyzstan, 1997.– P.202.

² Ўша асар. – Б.202

³ Ўша асар. – Б.203

⁴ Ўша асар. – Б.204

⁵ Ўша асар. – Б.204

– Биринчи от иккинчисига қараганда ҳеч от эмас, аммо бугун учинчи бир от кириб келди. Ўрдада ўйин қилиб қирқ поғоналик шотига чиқди. Баҳодир йигит ҳам отдан тушиб, подшонинг қизи қўлидан бир коса сув ичиб, қўлидан узукни олиб тушиб кетди.

*“You see brother, the white horse that appeared the day before yesterday can not be compared with yesterday’s bay ambler. But it is nothing compared to today’s wonder of a black stallion. At one stroke he made it to the top of the stairs and the hero took the ring off the princess’s finger; drank water out of her hands. Well, now the ruler has to loosen his purse string and arrange a rich marriage entertainment”.*¹

Кўрииб турибдики, учала ҳолатда ҳам отлар тасвири муҳим ўрин эгаллайди. Ўзбекча вариантда ҳар учала от бир хил куч-қудратга ва сеҳр кучига эга эмаслиги билан фарқланади, бироқ таржимада айни шу ҳолат илганмаган. Эртақдаги биринчи эпизодда биринчи от а “sugar-white horse” тарзида берилади ва бу ранг ўзбек тилидаги бўз рангга мос тушади, айнан биринчи отнинг ранги эртақдаги учинчи эпизод таржимасида *“the white horse – оқ от”* деб берилади ва бошқа тил ўқувчисини боши берк кўчага киритиб кўяди, яъни бир эртақда тўрт от пайдо бўлади – *“white – оқ”*, *“sugar-white – бўз”*, *“greyish – кулранг”*, яъни саман от ва *“black – қора от”*. Таржимада тенг қийматлилиқка эришиш учун миллат тарихига мансуб ҳар бир детални ўқувчига аниқ ва тўла тасвирлаб етказиш лозим. Шунинг учун ҳам, ўғирмалардаги *“white”* ва *“sugar-white”* сўзлари ҳар иккала жойда бир хилда қўлланилиши англашилмовчилик келтириб чиқармасдан, матннинг тушунарлигини таъминган бўларди.

Иккала таржима асосида шу хулосага келиш мумкинки, мутаржимлар шунчаки эртақ мазмунини ўқувчига етказишни кўзлаганлар. Тўғри, таржима аниқ мазмун-моҳиятни ифодалаган, бироқ, аксарият ҳолларда миллий хусусиятларнинг эътибордан четда қолиши таржимадан назарда тутилган педагогик интилишни бўғиб қўйган.

¹ Ўша асар. – Б.205

“*Togriboy and Egriboy*” – «*Тўғри ва Эгри*» эртаги мазмуни таржимада тўғри ва аниқ берилган. Унда улуғланган тўғрилиқ, ҳалоллик, ақл-заковат инсонни эзгуликка олиб келиши, ёлғончилик, худбинлик эса одамни нобуд қилиши каби ғоялар таржимон М.Муҳамедова томонидан тўла ифодаланган. Лекин унда ҳам маълум нуқсонлар учраб туради. Энг аввало сарлавҳага эътибор қаратамиз. Аслият матнларда эртак сарлавҳаси «Тўғри ва Эгри» тарзида келтирилади. Таржима вариантыда эса ҳар иккала номга “boy” кўшимчаси қўшилган. Инглизчадан “boy” сўзи “бола” деб ўгирилади, инглиз ўқувчисини эртак қаҳрамонларини бола, деб тасаввур қилишга олиб келади. Шундай экан, таржимада берилган изоҳлар асосида сарлавҳани ўз ҳолича бериш унинг мазмунини сақлаб қолади.

Маълумки, халқ эртакларида анъанавий қолипга тушган сўзлар ёки гаплар (клишелар) мавжуд ва улар, одатда, сюжет воқеаларини бўрттириб кўрсатишда қўлланилади. Жумладан, «*Йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди*» мана шундай анъанавий клишелардан биридир. Ушбу клишеда қаҳрамоннинг босган масофаси назарда тутилса-да, у аслида, эртак сюжетидаги кейинги воқеалар моҳиятини очиб беришда муҳим роль ўйнайди. Лекин негадир бу анъанавий клише мутаржим томонидан инглиз тилига ўгирилмаган ва шу сабабли эртакнинг йўлда содир бўладиган воқеалари моҳияти очилмаган. Демак, бадий таржиманинг ҳар жиҳатдан пишиқ, мукамал, адекват чиқиши учун миллий хос сўзлар, эпик клишелар таржимаси муҳим роль ўйнайди. «Ота васияти» эртаги таржимасидан фарқли ўлароқ, «Тўғри ва Эгри» эртаги таржимасида таржимон хос сўзларни транслитерация усулида келтирган. Масалан: *қашиқир сурнайчи экан – the jackal a surnai player (surnai is a kind of clarinet)*.

Таржимон қаҳрамонлар номига ҳам изоҳ беришни лозим топади, лекин фақатгина «*тўғри*» сўзига изоҳ берилади – “*Togri means right*”. Эгри сўзига эса изоҳ берилмайди, лекин эртак таржимаси сўнгида *Тўғри тўғрилиги учун бахтга эришибди, Эгри эгрилиги учун жазосини тортибди*, гапидан бу сўзнинг маъносини уқиб олиш мумкин:

“Шундай қилиб, Тўғри тўғрилигидан мақсадига етибди, Эғри эса эғрилигидан жазосини тортибди”.

*“Thus Togriboy found happiness through doing right and Egriboy was punished, according to his just deserts, for doing wrong”.*¹

Эртақда ҳамма хос сўзлар ҳам транслитерацион усулда берилмаган. Масалан, «тандир» сўзи *stove made of clay* – лойдан ясалган печ тарзида берилади. «Печ» сўзи тандирдан фарқли кўринишга эга ва тандир маъносини ифодаламайди. Рус ва инглиз эртақларида «печ» сўзи миллий реалия ҳисобланиб, ҳатто мультфильмлардан ҳам болалар унинг қанақа кўринишга эга эканлигини билсалар-да, «тандир» сўзини печга қиёслаш миллий хусусиятларнинг чалкашиб кетишига олиб келади. Бу ўринда сўзни транслитерацион усулда тушунтириш мазмундаги миллийликни ифодалашда муҳим ўрин эгаллаган бўларди.

Ғ.Саломов айтганидек: *«Ҳар қандай бадиий таржиманинг тақдирини белгилайдиган асосий омил, «кўрсаткич» нима? Буни ўша таржимада муаллиф қалби асарнинг руҳи, услуби, образлар дунёси қандай акс эттирилганлиги, нечоғлик қайта яратилганлиги билан белгиланади.»*²

Айрим эртақлар таржимасида тилмоч ана шу хусусиятларга алоҳида эътибор қаратишга ҳаракат қилган. Буни “The Craftswoman” – «Хунарманд хотин» эртаги таржимасида кўриш мумкин. Эртақ мазмунан тўғри таржима қилинган. «Хунарманд хотин» маиший эртақ ҳисобланиб, унда ўзбек аёлининг нималарга қодир эканлиги, кўлидан келадиган хунарлари уни ҳеч қачон оч-ночор қолдирмаслиги, ҳатто эри билан барабар рўзғорни торта олишига иқтидори етарлилиги тасвирланган. Бой эрининг таъналаридан тўйиб кетган хотин уни ташлаб кетади ва энг камбағал кишига турмушга чиқиб, ваъдасига вафо қилиб, уни шаҳардаги бой кишилар қаторига қўшади.

Эртақ сюжети ҳаётий воқеалар асосида қурилган, унинг қаҳрамони ҳам ҳеч қандай сеҳрли кучга эга эмас, ёрдамчиларсиз иш кўради. Мазкур эртақда

¹ Tales from the Silk Road. Stories in English and Uzbek. – UNESCO, 1999. – P. 25.

² Саломов Ғ. Адабий анъана ва бадиий таржима. – Тошкент, 1980. – Б.105.

ижтимоий тенгсизлик қораланган. Бу жиҳатлар эртак таржимасида ўзининг аниқ ифодасини топган ва ўқувчига ўзбек аёлининг меҳнаткашлиги, тежамкорлиги, уддабуронлиги мутаржим томонидан аниқ тасвирлаб берилган. Шунингдек, ўзбек аёлининг жамиятдаги, оиладаги ўрни катта маҳорат билан очиб берилган. Масалан: *“Хотин эса ҳар куни ҳали хўроз қичқирмасдан турар, молларни соғар, овқат берар ва уй-жойни сунуриб, тартибга келтирар экан. Ҳар куни пешинда ва кечқурун эри ва унинг меҳмонлари учун лаззатли овқатлар тайёрларкан, бўш вақти қолдими – дарҳол дўппи тикишга ўтираркан. У ниҳоятда чиройли дўппилар тикар ва уни бойнинг хизматчилари қиммат нарҳда сотиб келиб, пулини бойга беришаркан”*.¹

“The woman was very industrious. Every morning she used to get up at dawn, milk the cows, feed them, tidy up the house and the yard. Every day she cooked tasty food for her husband and his friends. When she had spare time she would embroider caps. The caps embroidered by the woman were so beautiful that people would pay a lot of money for them, though they gave money to the rich man rather than to his wife”.²

Таъкидлаб ўтиш жоизки, таржимоннинг ўзи ҳам, аввало, китобхондир. Асар унга қаттиқ таъсир этмаса, завқини тошириб, илҳоми жўш урмаса яхши таржима пайдо бўлмайди.

Таржима – аслиятни қайта яратиш, қайта талқин этиш санъати. Ҳар қандай бадиий асар таржимасида эса бадиий-эстетик ва поэтик жиҳатлар ҳукмронлик қилади. Таржимоннинг вазифаси аслият ва таржима тиллари лексик, грамматик ва стилистик ҳодисалар ўртасидаги уйғун ҳамда тафовутли жиҳатларни пухта ўзлаштириб олган ҳолда аслиятдаги шакл ва мазмун бирлигини она тили воситалари ёрдамида қайта яратишдан иборатдир. Бу тамойилга риоя қилмаслик таржимада аниқлик, тўла-тўқисликнинг йўқолиши, демакки, ифода меъёрининг бузилишига олиб

¹ Tales from the Silk Road. Stories in English and Uzbek. – UNESCO, 1999. – P. 26.

² Ўша асар. – Б.26.

келади. Бинобарин, назардан ўтказилган биргина эртакнинг иккала таржимасидан айнан шундай хулоса келиб чиқади. Афтидан, таржимонлар ўз олдиларига ягона мақсад – эртакни таржима қилишнигина қўйишган, ундаги ҳар қандай сифат, миллийликни ифодаловчи кўплаб белгилар улар назаридан четда қолиб кетган.

Тўпلامдаги «Дангаса хақида эртак», «Доно маслаҳат» эртаклари таржимаси нисбатан мукамалроқ амалга оширилган, уларда миллий хусусиятлар, миллий руҳ яққолроқ акс этган.

Муаллиф услуби ва миллий колоритни акс эттириш, адекват таржима яратиш ҳар бир таржимон ўз олдига қўйган асосий вазифадир. Таржимон ана шу вазифани амалга оширган тақдирдагина тил хусусиятларини аниқ ифода эта олади.

«Қарға билан илон» эртагида баланд тоғ тепасига ин курган қарғанинг болаларини унинг яқинида уяси бор илон еб кетар экан. Қарға чиябўрига илоннинг кўзларини чўқиб ташлашини ва шу билан болаларини кутқаришини айтади. Чиябўри эса унга бошқа чора топиш кераклигини, бўлмаса, қисқичбақани ўлдирмоқчи бўлган лайлакка ўхшаб қолишини айтади. Аслиятдаги «лайлак» сўзи инглиз тилига “*flamingo*” деб берилган. Маълумки, ҳар бир қитъанинг ўзига хос флора ва фаунаси мавжуд. Лайлак фақатгина Осиё худудида яшайдиган куш бўлиб, унинг тумшуғи узун, пати оқ ва қора рангларда бўлади.

*Flamingo – wading - bird with long legs, a long neck and pink feathers.*¹

Юқорида келтирилган изоҳдан кўриниб турибдики, фламинго узун оёқли, бўйни узун куш, бироқ бу кушнинг патлари қирмизи ва у Ўзбекистон худуди ва муҳитида яшовчи кушлар сирасига қирмайди. Фламингонинг тумшуғи лайлакнинг тумшуғи каби узун эмас. Лайлак эса фламинго каби қирмизи патли эмас. Лайлак сўзининг инглиз тилига айнан таржимаси мавжуд. Бу “*stork*” сўзидир. Агар таржимада шу сўз қўлланганда эди, ҳар тарафлама тушунарли бўларди. Бу кушни Маккани зиёрат қилиб келадиган

¹ Oxford Learner’s Dictionary. New addition. – Oxford. – P. 158.

куш (қиш кириши билан лайлак иссиқ ўлкаларга учиб кетади ва бу фаслни Маккада ўтказди) сифатида ўзбек халқи жуда эъзозлайди ва у билан алоқадор қатор иримларга амал қилади. Масалан, кимки лайлакни эрта баҳорда олд томонидан кўрса – йил бўйи унинг ишлари омадли бўлади, орқасидан кўрса – аксинча. Таржимада лайлакнинг фламинго билан ўзгартирилиши бу кушга бўлган ана шундай эътиқодий эъзозларни йўққа чиқаради.

Хуллас, бевосита таржима тўғридан-тўғри аслият тилидан ўгирилган экан, у асарнинг асосий хусусиятларини сақлаб қола олади. Бироқ аксарият ҳолларда таржимонлар миллий жиҳатлар акс этган нуқталарни эътибордан четда қолдирадилар ва бу билан асар маъносига путур етказадилар.

II.3. Билвосита таржимада миллий колоритни ифодалаш

Ўзбек халқ эртақларининг инглиз тилига таржима қилиниши жараёни XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб анча фаоллашди. Бунда рус тилининг воситачилиги ўзига хос роль ўйнади. Рус тилига ўгирилган ўттизта ўзбек эртаги турли йилларда қатор таржимонлар томонидан инглиз тилига ўгирилган. Жумладан, 1989 йил Т.Икромов томонидан «Маликаи Хуснобод» ҳамда «Хунарманд ва шер» эртақлари йилда ўз таржимаси алоҳида рангли китобча шаклида нашр этилди.²

«Маликаи Хуснобод» эртаги қаҳри қаттиқ шоҳнинг ўз қизи Маликаи Хуснободга ўтказган зулми ҳақидадир. Унда баён этилишича, қизнинг онаси камбағал оиладан чиққани учун отаси уни доим камситиб, ерга уравергани сабабли Хуснобод бой одамга турмушга чиқмасликка онт ичади.

Бир куни шоҳ тахтда ўтирса, бир қарға учиб келиб, уч марта қағиллабди. Шунда шоҳ тўрт юз уламосини ҳузурига чақиртириб, улардан қарға нима деганини сўрабди. Уламолар жавоб беролмагач, жоҳил шоҳ ғазаб отига миниб, уларнинг барчасини ўлимга ҳукм этибди. Уламоларга раҳми

² Husnobod. – Тошкент, Ўқитувчи, 1989

келган малика отасидан уларнинг жонини сақлаб қолишни сўрабди ва қарғанинг қағиллашини «*Эрни бор қиладиган ҳам, йўқ қиладиган ҳам хотин*», деб шарҳлабди. Золим шоҳ бу жавобдан ғазабланиб: «*Ҳали сен эрсираб қолдингми?*» – дея қизига ўшқира кетибди ва уни зиндонбанд этишни буюрибди. Доно бош вазир эса, йўлини топиб, маликани зиндондан қочириб юборибди. Алқисса, қиз оддий оиланинг фарзанди, камбағал чўпонга турмушга чиқиб, уни шоҳ даражасигача кўтариб, отасининг юртига подшо қилиб қўйибди.

Ана шу воқеалар фонида эртақда тасвирланган ўзбек қизларининг сабр-бардоши, ақл-фаросати, субути, қатъияти ва вафодорлиги инглизча таржимада ҳам ўз аксини топган.

Масалан, қизнинг бардошлилигини ифодалаган «*...қиз бир кунлик овқатини тўрт кунга етказибди*» жумласи “*... the girl spinned a day's food for four days and she lived thereby...*”¹ тарзида ўгирилиб, адекват маъно таъминланган. Бунда ўзбек аёллари табиатига хос тежамкорлик хислати яққол намоён бўлиб турибди.

Эртақ таржимасидаги қатор сўзларда мутаржим изоҳи муҳим ҳисобланади. Айни дамда, қатор туркий сўзлар жаҳон тили ва адабиётига кириб бормокда ва улар муаллифдан ҳам, мутаржимдан ҳам ҳеч қандай изоҳ талаб қилмайди. Ўзбек миллий таоми бўлмиш «палов» сўзининг “*pilau*”, “шоҳ” сўзининг “*shah*” тарзида берилиши фикримизнинг яққол исботидир. «Маликаи Ҳуснобод» эртагида ҳам бошиданок «шоҳ» сўзи “*shah*” тарзида берилган ва эртақ охиригача шу тариқа давом этган. “*Once upon a time, a very long time ago there lived a cruel shah.*” – Қадим замонларда бир золим шоҳ яшаган экан.²

Эртақда подшоларнинг золимлиги, Маликаи Ҳуснободнинг оқиллиги, бир сўзлилиги инглизча таржимада ҳам ўз аксини топган. Эртақ таржимасида берилган тўпламда миллий безакка алоҳида эътибор берилган: китоб

¹ Husnobod. – Тошкент: Ўқитувчи, 1989. – Р.7

² Ўша асар. – Б.4

саҳифалари эртак мазмунига мос расмлар билан тўлдириб борилган, тасвирларда миллий рух, миллий хусусиятлар ўз ифодасини топган ва бу эртак мазмунига мос тушган. Ҳаётий эртаклар сирасига киритилган «Маликаи Ҳуснобод» эртаги ўзбек халқининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий ўтмишини ўзида акс эттиргани боис Европа халқлари эътиборини қозонган.

Умуман олганда, «Маликаи Ҳуснобод» эртаги ўзбек таржимони томонидан амалга оширилганлиги боис миллий колорит, миллий рух, миллий хусусиятларни ўзида акс эттирилган ва халқ манфаатларини таржимада ифодалаган.

Тўпламда «Ўтинчи ва шер» эртаги таржимаси ҳам берилган. Унда ифодаланишича, инсоннинг шафқатсизлигидан чарчаган, безган ҳайвонлар ўрмонга кетишибди ва шернинг олдидан паноҳ топишибди. Шер уларнинг устидан кулиб, инсон унга ҳеч нарса қилолмаслигини айтибди. Ногаҳон ўтиб қолган дурадгорга ташланиб, ўзининг кучини кўз-кўз қилибди. Лекин дурадгор унга уй қуриб беришни ваъда қилибди ва уларнинг ахлоқлигидан фойдаланиб қафас ясаб, шерни унга қамабди. Эртак деб берилган бу асар, аслида, жанр хусусиятларига кўра нақл бўлиб, ўз кучи билан керилиб юрадиган калтафаҳм кишилардан кулиш мотивини ифодалайди.

Таржимада аслиятдаги каби инсоннинг фаҳм-фаросат бобида табиатдаги барча жонзотлардан устун туриши, хавф-хатардан ҳам хунари, ҳам ақл-заковати билан қутулиб кетиши ифода этилган.

Шер қанчалик кучли бўлмасин ҳунарманднинг ҳийласига учибди. Инсон ақлли ва ҳийлагар, шунинг учун ҳар қандай хавф-хатардан чиқиб кета олади. – No matter how strong the lion was he fell into the craftsman's trap. A human-being is clever and shrewd so he can always keep out of danger.

1997 йил Бишкекда чоп этилган “Ўзбек халқ эртаклари” тўплами ҳам воситали таржима қилинган эртакларни ўз ичига олган. Бу нашр «Қирғизистон Республикасида гуманитар таълим трансформацияси» дастури

доирасида тайёрланиб, тўрт тилда берилган ўн иккита эртақдан иборат.¹ У «Қилич ботир» эртаги билан бошланади. Бу сеҳрли эртақлар сирасига киради.

Тўпламдаги ўн иккита эртақнинг бари инглиз тилига билвосита, яъни рус тилидаги ўғирмалардан инглиз тилига таржима қилинган. Уларнинг русча варианты эса ўзбекча вариантыдан анчагина фарқ қилади. «Қилич ботир» эртагининг инглизча таржимаси ҳам бошланишиданок ўзбекча вариантыдан фарқ қилади. Эртақ ўзбек тилида қуйидагич бошланади:

*«Бир бор экан, бир йўқ экан, бир замонда Қилич ботир деган бир полвон бор экан. Кунлардан бир кун Қилич ботир сафарга чиқибди».*²

Айнан шу зачин инглиз тилига тубандагича ўгирилган:

*“Once upon a time there lived a batyr. He was very strong, powerful and courageous, so people called him Kylych batyr. Once Kylych batyr heard that in a faraway land there lived a heavenly beauty, whose name was Akbilak.”*³ – *«Қадим замонда бир ботир бўлган экан. Жуда кучли, бақувват ва жасур бўлганлиги сабаб уни Қилич ботир дейишаркан. Кунлардан бир кун Қилич ботир узоқ мамлакатда яшовчи Оқбилак исмли тенги йўқ гўзал ҳақида эшитибди».*

Кўриниб турганидек, зачиннинг ўзбекча ва инглизча вариантлари орасида ўқувчини ўйлантириб қўядиган фарқ мавжуд. Зачин эртақ учун анъанавий кириш бўлиб, сюжет асосини ташкил этадиган воқеа-ҳодисаларга ўқувчи қизиқишини орттиришда хизмат қилади. Ўзбекча нусхада Қилич ботир нега сафарга чиққани ноаниқдай туюлса-да, аслида, унинг сафарга отланиши сабабига ишора бор. Эртақнинг тугуни – асосий моҳияти унинг Оқбилакойимни севиб қолиб, қизни излаб чиқиши билан боғлиқ. Айнан шу ўринда воситали таржиманинг ҳам ижобий томонлари бор эканки, эртақдаги ўзига хос, аслиятда ифодаланмаган жиҳатлар таржимада акс этибди, дейиш ўринли. Рус тилидан ўгирилгани учун эртақ таржимаси тўлиқ ва унда мақсад-моҳият аниқ баён этилган:

¹ Uzbek Folk Tales. – Bishkek, Kyrgyzstan, 1997.

² Ўша асар. – Б.6.

³ Ўша асар. – Б.7.

«В давние-давние времена жил-был один богатырь. Был он силен, могуч и отважен и поэтому называли его Кылыч-батыр. Услыхал как-то Кылыч-батыр что далеко-далеко отсюда живёт красавица – прекрасная Акбилак. И отправился богатырь в дальнюю дорогу – свататься к принцессе».¹

«Қилич ботир» сеҳрли эртақлар сирасига киради. Қаҳрамон магик кучи қиличида, у фақатгина сеҳрли буюм – қилич ёрдамида ҳаракат қилади. Бундай эртақларда севги-қаҳрамонлик мотивлари етакчилик қилади. Севги мотиви эртақдаги тимсолларнинг жасоратлари билан қўшилиб кетади. Эртақда Қорахон подшонинг буйруғи билан Оқбилакойимни ўғирлаш учун келган кампир қизни Қилич ботирнинг нишонаси нималигини билиб беришга ундайди. Қилич ботир уйга келгач, улар ўртасида суҳбат бўлиб ўтади ва шу суҳбатда Оқбилакойим эридан унинг нишонасини сўрайди. Юқорида айтилган сеҳрли буюм унинг нишонасидир. Инглиз тилига эса таржимон Оқбилакойимнинг сўзларини оддийгина қилиб: *“I know nothing about you”*² – «Мен сиз ҳақингизда ҳеч нарса билмайман» тарзида беради. Ботирнинг нишонаси айнан эртақнинг сеҳрли жиҳатини кўрсатиб туради. Қаҳрамоннинг жони сеҳрли буюмда – қиличда жойлашгани эртақ мазмунини кенгайтириш билан бир қаторда нега айнан шу ном қаҳрамонга берилганини ҳам ифодалайди. Мутаржимдан талаб қилинадиган нарса – нишонанинг нималиги сўралган саволни ўқувчига етказишдир.

Мазкур тўпламдан «Муқбил тошотар» эртагининг инглизча таржимаси ҳам жой олган. Эртақда инсоннинг ҳам жисмоний устунлиги, ҳам ақлий-маънавий баркамоллиги тасвирланади. Бу эртақ чўпон йигит Муқбилнинг мамлакат маликасини ўлимдан қутқариши ва унга ошиқ бўлиб қолиб, унга эришиш учун қилган саъй-ҳаракатлари ҳақидадир.

Ўзбек халқида бир иш бошлашдан олдин халқдан, оқсоқоллардан розилик олиш одат тусига кирган ва ҳаётини анъана шаклини олган. Халқ

¹ Ўша асар. – Б.7

² Ўша асар. – Б.19

миллий табиатини белгиловчи бу ҳол ишнинг ўнгидан келиши, катталарнинг дуоси билан бошлаган иш хайрли бўлишини англатади.

Эртақда Муқбил подшонинг шартини бажаришга боришдан олдин тоғ халқидан розилик олади. Халқ дуоси уни бало-қазодан асрайди. Лекин инглизча таржимада мутаржим бунга умуман тўхталмайди. Бу эса таржимада миллий анъанани ифодалашдан чекинилганлигини кўрсатувчи яна бир мисолдир.

«Муқбил тоғ халқидан розилик олиб якка ўзи йўлбарс қидириб кетибди. – So Mukbil went to look for tigers».

Тўпلامдан жой олган кейинги «Семурғ» эртаги сарлавҳаси таржимада транслитерация йўли билан берилган ва унга мутаржим изоҳини бериб ўтган. *Simurg – the magic fairy-tale bird*. Шу билан бирга Кенжа ўғилнинг номи ҳам изоҳлаган: *Kenja – youngest – энг ёши, кенжа, кичик ўғил*.

Эртақнинг ўзбек тилидаги бошламаси билан инглизча бошламаси орасида каттагина фарқ бор. Ўзбек тилидаги вариант қуйидагича бошланади: *«Бир қари овчининг уч ўғли бўлган экан. Овчи ўз болаларини овчилик ҳунарига ўргатибди»*. Инглизча таржима эса шундай бошланади: *“A long time ago there lived an old hunter who had three sons. The old man taught his children to hunt and they became hunters who knew all the habits of wild animals and birds, all the secrets of the wood and all the path in the mountains”*.¹

«Семурғ» эртагининг бошламаси биографик бўлиб, унда овчи, унинг оиласи ва аҳволи ҳақида гап кетади. Ана шу бошлама рус ва инглиз тилларидаги таржималарда тўлиқ берилган. Балки бунда рус таржимони М.Шевердиннинг ҳиссаси каттадир. Сабаби, «Ўзбек халқ эртақлари» тўпلامларида «Семурғ» эртагининг ҳамма версиялари бошламалари шунчаки хабар сифатида келтирилган. Акаларининг хоинлиги сабабли ер остида қолган Кенжа ботирни Семурғ ер юзига чиқариб қўяди. Семурғ юқорига кўтарилар экан, ботирдан ернинг қандай кўринаётганини уч марта сўрайди. Кенжа ботир биринчи сўраганда бўйрадай, иккинчисида гугурт

¹ Ўша асар. – Б.26.

кутисидай, учинчисида ангишвонадай деб жавоб беради. Биринчи жавобдаги “бўйра” сўзи инглиз тилига «*rug*» – “*гилам*” сўзи орқали берилган. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, бўйра ҳам миллий маҳсулот саналиб, қамишдан тўқилган тўшамани англатади. Ундан ўтмиш аجدодларимиз тўшама сифатида фойдаланишган. Гарчи, бўйра, гиламдан фарқли ўлароқ қатор вазифаларни бажарса-да, гилам каби у ҳам турли ўлчамда бўлади. Таржимада матн маъноси бузилмаган, чунки ўлчовни назарда тутган қаҳрамон нутқи таржимон фикри ва таржимасига мос тушган.

«Доно қизлар» эртагида қиз шоҳнинг шартини бажариш мақсадида шоҳ билан шатранж ўйнайди. Таржимада «*шатранж*» сўзига ҳам изоҳ берилган ва у миллий ўйин турини ифодалашни кўрсатилган: “*Shatrandj – an ancient game and precursor of chess.*” “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да келтирилишича, “шатранж” сўзи форс-тожик, ҳинд сўзидан олинган бўлиб, шахматга ўхшаш қадимий ўйиндир. Кўриниб турибдики, иккала изоҳ ҳам бир-бирига мос тушган ва у шатранж ҳақида ўқувчида аниқ тасаввур ҳосил қила олади.

Эртақда шоҳ қизга уйланган тунда унга уч шарт қўйиб, ўзи етти йилга Мадинага кетади. Шартларга кўра, қиз бияни шоҳ миниб кетган айғирдан қулунлатиши, оғзи бекитилиб муҳрланган саночнинг муҳрини бузмай тиллага тўлдириши ва, ниҳоят, учинчи шarti, гарчи, у қизга яқинлашмаган, ҳатто кўлини ушламаган бўлса-да, ўзига ўхшаган ўғил туғиб бериши керак эди. Зукко қиз шоҳнинг учала шартини ҳам бажаради. Етти йилдан кейин Мадинадан қайтган шоҳ иложи йўқ шартларнинг бажарилганлигини кўриб хотинидан: “*Эй, иблис, сен қандай қилиб бу шартларни бажардинг?*” – деб сўрайди. Бу билан шоҳнинг аёлларга муносабати, ўзини жуда ақлли санаб, бошқаларни назар-писанд қилмаслиги, улар билан ҳисоблашмаслиги аниқ кўрсатиб берилган. Аёлларга паст назар билан қараш ўтмишга хос муомала кўриниши бўлиб, шоҳнинг хотинига муносабати орқали яққол кўрсатиб берилган. Инглизча таржимада бу муносабат юмшоқлаштирилиб: “*Look here, my wife*” – “*Менга қара, хотин*” кўринишида берилган. Шоҳ ўзи қўйган

шартларни бажаришнинг имкони йўқлигини билади, бироқ у бу шартларнинг бажарилганлигини кўргач, қаттиқ шубҳага бориб, ғазабланади. Бу эса табиий ҳол. Инглиз тилидаги таржимада ана шу шубҳа ва гумонлар, шохнинг ғазаби ўзининг аниқ ифодасини топиши учун уни сўзма-сўз ўгириш лозим эди, шунда ўша муомала ва муносабат жараёни ўқувчига тиниқ етказилар ва эртакда миллий-маиший руҳни ифодаловчи маъно сақлаб қолинарди.

Миллий характер, ҳаётдаги бошқа ҳамма нарсалар каби маълум моддий асосда яратилиб, маълум ҳаёт шароитининг инъикоси тарзида намоён бўлади. Шунинг учун образнинг миллий табиатини ифодалаш учун ўша миллатнинг ҳаёти, миллий тарихи, ўзига хослиги, миллий-маданий ва адабий анъаналарини ўрганиш лозим. Шу сабабли шохнинг хотинига муносабатини тушунтириш таржимон маҳоратига путур етказгандек. Уни тўла изоҳлаш ҳар қанақа англашилмовчиликдан халос бўлишга олиб келарди.

Тўпламдаги “Нон қудрати” – “The Strength of Bread” эртаги уч ака-ука ҳақида. Уч ака-уканинг биргина оти бор. У урғочи от бўлиб, ҳар йили қулунлаганида қулунини қандайдир мавжудот ўғирлаб кетар экан. Ака-укаларнинг оталари ўғилларидан шу қулунларни топиб келишни, чунки бисотида шундан бошқа бойлиги йўқлигини айтибди. Ўғиллар навбат билан биянинг қулунлашини пойлабдилар, лекин фақат Кенжа ўғилгина биянинг боласи қандай ўғирланганини кўриб қолибди ва уни қутқариш учун отасидан рухсат сўрабди. Катта акалари ҳам укаларини ёлғиз юбормасликларини айтиб, унга қўшилишибди. Бироқ улар йўлда учраган қийинчиликлардан кўрқиб ортга чекинишибди ва укаларининг ёлғиз ўзи қулунларни ўғирлаган улкан махлуқлар мамлакатига бориб қолибди. Бу ерда унга бир чол махлуқларни ноннинг кучи билан қандай енгишни айтибди. Шу маслаҳатга амал қилиб, Кенжа ўғил барча махлуқларни енгибди ҳамда уларни ўзининг қулларига айлантирибди. Сўнгра махлуқлар қаҳрамоннинг ниятига етишига ёрдам беришибди.

Эртак қатор мотивлар занжиридан тузилган. Қулуннинг ўғирланиши, ўғилларнинг уни излаб йўлга чиқиши, қаҳрамоннинг акалари томонидан

таъқиб этилиши, махлуқнинг Кенжа ўғилга ёрдамга келиши эртак сюжетини юзага келтирувчи мотивлар қаторини ташкил этади. Улар орқали меҳнаткаш халқнинг дунёқараши, интилиши, руҳияти бадиий тарзда ифода этилган.

Бироқ эртак таржимасида аслиятдаги ҳолат аниқ ифодаланмаган нуқталар бор. Масалан, Кенжа ўғил йўлда чолни учратиб аҳволини баён қилганда, чол унга: “...тойингни анави оёғи дароз, ўзи хўроз махлуқ олиб қочган” деб айтади. Айнан шу бирикма инглиз тилига “*tall, giant shepherd*” – “узун бўйли катта чўпон” деб ўгирилган. Инглизларда ҳам махлуқ сўзи мавжуд ва у ҳар иккала тилда бир нарсани – катта, кўрқинчли мавжудотни ифодалайди. Шу сабабли бу сўзнинг инглиз тилида “*beast*” кўринишида берилиши ҳар икки тилда ҳам бир нарсани ифодалаганини кўриш ва тушунишда ёрдам берган бўларди.

Эртакда бола иккинчи махлуқни учратиб, у билан олишувни бошлашидан олдин улар орасида қуйидаги суҳбат бўлиб ўтади. Махлуқ: “*Одам тугул пашиша учиб келолмайдиган бу жойларга қандай келиб қолдинг? Мақсадинг не?*”. Бола: “*Мен ўғирлатган тойимни излаб келдим, шуни олиб кетаман*”.¹

“*Одам тугул пашиша учиб келолмайдиган*” бирикмаси ўзбек тилида ҳам узок, ҳам кўрқинчли жойларни тасвирлашда қўлланилади. Бу ибора эртак қаҳрамони қандай қийинчиликларни бошидан кечириб, қандай жойларга келиб қолганини ўқувчига англатиш учун ишлатилган. Таржима санъатидаги энг қийин жиҳатлардан бири – фразеологик бирикмалар таржимасидир. Мазкур бирикма ҳам шу қаторга киради ва унинг таржимаси мутаржимдан алоҳида эътиборни талаб қилади. Шундай эътибор бўлмагани туфайли инглиз тилига у оддийгина қилиб таржима қилинган, таржимада фразеологик бирикма тушириб қолдирилган. “*What are you, poor thing? Where have you come from and what do you want?*” – “*Кимсан, бечора? Қаердан келдинг ва нима истайсан?*” Бундай таржимада махлуқнинг ўқувчи қалбига кўрқув ва даҳшат солувчи муомаласи ўзининг тўлиқ тасвирига эга бўлмай қолган.

¹ Uzbek Folk Tales. – Bishkek, Kyrgyzstan, 1997. – P.102.

Эртақдаги ўқувчи қалбида ваҳима уйғотувчи, қолаверса, ўқувчи наздида қаҳрамонни кўрқмас қилиб кўрсатувчи нуқталар таржимада ўз ифодасини топмаган.

“Нон қудрати” эртагида иккала катта ўғил кўрқоқлиги ва хиёвати билан ўқувчида нафрат уйғотади. Бу таржимада бу ўзининг яққол аксини топган. Акаларнинг бойлик учун ўз укалари оёғини кесиб, кимсасиз чўлда ташлаб кетишлари ҳар қандай миллат ўқувчисига ҳам уларга нисбатан нафрат уйғотиши табиий ҳолдир.

“Нон қудрати” эртагида ҳаяжонли ҳолатлар кўп, лекин таржимада бу ҳолатларнинг айримлари ўз ифодасини топмаган. Натижада эртақ маъно-мазмунига, қисман бўлса-да, путур етган. Масалан:

“Махлуқ илондай қаҳри келиб: “Тирранча, сенинг қўлингдан нима келарди”, – деб, отдан сакраб тушибди-да, бола билан беллашиб кетибди. Махлуқнинг буниси жуда зўр экан, олдинги икки махлуқ бунинг олдида пашиадай экан”².

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, услуб муаммолари таржимада муҳим ўрин эгаллайди. Бадиий асар тили ва услуби хилма-хил бадиий-тасвирий, услубий воситалар силсиласининг ўзига хос равишда ранг-баранг шакл ва кўринишларда қўлланилишидан иборат бўлиб, бу восита ва усуллар йиғиндиси мазкур асар бадиий қийматини ва образли асосини ташкил этади.³

Эртақдан келтирилган юқоридаги парчада *«илондай қаҳри келди, пашиадай экан»* каби услубий воситалар мавжуд бўлса-да, улар таржимада ўз аксини топмаган.

“The giant got furious, jumped down in a flash and they began fighting. The young man was in tight corner, because the eldest giant was stronger than his brothers”¹.

Таржима жараёнида аслиятдаги лисоний бирликларни моддий жиҳатдан аниқ акс эттиришга уринмасдан, уларнинг маъно ва услубий

² Ўша асар. – Б.106

³ Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. – Тошкент: Фан. 2005. – Б.65.

¹ Uzbek Folk Tales. – Bishkek, Kyrgyzstan, 1997. – P.107.

вазифаларини биринчи ўринга қўйиб, таржима тилининг ўзига хос воситаларига мурожаат қилишгина прагматик муқобилликни юзага келтиради. Илмий таҳлил учун жалб қилинадиган барча лисоний-услубий ҳодисалар матннинг мазмун ва ғоя бирлигини ҳосил қилувчи таркибий қисмлари бўлиб, айна ҳодисаларнинг таржимада бежирим талқин қилиниши матний мувофиқликни пайдо қилади. Турли халқлар вакилларининг ҳаёт воқеа-ҳодисаларига ўзига хос тарзда ёндашишлари, ўз тасаввурлари доирасида фикр юритишлари билан боғлиқ кўпгина тушунчалар улар тилида турлича мазмун ва рамзий маъно касб этади. Фразеологик бирликларни турли усулларда таржима қилиш мумкин, лекин улар таржимада ўзининг аниқ ифодасини топиши шарт. *“Илондай қаҳри келди, пашшадай экан”* каби бирикмалар ўхшатиш негизида қурилган бўлиб, аксарият тилларда бир хил маънони ифодалайди. Илоннинг қаҳри келса чақиб олишини ва мақсадига етмагунча ҳеч нарсадан қайтмаслигини ҳамма яхши билади. Бу ўринда мазкур ибора махлуқнинг одам боласини енгилда бор кучини ишлатиб, уни мағлуб қилишга бел боғлаганини кўрсатади. Бошқа махлуқларнинг буниси олдида пашшадай кичкиналиги эса, ўқувчида эпик қаҳрамоннинг уни енгилшига нисбатан аввалига қандайдир ишончсизлик уйғотган бўлса, кейинчалик эртак давомида кичкина бўлса-да, қаҳрамон ўзининг кучи, ақл-фаросати билан ҳамма нарсадан устун, эпчил экани кўрсатилади. Фразеологик бирикмалар халқ ҳаётининг тажрибалари, мантиқий мушоҳадалари асосида яратилгани учун турли тиллар фразеологик бирликларининг бири-бирига моддий-мазмуний ўхшаш табиий ҳол бўлиб, таржима жараёнида бундай муштаракликдан унумли фойдаланиш таржиманинг асосий мақсади бўлмиш вазифавий уйғунликни юзага келтиради.¹ Бундай ўхшаш луғавий бирликларни таржима қилиш ва инглиз ўқувчисига сўзма-сўз етказиш эртак мазмунини анча бойитган ва кенгайтирган бўларди.

Таржиманинг яна бир муҳим хусусияти персонажлар нутқини ифодалашда намоён бўлади. Персонажлар нутқи тасвирининг она тилида

¹ Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. – Тошкент: Фан, 2005. – Б.65.

кайта яратилиши таржима амалиётининг ўта мураккаб, шу билан бирга ниҳоятда муҳим масалаларидан бўлиб, муаллиф мақсадининг аслият мансуб тилдан беҳабар китобхонга тўла-тўқис етиб бориши, ҳар қайси персонажнинг таржимада “ўз тили”да гапириши, ўз дунёқараши доирасида ўйлаши, фикр-мулоҳаза юритиши, ўзига хос ҳаракатлар қилишига боғлиқдир.²

Юқорида тилга олинган тўпلامдан “Бўри билан тулки” эртаги ҳам жой олган. Кунларнинг бирида бўри тулкига оч қолганидан шикоят қилиб, унинг қорнини тўйдиришни илтимос қилибди. Шунда тулки бир думалаб беданага айланибди ва тўйга кетаётган хотинлар олдида чикибди. Хотинлар дастурхонларини кўйиб, беданани қувиб кетибдилар. Фурсаддан фойдаланган бўри дастурхонлардан қорнини тўйдириб олибди. Беданани тутолмай қайтган хотинлар дастурхонлари аҳволини кўриб: *«Вой, шўримиз қурибди, ойимбуви овга чиқди, кетидан завго чиқди, дегандай бу нимаси?»* деганча дод солиб қолаверибдилар.

Фразеологик бирликларнинг таржимаси нозик масала эканини ўрганган таржимашунос олим Қ.Мусаев фразеологик бирликлар бир тилдан иккинчи тилга, асосан, тўрт усулда таржима қилинишини таъкидлайди. Булар: аслият тилидаги бирликка компонентлар таркиби, грамматик қурилиши ҳамда маъно ва услубий вазифаси мос эквивалентлар, бошқа хоссалари фарқ қилгани ҳолда маъно ва услубий вазифаси ўхшаш муқобил вариантлар, калька усулида ва тасвирий йўсинда таржима қилинади.³

“Бўри билан тулки” эртагидан юқорида келтирилган фразеологик бирлик инглизча таржимада берилмаган. Тўғри, унинг на эквивалентини, на муқобил вариантини инглиз тилида учратиш мумкин. Бундай ҳолларда таржимонлар таржима амалиётининг тасвирий усулига мурожаат қиладиларки, мазкур усул ёрдамида бирликлар маънолари эркин ҳолатда сўз ёки сўз бирикмалари воситасида тушунтириб берилади. Бу эртак таржимасида эса муқобил вариантга ҳам, бирикмани бирор бошқа усул билан

² Ўша асар. – Б.65.

³ Ўша асар. – Б.185.

беришга ҳам уриниб кўрилмаган. Хотинлар ўз тугунларини йиртиқ ҳолда топганлари шунчаки айтиб ўтилган, холос.

Having stopped their attempts to catch the nimble bird the women returned to their bundles and found them torn apart and their food gone.¹

Бўри ўзини ўлимдан қутқарган кўшчини емоқчи бўлибди. Кўшчи эса: “Мен сени қутқардим-ку, сен мени ейсанми?” – деб савол берибди. Бўри эса шундай дебди: «*Яхшиликка – ёмонлик*». Инглиз тилига ана шу бирикма айнан таржима қилинган: «*I always respond good with evil*» – «*Мен доим яхшиликка ёмонлик билан жавоб берганман*». Таржимада бирикма фақатгина бўрига тегишли бўлиб қолган, ваҳоланки, ўзбек халқининг бу машҳур мақолини таржимада умумий қилиб бериш керак эди. Шу сабабли неча асрлар давомида халқ хулосаси бўлиб келган бу мақол бўри нутқига кўчиб, унда ифодаланган фикр таржимада тушиб қолган.

«Хунарли йигит» эртаги сарлавҳаси “*Jack of all trades*” тарзида ўгирилган. Натижада сарлавҳанинг ўзиёқ ўқувчини ўйлантириб қўяди. “*Jack of all trades*” фразеологик бирикма бўлиб, инглиз тилининг изоҳли луғатида “*A person who can do many different types of work. But who perhaps doesn't do them very well*”² – “*Турли кўринишдаги ишларни бажара оладиган, лекин унчалик яхши қилолмайдиган киши*” тарзида берилган. Ҳолбуки, эртак қаҳрамони Мамат бундай хусусиятга эга эмас. У ота-онасининг истаги билан савдо-сотик қилишга йўл олади ва уч маротаба борганида уч хунар ўрганиб, ҳаёти давомида шу уч хунари билан уч бора ўлимдан омон қолади. Шу сабабли эртак «Хунарли йигит» деб аталади.

Эртакда сеҳрликка дахлдор нуқталар кўп. Эртак қаҳрамони Маматбой ўзи хизмат қилаётган бойнинг молларини суғориш учун чўлдаги қуруқ қудуққа тушибди. Қудуқ тубида эса катта хумни ва ундан қайнаб чиқаётган тиллани кўрибди. Айнан шу жараён таржимаси ҳам воситачи тил сабабли ўзгариб қолган. Рус тилидаги таржимада бу ҳолат «... *стоит*

¹ Uzbek Folk Tales. – Bishkek, Kyrgyzstan, 1997. – P.163.

² Oxford Advanced Learner's Dictionary. – Oxford University Press, 2005. – P.826

огромная ваза, через края которой льётся, переполняясь, жидкое кипящее золото»; инглиз тилида эса “*Suddenly he noticed a huge bowl with liquid boiling gold pouring over its sides*” тарзида берилган.¹ Тилланинг қайнаб чиқиши рус тилига “*кипящее*”, инглиз тилига эса “*boiling*” сўзи билан берилган бўлиб, эртақ маъносини бузган, чунки ўзбек халқ эртақларида қайнаб чиқаётган тилла суюқ, эритилган, қайноқ металлни эмас, балки шу металлдан ясалган маҳсулот – тангаларнинг жуда кўплигини англатади. Содда Маматбой тиллани пақирга солиб тепага узатаверади. Бойликнинг барчасини тепага узатиб бўлгач, бой унинг тиллаларга эга чиқишини хоҳламайди ва арқонни кесиб юборади. Шу билан Мамат пастда қолиб кетади. Бироқ у қудукдаги девнинг ёрдами билан ер юзига чиқиб олиб, ҳеч нарса бўлмагандай бойнинг хизматини қилиб юраверибди. Бироқ бой энди Маматдан кўрқиб қолибди ва уни йўқотиш пайида бўлибди. Шунинг учун хотинига хат ёзиб, уни Маматдан бериб юборибди. Мамат йўлда хатни очиб ўқибди ва уни ўз фойдасига ўзгартириб, ўзини бойнинг қатта қизига уйлантириб қўйишни бой номидан тайинлабди. Биргина шу хатнинг таржимасида қатор камчиликларга йўл қўйилган. Жумладан, Мамат бойнинг хотинига ёзган хатини ўзгартирганида «*насиб бўлса, дуойи салом, барака топсин*» каби миллий бирикмаларни қўллаган, бироқ таржимада булар ўз аксини топмаган: *Насиб бўлса, яқинда бориб қоламан. – Soon I'll be back home and I'll bring a caravan of overseas goods.*²

Таржимон асарнинг миллий хусусиятини бузмаган ҳолда оригиналнинг миллий хусусиятларини бера олиши керак. Сўз бирикмалари ва идиомаларнинг эквивалентларини топиш, уларни хос бирикмалар билан ўзгартира олиш таржимондан талаб қилинадиган заруратдир. Инглиз тилида айнан бу хилдаги бирикмаларнинг эквивалентлари мавжуд бўлиб, уларни мазкур эртақда қўллаш, яъни “*let God*”, “*God bless*” бирикмаларидан

¹ Uzbek Folk Tales. – Bishkek, Kyrgyzstan, 1997. – P.185.

² Ўша асар. – Б.189.

фойдаланиш бу ўринда эртақни бойитган ва ундаги миллий ҳолатни, қисман бўлса-да, ифодалаган бўларди.

Мамат хатни ўзгартиргач, бой номидан ёзилган хат «Рафиқам Гилмоннисога», – деб бошланади. «*Гилмоннисо*» атоқли от бўлиб, аёл киши номини ифодалайди. Маълумки, таржимада киши номлари камдан-кам ҳолатларда таржима қилинади. Таржима эҳтиёж туғилган ҳолатларда эса ўгирилаётган тилдаги шу сўз маъносига мос муқобил вариант билан ўзгартирилиши мумкин. Бироқ инглиз тилида “*Гилмоннисо*” номининг муқобил варианты йўқлиги учун бу ном транслитерация йўли билан берилиши керак эди. Бироқ воситачи тилда йўл қўйилган хато туфайли бу исм ўзгариб, миллийлик руҳиятини бутунлай йўқотган. Рус тилига қилинган таржимада хат қуйидагича бошланган: «*Моей дорогой супруге Гилманисе*». Айнан шу гапда инглиз тилига таржиманинг камчилиги кўриниб қолган: “*My dear wife Gilmanis!*” Рус тилида йўналишни билдирувчи келишик (дательний падеж)да ўзгарган кўшимча таъсирида киши исми нотўғри кўринишга эга бўлиб қолган ва натижада таржима на транслитерацияга, на оддий таржимага мос тушган. “Гилмоннисо” номи ўз маъносига кўра «*гўзал, пари, малак*» тушунчаларини ифодаловчи «*гилмон*» сўздан келиб чиққан ва унинг маъноси билан қизиққан ўқувчига шу тариқа изоҳ бериш лозим, лекин таржимоннинг айби туфайли таржимадаги исмни ҳеч қандай изоҳлаб бўлмайди.

Инсоният фаолиятининг мураккаб шакли бўлмиш таржима бир тилда яратилган нутқий ифодани, унинг шакл ва мазмун бирлигини сақлаган ҳолда, ўзга тил воситалари асосида қайта яратишдан иборат мураккаб ва масъулиятли ижодий жараён дир. Демак, аслият мансуб бўлган тил воситалари ёрдамида яратилган нутқий ифода таржима тили қонуниятлари асосида вужудга келган шундай ифода билан алмаштирилади. Шу йўл билан аслият ва таржима тиллари матнларининг мазмуний-услубий адекватлиги (муқобиллиги) юзага келтирилади. Бунда таржима усуллари алоҳида ўрин эгаллайди. Ўгирилаётган матннинг ўзига хослиги бадиий таржиманинг

хусусиятини белгилайди. Бадиий адабиёт намуналари бошқа нутқий ифодалардан шуниси билан фарқ қиладики, унда бадиий-эстетик ва поэтик жихатлар ҳукмронлик қилади. Таржимада асл нусханинг шакл ва мазмун бирлиги, яхлитлигини бежирим ифода этиш учун таржима тилида муқобил ифода воситаларини қидириб топиш зарурати туғилади. Бу жараён асл нусха мазмунини ўзга тилда ифода этишнинг қатор имкониятлари орасида энг мақбулини танлаб олишни тақозо этади.

Таҳлилга тортилаётган «Зумрад ва Қиммат» эртагининг инглиз тилига икки таржимаси мавжуд. Улардан бири 1997 йилда Бишкекда чоп этилган тўпламга киритилган. Иккинчи таржима Мэрилин Петерсен томонидан тўплаб чоп этилган “Treasury of Uzbek Legends and Lore” («Ўзбек халқ афсоналари ва оғзаки ижоди намуналари») номли тўпламга киритилган.¹ Ҳар иккала таржима вариантларида таржимонлар этакка хос ғоявий-бадиий хусусиятларни ўзларича ёритишга ҳаракат қилганлар. Шунини таъкидлаш жоизки, у ёки бу асарнинг тўғридан-тўғри аслиятдан бажарилган таржимасида ҳам қатор хато ва камчиликларнинг содир бўлиши табиий ҳол. Чунки ҳар бир асар бошдан-оёқ миллий хусусиятга бурканган бўладики, таржимада бу фазилатни юз фоиз акс эттириш имконият чегарасидан ташқаридир. Унинг воситачи тил орқали бажарилган таржимасида эса бу хато ва камчиликлар миқдори янада ошиб кетади. Чунки асарни таржима қилаётган таржимон ўзи йўл қўйган хато ва камчиликлардан ташқари воситачи тил таржимони йўл қўйган нуқсонларни ҳам беихтиёр такрорлайди. Мэрилиннинг таржимасидан фарқли ўлароқ «Ўзбек халқ эртаклари» тўпламидаги нусха инглиз тилига тўлиқ таржима қилинган. Бироқ юқорида таҳлил қилинган бошқа эртаklar каби бу эртакнинг таржимаси тўпламнинг ўзига киритилган ўзбекча вариантга мос келмайди. Эртакнинг русча таржимасида унинг сарлавҳаси «*Зумрат и Киммат*» деб берилган ва инглизчага ҳам худди шу кўринишда ўгирилган. Лекин на инглиз, на рус

¹ Petersen Marilyn. Treasury of Uzbek Legends and Lore. — Toshkent: Qatortol-Kamolot, 2000.

тилида бу номларнинг маъноси, нега айнан шу сўзлар иккала қиз номи учун танлангани изоҳланмаган. Зумрад ўрмонда адашгач, юриб-юриб ўрмон сеҳргарининг уйига бориб қолади. Рус тилига ўрмон сеҳргари – “лесная колдунья”, инглиз тилига эса – “forest witch” тарзида ўгирилган. Инглиз тилидаги «witch» сўзи рус тилидаги «колдунья»га мос келади, бироқ «сеҳргар» сўзига бу сўзларнинг ҳеч бири тўғри келмайди. «Witch», «колдунья» сўзлари, одатда, салбий маънони билдириб, тилимиздаги “жодугар” сўзига тўғри келади. “Сеҳргар” сўзи эса ижобий маънони ифодалайди. Бу образ эртақларда етакчи персонажларни сеҳрли воситалар билан таъминловчи, айни пайтда дўстлик ва ҳамкорлик тимсоли сифатида бош қаҳрамонни синаш, унга ёрдам кўрсатиш каби вазифаларни бажаради. Энг муҳими, у ёвузликни қоралаб, эзгу ниятдаги кишиларга ёрдам бериб, адолат, дўстлик ва тенгликнинг қарор топишида хизмат қилади.

М.Петерсен таржимасида бу сўз “fairy” – “пары” тарзида ўгирилган ва ўқувчида қизнинг тақдирига нисбатан қандайдир ижобий таассурот уйғотади. Бироқ бу билан М.Петерсен таржимасини мукамал деб бўлмайди. Айтиб ўтиш жоизки, Петерсен хоним тўпламда ўзбек фольклорининг турли жанрларига мансуб қатор намуналари таржималарини келтирган. Тинчлик Корпуси кўнгиллиси сифатида у маълум давр ўзбек халқи орасида яшаган ва уларнинг урф-одатлари, анъаналари билан яқиндан таниш бўлган. Шунга қарамай, унинг таржималарида айни шу ҳолат таъсири сезилмаслиги кишини ҳайрон қолдиради. Афтидан, бунда М.Петерсеннинг шахсан ўзи таржима билан шуғулланмагани, балки, аксинча, маҳаллий гид-таржимонлар ва талабаларнинг ёрдамига суянгани туфайли шундай ҳолат юз берган. Таржима билан махсус шуғулланмаган, қолаверса, мутахассис бўлмаган талаба ва гид-таржимонлар у ёки бу асарни ўзларига қулай усулда, имкониятлари даражасида таржима қилганлар. Натижада, таржималар у ёки бу асарнинг қуруқ баёнидан иборат бўлиб қолган. Жумладан, «Зумрад ва Қиммат» эртаги ҳам шундай таржималар сирасига кириб қолган. Эртақда Зумрад ўрмон сеҳргарининг уйига боргач, кампир овқат пиширмоқчи бўлади ва Зумраддан

томдан ўтин тушириб беришини илтимос қилади. Бунда «*том*» сўзи икки таржимада икки хил берилган. «Ўзбек халқ эртаклари» тўпламида бу сўз иштирок этган гап “*one day the old woman was busy preparing supper and asked Zumrat to fetch some firewood stored on the roof*”¹, Мерилин китобида эса “*one day she wanted to cook a special meal for the girl and said “Daughter, will you please take the firewood down from the loft”*”² тарзида ўгирилган.

“*Roof*” сўзи ўзбек тилида том маъносини, “*loft*” сўзи эса чордоқ маъносини беради. Одатда, ўтин, беда каби қишлоқ жамғармалар том устига босилади, чордоқда эмас. Инглизларда чордоқ, одатда, омборхона вазифасини ўтайди.

М.Петерсен таржимасида Қимматнинг “шарофати” туфайли пиширган овқати шўр бўлиб Зумрадни ўғай она адаштириб келишни талаб қилади. Бироқ «Ўзбек халқ эртаклари» тўпламидаги таржимада ҳолат ҳақиқатга яқинроқ, яъни кампир ўз қизининг ёмонлигини била туриб, буни тан олгиси келмайди ва ўз қизида ўғай қизидаги хусусиятларни кўрмагач, ўғай қизига нисбатан нафрати қўзий боради. Эртақнинг экспозицияси ўғайлик мотивига қурилганлиги билан характерланади.

Хуллас, таржима қилинаётган асарнинг ўзига хослигини, бўёқдорлигини сақлаб қолиш, ўқувчига етказиш вазифаси таржимон олдида асарнинг ғоявий мазмунини ва бадиий кучини тўла очиқ беришдан ташқари, асарнинг миллий руҳини, образлар характеридаги миллий ўзига хосликни сақлаш ва ўқувчига етказиш вазифасини ҳам қўяди. Зеро, эртакларнинг миллий ўзига хослиги, даставвал, унинг мазмунида, шу эртакда акс этган маиший ҳаётнинг бетакрор талқинида, образларининг реаллигида ва тилида кўринади. Ҳар қандай асарнинг тилида ифодаланган миллий руҳни бериш ғоятда мушкул. Чунки ҳар қайси халқнинг тили шу халқнинг ҳаёти билан чамбарчас боғланган бўлиб, унинг фикр тарзини акс эттирувчи фразеологик бирликлар, тасвирий ифодалар ва мақолларга бойлиги билан ўзига хос

¹ Uzbek Folk Tales. – Bishkek, Kyrgyzstan, 1997. – P.153.

² Petersen Marilyn. Treasury of Uzbek Legends and Lore.- Tashkent: Qatortol-Kamolot. 2000, – P.55.

жозибa кaсб этaди. Тaржимоннинг иждoий мaҳoрaти мaнa шу бaдиий ифoдaлaрнинг миллий рaнгини йўқoтмaгaн ҳoлдa тaсвирлaб, уни ўзгa тилдa кaйтa ярaтишдa нaмoён бўлaди.

II бoбдa билдирилгaн мулoҳaзaлaр юзасидaн хулoсaлaр:

1. Ўзбек хaлқ эртaклaрининг oлтмишгa яқини инглиз тилигa бевоситa вa воситaли тил oрқaли ўгирилгaн. Улар XIX асрдaнoқ хoрижий тиллaргa тaржимa қилинa бoшлaнгaн. Т.Икрoмoв, М.Мухaмедoвa, Е.Синельщикoв, М.Петерсен вa бoшқa туркийшунослaр ўзбек миллий мерoсининг бу жaнр нaмуналарининг дунё бўйлaб кeнг тaрқaлишигa сaбaбчи бўлгaнлaр.

2. Ўзбек хaлқ эртaклaрнинг инглизчa тaржимaларидa миллaт мaдaнияти вa тaрихигa мaнсуб бaъзи сўзлaр тaржимoн вa тўпловчилaр нaзaридaн четдa қoлиб кeтгaнлиги, миллийлик тaбиaтини ўзидa нaмoён этувчи бaъзи этногрaфик дeтaллaр тaфсилoти eтишмaслиги, аслиятдaги айрим миллий лексик вa фрaзeологик бирликлaрнинг тaржимa тилидa мoс кeлмaйдигaн бoшқa бирликлaр билaн ўгирилиши ҳoлaтлaри, Ўзбекистон худуди вa муҳитидa яшовчи қушлaр вa жoниворлaрни фaрқлaй oлмaслик, тaбиaтини билмaслик, миллий рeалиялaрни тўлиқ идрoк этa oлмaслик туфaйли тушунмoвчиликлaр юзa кeлгaнлиги кузaтилaди. Бу эсa эртaкдaги миллий руҳни илғaшгa хaлaл бeрaди. Дeмaк, эртaклaрнинг миллий ўзигa хoслиги нaфaқaт унинг мaзмунидa, бaлки шу эртaкдa акс этгaн мaиший ҳaётнинг бeтaкрoр бaдиий тaлқинидa, oбрaзларининг рeaллигидa вa тилидa кўринaди. Бирoқ ўзбек тили фрaзeологик бирликлaргa, тaсвирий ифoдaлaр вa мaқoллaргa бoйлиги туфaйли бу жихaтдaн тaржимoнлaрни қийин aҳвoлгa солиб қўйгaнлиги кузaтилaди.

3. Ўзбек хaлқ эртaклaри бoй сюжeти, юксaк бaдиияти, бaрқaрoр кoмпoзицион қурилишгa эгaлиги вa oммaвийлиги билaн жaҳoн фoльклоридa ўз ўрнигa эгa. Уларнинг рус тилидaги, рус тили oрқaли эсa инглиз тилидaги, яъни воситaли ёки бевоситa тaржимaларидa мaвжуд. Ўзбек хaлқ эртaклaри тaржимaси ўзбек фoльклоридa мaвжуд миллий кoлoритнинг хoриж ўқувчиси

онгида шаклланишига ёрдам бериши билан бир қаторда, миллатимиз ижтимоий-маданий ҳаётининг хориж ўқувчисига етказилишида хизмат қилади.

4. Эртақ образлари ва персонажлари тавсифининг таржимада аниқ акс этиши ўқувчининг улар ҳақидаги тасаввурини кенгайтиради, миллат одамлари, уларнинг миллий анъаналари, турмушлари, кийим-кечаклари, миллий таомлари, яшаш муҳити, ўзига хос ахлоқ-одоб анъаналари билан таништиради.

5. Ўзбек халқ эртақларининг инглизча таржималарида халқимизга хос меҳмондўстлик, бағрикенглик ва саховатпешалик, меҳнатсеварлик, сабр-бардошлилик фазилатларининг талқинини беришга алоҳида эътибор қаратилган.

6. Фақатгина айрим таржималарда эртақ мазмунини инглиз тилида баён қилиш билан чегараланилган. Бу эса эртақ бадий савиясини пасайтириб, ундаги ўзига хос асосий эпизодларнинг эътибордан четда қолиб кетишига сабаб бўлган.

7. Эртақларнинг ўзбек тилидаги зачини билан инглизча таржимасидаги зачини орасида каттагина фарқ бор. Бироқ таржимада ўзбек халқ эртақларига алоқадор анъанавий эпик мотивлар занжири, асосан, сақлаб қолинган.

III БОБ

ЛАТИФАЛАРНИНГ ИНГЛИЗ ТИЛИДАГИ ТАРЖИМАЛАРИДА ЖАНР ХУСУСИЯТЛАРИ ВА МИЛЛИЙ ЮМОРИСТИК РУҲНИ ҚАЙТА ЯРАТИШ

III.1. Латифалар таржимасида халқ кулгисини акс эттириш йўллари

Латифа – ўзбек фольклорининг кенг тарқалган мустақил эпик жанрларидан бири. У ҳажман кичик, мазмунан лўнда бўлади ва бир ёки икки эпизоддан ташкил топади. Ўзбек латифаларининг сюжетини ташкил этувчи эпизодлар – фош этувчи ёки мулойим ҳазилни англатувчи кулги яратади. Латифа пойдеворида ётувчи ўткир ҳажв ёки енгил юмор танқидий эстетик вазифани адо этади ҳамда воқеа-ҳодиса ечимида ҳал қилувчи роль ўйнайди – қаҳрамоннинг ғалабасини, айни пайтда қарши томоннинг кулгили ҳолатдаги мағлубиятини таъминлайди.

Латифаларда конфликт турли-туман тўқнашувларда юз беради ва ижтимоий-сиёсий ҳамда маиший маъно касб этади. Ечим эса тасодифан кўтарилган кулги-қаҳқаҳа ёки сўз ўйинига асосланади.

Ўзбек латифаларининг сараланган намуналари XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб инглиз тилига таржима қилина бошлаган. Латифалар ғоят оммавийлиги сабабли хорижий тилларга нисбатан кўп таржима қилинган. Ўзбек халқ латифалари инглиз тилига салмоқли ҳажмда, бевосита ва билвосита таржима қилинган. Мутаржимлар орасида ўзбек қаламкашлари ҳам, хориж тадқиқотчилари ҳам бор. Ўзбек латифаларининг чет элларда таржима қилиниши ва ўрганилиши бу жанрнинг миллий хусусиятларини идрок этишда муҳим замин вазифасини ўтайди. Бу жиҳатдан америкалик тадқиқотчи ва таржимон Идрис Шохнинг 1974 йилда Лондонда чоп этилган

“The Exploits of Incomparable Mulla Nasriddin” китоби эътиборлидир.¹ Унда Насриддин афанди ҳақидаги юздан ортиқ латифаларнинг инглизча таржимаси берилган ва шулардан элликка яқини ўзбек латифалари эканлиги аниқланган. Шу билан бирга, Тинчлик Корпуси кўнгиллиси Мерилин Петерсеннинг “Treasury of Uzbek Legends and Lore” ҳамда 2007 йил «Санъат» нашриёти томонидан чоп этилган «Khodja Nasriddin» тўпламлари ҳам Насриддин Афанди ҳақидаги қатор латифалар таржималарини ўз ичига олади.² Ҳар иккала тўпламда 120 дан ортиқ ўзбек латифалари аслиятдан инглиз тилига ўгирилганлиги диққатни тортади.

Маълумки, Насриддин афанди образи, одатда, туркий халқлар латифаларида умумлашма образ даражасига кўтарилган. Тўпламнинг кириш қисмида таъкидланганидек, кўплаб халқлар, жумладан, турклар, озарбайжонлар, араблар, ҳамда юнонлар Насриддин афандини ўз латифаларининг қаҳрамони, деб ҳисоблайдилар. Афанди ҳамма вақт халқ ичида юриб, оддий халқ қайғусига шерик бўлиб, қувончига янада қувонч бағишлаб келади.

Ўзбек халқ латифаларининг қаҳрамони дастлаб бир киши, бир ҳаким, бир донишманд, бир дехқон, бир дарвеш, бир наққош, бир табиб, бир фақир, бир камбағал, бир косиб каби шахслар сиймосида ҳаракат қилган. XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб бу хаёлий қаҳрамонлар Насриддин афанди персонажига ўз ўрнини бўшатиб берган. Бу, бир томондан, озарбайжон латифалари таъсирида юз берган бўлса, иккинчи томондан, турк латифаларининг ўзбек тилига таржима қилиниши, китобат қилиниши ва халқ орасида тарқалиши билан изоҳланади. Натижада, Насриддин афанди ўзбек латифаларининг яқкаю ягона типига айланиб қолади, ҳаттоки жанр атамаси ҳам халқ ўртасида кўп ҳолларда «афанди» номи билан юритилишигача етиб борди.¹

¹ Shah I. “The Exploits of Incomparable Mulla Nasrutdin”. – London, 1974.

² Petersen Marilyn. Treasury of Uzbek Legends and Lore. – Toshkent: Qatortol-Kamolot, 2000; Khodja Nasriddin. – «Санъат», 2007.

¹ Афанди латифалари. – Тошкент: Ғ.Ғулом, 1989. – Кириш сўз, 5-6-бетлар

Таржима қилинган латифалар аслияти ҳам, таржимаси ҳам бир-бирига жуда яқин. Аёнки, ижодкор халқ ўз қаҳрамонини яратишда узоқ даврлар оша, турли шароитларда мавжуд умуминсоний хусусиятларни жамлаб Насриддин Афанди образида гавдалантирган. Қаҳрамоннинг оддий ҳаётий ташвишиларини камчиликларидан тортиб сиёсий жараёнлар ва ҳокимият ишларига алоқадор бўлган лавҳаларгача – барчаси аслият ва таржимада бир хил аксини топган. Уларда жамиятдаги ижтимоий тенгсизлик каби кўплаб камчиликларни фош этувчи ҳажв устуворлик қилади.

Идрис Шоҳ, Мерилин Петерсен ва Руслан Ҳакимов каби таржимонлар Хўжа Насриддиннинг теран ақли, ўткир зеҳни, донишмандлиги ва ҳозиржавоблигини кўрсатишга алоҳида эътибор қаратишган. Афандининг ўзига хос бу фазилатлари уни оддий халқнинг севимли ва оммавий қаҳрамонига айлантиради.

Таржима қилинган латифалар аслияти ва таржимаси – бир-бирига жуда яқин. Инглиз тилида ҳам, ўзбек тилидаги каби, Афандининг ақл-заковати, содда ва лақмалиги, ўзига хос кўриниши, уддабурон ва сўзга чечанлиги, оддий халққа яқинлиги сабабли одамларни ҳар қандай муаммодан осонгина олиб чиқиб кетиши жуда табиий акс эттирилган.

Ҳар бир халқнинг ташқи олами ўзига хос ҳис қилиши, нарса ва ҳодисаларга эстетик муносабати унинг тилига, фольклорига кўчади.² Насриддин афанди латифалари худди шу жиҳатларни комик – кулгили қилиб акс эттира туриб, халқ дилининг ўзига хос кўзгусига айланган.

Латифаларнинг инглиз тилига қилинган таржималари хусусида Б.Шамсиевнинг «Вопросы узбекского фольклора в зарубежном литературоведении» мавзудаги номзодлик диссертациясида ҳам муносабат билдириб ўтилган. Мазкур тадқиқотда ўзбек халқ латифаларининг инглиззабон мамлакатлардаги таржималари ва уларнинг ўрганилиши тасвирий-амалий нуқтаи назардан таҳлил қилиб чиқилган. Б.Шамсиева илмий изланишларида, асосан, ўнга яқин латифаларни ўрганади. Жумладан,

² Умаров А. Юксак санъат йўлида. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. – Б. 67

у «Е, тўним», «Шўрвасининг шўрваси», «Қозон ҳам ўладими?», «Чопон» латифалари таржимаси устида тўхталар экан, фақатгина таржима таҳлилини беради ва йўл қўйилган айрим камчиликлар хусусида тўхталиб ўтади. Бирок Афанди латифаларининг рус тилидаги вариантыдан фойдаланган муаллиф сарлавҳалардаги камчиликларни изоҳламай, аксинча, таржима таҳлилини беради. Б.Шамсиева ишнинг бошидаёқ тадқиқот режасига ўзбек адабиёти ва фольклорини эстетик баҳолаш кирмаслигини таъкидлайди.¹

Афанди ёрқин миллий характерга эга бўлмаганда бу қадар халқ орасида машҳур ва суюкли бўлмас эди. Ҳар хил ҳажвий, кулгили жиҳатлар эгаси саналган қаҳрамон – халқ тасаввури ҳосиласи.

Латифаларда мавжуд муаммолардан бири қаҳрамоннинг икки қиёфада тасвирланишидир. Унинг характеридаги асосий чизгилар ҳаммага таниш. Булар – адолатсизликка нафрат, ақллилик ва қувноқлик, адолатпешалик, камбағалларни ҳимоя қилишдан иборат чизгилар. Бироқ шу билан бир қаторда Афандини ахлоқ, гўл, мижғов, кўрқоқ, ҳасадгўй қилиб кўрсатувчи латифалар ҳам мавжуд. Бир сиймода бу хилдаги икки характер йўналиши, юқорида қайд этилганидек, халқ турмуш муаммоларидан, ҳукмрон табақаларнинг тазйиқи ва таъқибининг қурбони бўлишдан қандай қилиб қутулиш йўлидаги изланишлари натижасида келиб чиққан.²

Латифаларнинг чет элда ўрганилиши жанрнинг миллий хусусиятларини идрок этишда қайси бир даражада замин яратди. “The Exploits of Incomparable Mulla Nasriddin” тўплами бу борада амалга оширилган илк таржима тўплами сифатида эътиборга молик.

Тўпланда ўзбек варианты билан мос тушадиган биринчи латифа «Нариги эшиқдан» деб аталади. Унда Афанди хотинига уйига бемаҳалда меҳмон келганини айтади. Хотини эса уйда ҳеч нарса йўқлигини, шу сабабли, меҳмон кута олмаслигини билдиради. Шунда Афанди хотинидан кўчада

¹ Шамсиева Б. Вопросы узбекского фольклора в зарубежном литературоведении. Дисс.кан. фил.наук. – Ташкент, 1994.

² Привалов Б. Анекдоты Омирбека и некоторые вопросы сатирико-юмористического фольклора. (Вместо послесловия – в кн. Анекдоты Омирбека. – Нукус, Каракалпакистан, 1970. – С.258-259.

турган меҳмон олдига чиқиб, унга Афандининг йўқлигини айтишни сўрайди. Хотиндан бу гапни эшитган меҳмон афандини ҳозиргина кўрганини ва у уйига кириб кетганини таъкидлай бошлайди. Сабри чидамаган Афанди эса эшик ортидан туриб:

– Гапни чўзиб нима қиласиз? Ахир Афандининг эшиги битта деб сизга ким айтган? Балки у нариги эшикдан чиқиб кетгандир? – дея ўдагайлайди.

Латифада, бир тарафдан, Афандининг соддалигидан кулги келиб чиқса, иккинчи тарафдан, унинг ўзича муғомбирлик қилиши юмористик ҳолатни юзага келтирган. Таржимада иккала ҳолат ҳам тўлиқ акс этган, бироқ ўқувчини латифа сарлавҳаси ўйлантириб қўяди. “The Alternative” сарлавҳасидан бирор маъно уқиб олиш қийин, чунки «важ» маъносини берадиган бу сўз латифа мазмунига мос тушмаган. Ҳолбуки, сарлавҳа – асар коди. Ҳар қандай асарнинг сарлавҳасини таржима қилганда, аввало, ўша асарнинг ўзини синчиклаб ўқиб чиқиш зарур. Чунки асарга қўйилган сарлавҳа, биринчидан, ўқувчи диққатини жалб этадиган, иккинчидан, унинг мазмунига тўлиқ жавоб берадиган бўлиши керак.¹ Латифанинг ғоят кичик ҳажмли кулгили асар эканлиги инобатга олинса, сарлавҳалар таржимаси янада аниқ ва лўнда бўлиши ҳамда ўзида кулгили вазият моҳиятини тўла акс эттира олмоғи лозимлиги равшанлашади.

Берилган таржиманинг бошланиши аслиятдан бироз фарқ қилади. Инглизча вариантда Афанди чойхонада ўзининг меҳмондўстлиги билан мақтаниб қолади ва чойхонадагилар ундан уйига олиб боришини сўрашади. Хотини меҳмонларни қайтариб юборишни сўраганда эса: “*Менинг меҳмондўстлигимга путур етади*”, – дейди.

“I can't do that, my reputation for hospitality is at stake.”

“Very well, you go upstairs and I'll tell them you are out.”²

Аслиятда Афанди хотинига юқорида келтирилган фикрни айтишни таклиф қилади ва хотини ҳам унинг айтганини бажаради. Таржимада эса бу

¹ Таржима санъати. Мақолалар тўплами. – Тошкент – 1961. – Б. 29.

² Shah I. The Exploits of Incomparable Mulla Nasrutdin. – London, 1974. – P. 13

холат баёни тескари бўлиб қолган. Афандининг хотини эрининг измига бўйсуниб ёлғон гапирган.

«Мушук қани?» латифасида Афанди бозордан уч қадоқ гўшт олиб келибди ва хотинига чучвара қилишни буюрибди. Хотини гўштни қовуриб ебди-да, кечкурун эрининг олдига ёвғон угра келтириб қўйибди. Чучварани сўраган Афандига эса гўштни мушук еганини айтибди. Афанди мушукни ушлаб, тарозига тортса, уч қадоқ чиқибди. Шунда Афанди хотинидан:

– *Агар бу мушук бўлса, гўшт қани, агар бу гўшт бўлса, мушук қани? – деб сўрабди.*

Бу латифа инглиз тилига ҳам Мерилин Петерсен, ҳам Идрис Шоҳ томонидан ўгирилган.

Идрис Шоҳ таржимаси:

Nasrudin gave his wife some meat to cook for guests. When the meal arrived there was no meat. She had eaten it.

“The cat ate it, all the three pounds of it,” she said.

Nasrudin put the cat on the scales. It weighed three pounds.

“If this is the cat,” said Nasrudin, “where is the meat? If, on the other hand, this is the meat – where is the cat? ”

Идрис Шоҳ тўпламидаги таржима аслиятга билан мослашмагани шундаки, унда Афанди меҳмон учун овқат қилишни сўрайди. Латифада меҳмон учун эмас, оддий кундалик талабга кўра овқат пишириш айтилган. Бу таржимада мутаржим ижоди устун бўлиб қолган. Бу борада адабиётшунос В.Л.Россельснинг мулоҳазалари ғоятда эътиборлидир: «*Бадий асарни ўз тилида қайта яратиши учун зарур бўлган ижодий эркинлик туйғуси таржимонда асл нусханинг ич-ичига тўлиқ, чуқур кириб бориши жараёнида тугилади*». ³ Эркинликка йўл қўйган таржимон эса миллийликни унутган кўринади. Ўзбек халқининг меҳмондўстлигини бутун жаҳон билади, десак

³ Россельс В.Л. Олтмишинчи йилларда совет таржима мактаби. // «Таржима санъати» мақолалар тўплами. – Тошкент, 1976. – Б.14.

муболага бўлмайди. Лекин таржимада Афанди хотинининг меҳмон олдига ёвгон овқат қўйиб, гўштни ўзи қовуриб ейиши ҳақиқатдан йироқ ҳолатдир.

Мерилин Петерсен таржимаси:

Once Afandi bought three kilos of meat at the market and brought it to his wife. “Make Chuchvara for me in the evening ,” he said.

But instead his wife fried a meat and ate it herself. That evening she gave porridge to her husband.

“Where is the Chuchvara?” Afandi asked, disappointed.

“Oh, I was making it, but while I was rolling the dough, the cat came and ate the meat,” she explained.

Afandi stood up, and picked up the cat sleeping nearby. As he judged its weight to be about three kilos, he turned to his wife and said, “So, how can it be? If this is three kilos of meat, where is the cat?”¹

Ушбу таржима аслиятга жуда яқин, ҳатто маъно-мазмун жиҳатдан мос келган, бироқ ундаги «ёвгон» сўзи инглиз тилидаги “porridge” сўзи билан берилиши ўзбекона турмуш тарзига мос эмас. “Porridge” инглизларда бўтқа, енгил овқат маъноларини билдиради. Ўзбеклардаги ёвгон овқат эса, одатда, гўштсиз бўлиб, унга бошқа ҳамма масалликлар меъёрича солиниб пиширилади.

Латифаларнинг тузилиши содда бўлади. Уларда нутқнинг диалогик шакли кенг қўлланади. Сюжет ечими фавқулудда юз беради. Латифаларнинг асосий жанрий хусусиятлари бўлган бу белгилар таржима жараёнида ҳам сақланиши кузатилмоқда. Кўринаптики, латифаларда матн, диалог, турли қочирим сўзларни таржима қилишда жуда эҳтиёт бўлиш керак. Чунки улардаги ҳар битта гапда ҳам бирор ишора, мажозий маъно, киноя-пичинг, кесатиқ кабилар бўлиши мумкин. Шунинг учун мутаржимлар Афандининг сўзамоллиги, ўткир зеҳни, теран ақли, донишмандлигини кўрсатишга алоҳида эътибор берадилар. Бу жиҳатдан Афандининг уйига ўғри тушиши ва у ўғридан уялиб сандиқнинг ичига бекиниб олиши ҳақидаги латифа

¹ Petersen Marilyn. Treasury of Uzbek Legends and Lore. – Toshkent: Qatortol-Kamolot, 2000. – P.87

таржимаси диққатни тортади. Унда Афанди кўрқоқлигини ошқор қилмаслик учун ўзини хижолатда қилиб кўрсатиши унинг юқоридаги хатти-ҳаракатини оқлайди. Бу билан қаҳрамоннинг ҳар қандай вазиятдан чиқиб кета олиши қобилияти ҳам очиб берилган.

Афанди тегирмонга тушса бутун чиқадиغان қаҳрамон сифатида тасвирланади. У ҳеч қачон ҳеч кимга ўзини хўрлатиб қўймайди ва шу жиҳати билан ўқувчида ўзига нисбатан ҳурмат қозонтира олади.

Қаҳрамонлар орасидаги нутқ сўзма-сўз инглиз тилига таржима қилинган бўлса-да, инглиз китобхонига бу ҳеч нарсани билдирмайди. Масалан, юзни бегона кишиларга кўрсатмаслик одати, асосан, Шарқ халқларига хос бир анъана бўлиб, инглиз ўқувчисининг тасавури, дунёқарашидан йироқдир.

2000 йил чоп этилган “Treasury of Uzbek Legends and Lore” тўпламида ҳам Насриддин Афанди латифалари таржималари мавжуд. Бўлим сарлавҳаси “Tales of Nasriddin Afandi” деб аталиб, таржимон бунда фольклорнинг икки жанри – эртақ ва латифанинг ўқувчи тушунчасида аралашиб кетишига сабабчи бўлган.

Тўпламдаги «Қозон ҳам ўладими» латифаси инглиз тилига “Afandi and Borrowed Pot” – «Афанди ва қарзга олинган қозон» сарлавҳаси остида ўгирилган. Латифа мазмунига кўра, Афанди қўшниси мингбошидан қозон сўрайди. Қозонини бераётиб, мингбоши унинг ҳомиладор эканлигини таъкидлайди. Қозонни қайтараётиб, Афанди унга кичкина қозончасини ҳам қўшиб беради ва уйда қозоннинг кўзи ёриганини айтади. Мингбоши индамай қозонни олиб қўяди. Афанди сал фурсатдан кейин яна қозон сўраб чиқади. Уни уйига олиб боради, бироқ қайтариш ўрнига мингбошига қозон ўлди, дейди. Мингбошининг: «Қозон ҳам ўладими?» – деган саволига жавобан «*Қозоннинг туғишига ишониб боласини олиб қоласану, ўлишига ишонмайсанми?*» – деб айтади. Таржимада эса ундаги шу мазмун тўлиқ ифодаланмаган.

One day Afandi borrowed a pot from his neighbour. When he returned it, along with it, he returned a much smaller pot. The surprised, but delighted neighbour asked, “Why did you bring me this little pot too?”

“Well,” replied Afandi, “While it was with me, your big pot gave birth to the little pot.”

Of course this made the neighbour very happy, because now he had two pots where before he had only one. A week passed and Afandi wanted to borrow the pots again, but the neighbour, smiling, warned him to be careful lest the pot give birth again. Afandi carefully took the pots with him. After three months, when Afandi hadn't returned them the neighbour went to him and asked that they be returned.

“I'm sorry,” said Afandi, “but your pots have died!”

“What!” cried the neighbour, “How absurd! Pots cannot die! They are not alive!”

“If a pot can give birth,” rejoined Afandi, “why can it not die?”¹

Латифада адолатсиз, хасис бойларнинг камбағалларни ахлоқ қилиб бўлса-да, улардан бирор нима ундиришга ҳаракат қилишидан иборат бўлган бир ҳолат ифодаланган. Бироқ худди шу ижтимоий мотив таржимон назаридан четда қолиб кетган. Таржимада воқеликнинг Афанди мингбошига қозонни шунчаки иккита қилиб бергандек жўнгина маънода баён этилиши аслиятдаги қулги ўтининг сўнишига олиб келган. Бу эса таржимоннинг ўзбек тилига хос қочиришдорлик имкониятларидан тўла фойдалана билмаганлиги натижасида юзага келган.

Аслиятга бундай муносабат Мерилин Петерсен таржималарининг ҳаммасига хос, деб бўлмайди, албатта. «Е, тўним», «Хижолат бўлиб», «Салла ва савод», «Барибир келади» каби қатор латифалар таржимасида унинг маҳоратига қойил қолмай илож йўқ. Айниқса, Афандининг адолатпеша қози сифатида тасвирланиши ва оқилона ҳукм чиқариши баъзи ҳолларда қулги чиқарса, баъзи ҳолларда меҳнаткаш халқнинг идеал қозига эга бўлиш

¹ Ўша асар. – Б.74

истагини ифодалайди. «Хеч нима» латифасида халқнинг ана шу интилишини кўра олган таржимон уни муваффақиятли таржима қилиб, мазмуннинг тўла-тўқис ифодаланишига эришган. Энг муҳими, унда аслият меъёри ва услубий мувофиқлик сақланган.

“Khodja Nasriddin” тўпламида саксон бешта латифа таржимаси мавжуд. Унда аслият намуналари берилмаган. Шунингдек, таржима вариантыда сарлавҳалар келтирилмаган. Асар сарлавҳаси баъзида қисман, баъзида тўлиқ ҳолда латифа маъносини ифодалашини ҳисобга оладиган бўлсак, латифалардаги кулгили ҳолатлар баъзида сарлавҳаларда ҳам ифодаланади. Шу сабабли олти тилдаги бу таржималарда сарлавҳалар берилганида таржима анчагина бойиган бўларди.

Мутаржим миллат тарихи, маданияти ва миллий урф-одатларидан келиб чиққан ҳолда таржимани аслият мазмунида яратган. «Чуқурларда тўпланади» латифасида Афанди бой ва камбағаллар орасидаги фарқни тушунтириш асосида камбағалларни тоққа ва бойларни чуқурга ўхшатади. Тоғдан тушган сувни эса пулга ўхшатиб, у бойлар кўлида тўпланиб қолишини айтади. Латифада икки кулгили жиҳат кўзда тутилган: бири, камбағалларни бойлардан юқори қўйиш, иккинчиси эса, бойларнинг хасислигидан кулишдир. Таржимада ана шу маъно тўлиқ ифодалаб берилган.

«Хачирдан сўра» латифаси таржимаси аслиятдан бироз узоқлашиб қолган. Кунларнинг бирида Афанди қўшнисидан хачирини олиб қишлоққа жўнабди. Бироқ ҳарчанд уринмасин, хачир у айтган йўлдан юрмабди. Уни бошқаролмаган Афанди, ахийри, хачир бошини қўйиб берибди. Ўзи хоҳлаган тарафга кетаётган жонивор устида ўтирган Афандидан қаёққа кетаётганлигини сўрашганида: *“Мен қаёқдан биламан, хачирдан сўра”*, – деб жавоб берибди.

Таржима намунаси аслиятдан бироз фарқ қилиши билан бир қаторда, унга баъзи бир ўзгартиришлар киритилган.

“Khodja even brought a piece of bread to his face and ran away so that the donkey should follow him. The donkey looked sideways either at the lash or at the

piece of bread but never moved. Then Nasriddin climbed on the saddle and gave the horse its head. The donkey started walking right away."¹

Кўринаётирки, мутаржим аслиятда бўлмаган мотивларни унга киритган: Афандининг эшак тумшуғига нон олиб бориши ва шундан кейин югуриб кетиши аслиятда йўқ ҳолат. Хачирнинг қайсар феъл-атворини яхши билган Насриддин ниҳоят уни ўз ҳолига қўйиб беради. Таржимада эса эшак ҳақида бошланган латифа отнинг бошини қўйиб бериш ва охири эшакнинг юриб кетиши билан тугайди. Таржимоннинг эътиборсизлиги сабаб ўқувчи Афанди икки ҳайвонга минган, деган хулосага келиши мумкин. Боз устига, хачир от ҳам, эшак ҳам эмас. У иккала жониворнинг қўшилмасидан ҳосил бўлган, ўта чидамли ва бақувват бир ҳайвон. Бу ҳам таржимада ўз аксини топмаган.

Кулги ҳосил қилишнинг лисоний воситалари ҳар бир миллий тилнинг хусусиятлари ва ички имкониятларига бевосита боғлиқ. Шунингдек, мазкур халқнинг кулги маданияти, унинг оғзаки ёки ёзма ифода формалари лисоний кулги воситаларининг туғилиш, қўлланиш ва сайқал топиш майдонидир.¹ Дон Кихотни отсиз, Санчо Пансони эшаксиз тасаввур қилиб бўлмаганидек Насриддин Афандини ҳам эшаксиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Бинобарин, Афандининг эшакда юриши ўзига хос, ҳатто айтиш мумкинки, миллий хусусиятидир. Айнан шу ҳайвон образи Насриддин Афанди тимсолини тўлдириб туради, унинг от билан алмаштирилиши таржимоннинг энг катта хатоси ҳисобланади.

Афандининг соддалиги латифалар мотивининг асосий нуқтаси ҳисобланади.

Уйига қўй гўшти олиб келган Афандидан хотини нима овқат қилишни сўрабди. Афанди гўшт қанақа овқатга яраса, ўшани қилишни айтибди. Хотини эса: *«Қўй гўшти яхши нарса, ундан ҳамма нарсани пишириш*

¹ Khodja Nasriddin. – Санъат, 2007. – P.28.

¹ Умаров А. Юксак санъат йўлида. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. – Б.68.

мумкин», дебди. Шунда Афанди: «*Ундай бўлса ҳамма нарсани пишира бер!*» дебди.

Having brought few products from the bazaar Nasreddin told his wife guiltily:

– I don't know really whether you'll be able to cook anything from all of this.

– Everything in the world, Khodja! Everything in the world!

– That's the reason why I love you my darling. It is only you who can cook for me "everything in the world from nothing".²

Таржима ва аслиятнинг шакл ва мазмунида биров фарқ бор. Аслиятда Афандининг гапидан келиб чиқадиган маъно – “ҳамма нарса”ни овқат номи деб тушуниши инглизча вариантда ўз ифодасини топмаган. Унда, аксинча, Афанди ва унинг хотини ўртасидаги илиқ муносабат шунчаки тасвирланган, холос: Афанди бозордан баъзи маҳсулотларни олиб келибди ва хотинига: «*Бундан нима пиширишинг мумкинлигини билмайман*», –дебди. Хотини эса: «*Ҳамма нарса, Хўжа, ҳамма нарса*», – дебди. Афанди эса: «*Шунинг учун ҳам сени яхши кўраман, фақат сен мен учун ҳеч нарсадан ҳамма нарсани пиширишинг мумкин*», –дебди. Аслиятда Афандининг соддалигидан кулинса, таржимада ҳеч қандай кулгили ҳолат ифодаланмаган.

Таржималар орасида «Сузишни билардинг, шекилли?» сарлавҳали латифа ҳам бор. Бу латифа Идрис Шоҳ тўпламида ҳам, “Khodja Nasriddin” тўпламида ҳам мавжуд. Аслиятда катта хотини кичик хотинини ундан ортиқ кўришидан қизганиб, Афандидан кўнгли кимга мойил эканлигини билмоқчи бўлиб: «*Агар дарёда қайиқда кетаётганларида қайиқ зарқ бўлса, биринчи кимни қутқарардингиз?*» – деб сўрайди. Афанди эса унга «*Сен сузишни билардинг, шекилли?*» – деб жавоб қайтаради.

“The Principles of Lifesaving” – «Ҳаётни сақлаб қолиш тамойиллари» номи билан Идрис Шоҳ таржимасидаги латифада Насриддин уйланмоқчи эканлиги ва у икки аёлдан бирини танлаши кераклиги тасвирланган. Икки аёл Насриддинни сиқувга олиб, қай бирини севишини сўрайди.

² Khodja Nasriddin. – Санъат, 2007. – Р. 64.

Nasrudin wasn't sure which of two women he would marry. One day they both cornered him and asked which one he loved the more.¹

Тарихдан маълумки, халқимиз орасида кўп хотинлилик XVIII – XIX асрларгача мавжуд бўлган ва бу ҳол жиноят ҳисобланмаган. Идрис Шох таржимасида ана шу ҳолат билан ҳисоблашилмаган, лекин мутаржим маънони беришга уринган.

“Khodja Nasriddin” тўпламидаги таржима вариантыда латифа аниқ бошланишга эга:

“Khodja Nasreddin's two wives trying to settle the eternal argument who of them their husband loves more dearly, bothered him with the question... ”²

Афандининг одамлардаги иккиюзламачилик ва бойликка ўчлик каби иллатлардан кулишини ифодаловчи «Е, тўним» латифаси инглиз тилига “The Food of the Cloak” деб ўтирилган.

Кунларнинг бирида Насриддин тўйга эски кийим-бошда боради ва бир четда беъътибор қолиб кетади. У аччиғи чиқиб, уйига келиб, янги кийимини кийиб тўйга қайтиб келади. Тўй эгалари Афандини иззат-икром билан тўрга ўтқизадилар ва олдида турли ноз-неъматлардан келтириб қўядилар. Шунда Афанди устидаги тўнига:

– Бу ноз-неъматлардан е, тўним, е! – дебди. Ҳайрон қолган тўй эгалари ундан бунинг сабабини сўраганларида эса:

– Модомики, бутун ҳурмат-эҳтиром янги тўнга экан, таомни ҳам у есин-да! – дебди.

Инглизчада:

... he dressed himself in a magnificent sable cloak and turban and returned to the feast. As soon as the heralds of the Emir, his host, saw this splendid sight they started to beat the drum of welcome and sound the trumpets in a manner consonant with the visitor of a high rank.

¹ Shah I. The Exploits of the Incomparable Mulla Nasrutdin. – New York? 1974. – P.85

² Khodja Nasriddin. – Санъат, 2007. – P. 74.

The Chamberlain came out of the palace himself, and conducted the magnificent Nasrudin to a place almost next to the Emir. A dish of wonderful food was immediately placed before him. Without a pause Nasrudin began to rub handfuls of it into his turban and cloak.

“Your Eminence,” said the prince, “I am curious as to your eating habits, which are new to me.”

“Nothing special,” said Nasrudin; “the cloak got me in here, got me the food. Surely it deserves its portion?”³

Латифанинг аслиятида юқори табақа вакиллари тўйи ҳақида ҳеч қандай гап бормайди. Ундаги сарлавҳа латифадан келиб чиқадиган маънони тўлиқ ифодалайди ва ўқувчи латифада акс этган кинояни сарлавҳадаёқ тушуниб олиши мумкин.

Бу латифа М.Петерсен тўпламида “Eat, Robe, Eat” – «Е, тўним, е» сарлавҳаси остида ўгирилган. Бунда мутаржим Идрис Шоҳ каби баландпарвоз сўз ва иборалар билан эмас, оддий сўзлашув услубида латифа таржимасини амалга ошириб, шу орқали матндаги табиийликни сақлаб қолишга эришган.

Ўзбек латифалари локал ижрочиликда айрим уруғлар, баъзи шаҳар ва қишлоқларда яшовчи қавмнинг феъл-атвори, ҳудудий хусусиятларига муносабатнинг бадиҳавий баҳоси кўринишида бўлади. Бу гуруҳга мансуб латифаларда жой ёки уруғ номи умумлаштирувчи моҳиятга эга бўлгани туфайли латифа қаҳрамони номи ҳам умумлаштирувчи мазмун касб этади. Латифа қаҳрамонида бутун бир шаҳар, қишлоқ аҳли ёки уруғ сиймоси мужассамлашган бўлади.

Ўзбек халқ латифаларининг инглиз тилига қилинган таржималари орасида локал кўринишдаги латифалар таржималари ҳам мавжуд. Бухоролик фольклоршунос олим, филология фанлари доктори, профессор О.Сафаров тўплаган бундай латифалардан 170 га яқини 1994 йил нашрдан чиққан «Ширинқишлоқ латифалари» тўпламида берилган бўлиб, улардан 27 таси

³ Shah I. The Exploits of Incomparable Mulla Nasrutdin. – London, 1974. – P. 40.

Мэрилин Петерсен томонидан инглиз тилига ўтирилган. Булар “Treasury of Uzbek Legends and Lore” тўпламининг “The Anecdote” бобида берилган.¹

Латифалар қахрамони – Ширини. Латифаларларнинг аксариятида Ширини содда ва калтафаҳм характердаги инсон қиёфасида намоён бўлади. Баъзи ҳолларда у ўзининг соддалигини яшириш ниятида муғомбирлик қилиб кулги чиқарса, бошқа ҳолларда муғомбирлик қиламан, деб соддашлигидан ўзи кулги остида қолади.

В.Г.Белинский айтади: «*Бадиий асарларни таржима қилишининг битта қондаси бор: таржима қилинаётган асарнинг руҳини беришидир. Бунинг учун агар муаллиф рус бўлганида у ҳам асарни рус тилида худди шундай ёзган бўлар эди, дейдиган даражада аниқ таржима қилиш керак*».² Сўз бораётган ушбу манбада эса бу талаб ҳали тўплам номини инглиз тилига нотўғри бериш биланоқ бузила бошланган: «Ширинқишлоқ латифалари» инглиз тилига “Tales from the Shirini Villages” тарзида таржима қилинган. “Tale” сўзи ўзбек тилига «эртақ» деб ўгирилади. Эртақ мазмунан бир неча эпизодли ҳикоя бўлиб, латифадан анча фарқ қилади. Латифалар қисқа ва лўнда кўринишга эга жанр бўлиб, ҳаётдаги кулгили воқеаларга асосланади. Ўзбек тилидаги “латифа” сўзи эса инглиз тилидаги “anecdote” сўзига мос тушади. Шунинг учун бу сўзни инглиз тилига айнан шу сўз билан бериш маъқул бўлса-да, аслида улар орасида маълум фарқлар ҳам бор. Инглиззабон давлатлар анекдотлари, одатда, ўзбекларнинг латифаларига қараганда шаклан жуда ихчам. Фақат улар лексиконида таг маъноли, қочиримли сўзлар камлиги боис сўз ўйини ҳосил қилиш ҳолати камроқ кузатилади. Шунингдек, улардаги кулги оддий кундалик ҳолатлардан, ҳар кунги юмушлардан келиб чиқади. Аччиқ тажрибалар асосида келиб чиқадиган кулги уларнинг анекдотларида камдан-кам ҳолларда акс этади.

Бироқ мазкур сарлавҳа таржимасидаги эътиборни тортган яна бир тушунмовчилик – “*Shirini villages*” сўзи бўлиб, у «*Ширини қишлоқлари*»

¹ Petersen Marilyn. Treasury of Uzbek Legends and Lore. – Toshkent: Qatortol-Kamolot, 2000.

² Русские писатели о языке. – Ленинград, 1955. – С.192

деган маънони беради. Тўплам номидаги Ширинқишлоқ эса географик ҳудуд, жой номини англатади. Қолаверса, географик жой номлари таржима қилинмайди, лекин жоиз топилса, уларга изоҳ бериб ўтилади. Шундай экан, тўплам номини *“Anecdotes from Shiringishloq”* тарзида инглизчага ўгириш мақсадга мувофиқроқ бўларди.

Инглизча таржимада ҳар бир латифага сарлавҳа берилган. Лекин бу сарлавҳалар кўп ҳолларда таржима қилинган матн мазмун-моҳиятига мос тушмаган.

Худди шу ҳолат кўзойнак ҳақидаги латифада ўз аксини топган. Ширини кўзойнак сотиб олибди. Хотини унинг нимага кераклигини сўраса, Ширини кичик нарсаларни катта қилиб кўрсатишини айтибди. Бир куни Ширини тарвуз олиб келибди. Унинг кичкиналигини кўрган хотини: *“Бу тарвузми, ҳандалакми?”* – деб сўрабди. Шунда Ширини: *“Кўзойнакни тақиб қара, қанақа катта бўлади”*, – дебди.

Бу латифага *“Magnified Melon”* – «Катталаштирилган қовун» деган сарлавҳа берилган. Аслиятда «тарвуз» ҳақида сўз кетади, таржимада эса у «қовун» деб берилган.

Бу фикрлар тўпламдаги ҳамма латифаларнинг сарлавҳалари таржимада матн мазмунига мос тушмаган, деган хулосани бермайди, албатта. Зеро, баъзи бир латифалар таржимасида уларнинг сарлавҳаси латифа мазмун-моҳиятига мос келиб, асл код вазифасини бажара олган. Инчунун, *“The Laughing Donkey”* – «Кулаётган эшак», *“The Lost Needle”* – «Йўқотилган игна», *“A Shirini’s New Shoes”* – «Ширинининг янги туфлиси» каби латифалар таржимасида матн ва сарлавҳа мутаносиблиги таъминланган. Худди шу ўринда бир мисол. *“Romance”* – «Романтика» сарлавҳаси билан берилган латифада Ширини севган қизи билан сайрга чиқибди. Қиз:

- Қаранг-а, қандай чиройли, ҳамма жой кўм-кўк ўт, – деса, йигит:
- Шунини айтинг-а, билганимда бузоқчамни олиб чиқардим, – деган экан.

Петерсен латифа таржимасини қуйидагича берган:

Once a Shirini went for a walk with his girlfriend. Feeling the romance of the moment, she said: “Look, how beautiful it is today, everywhere the grass is green!”

“Ha,” said the Shirini, “if I had known this, I would have brought my goat.”¹

Гарчи таржимада ҳайвон номлари чалкаштирилган бўлса ҳам, латифа маъноси таржима матнида тўлиқ аксини топган. Ундаги кулгили жараён, Ширинининг тўпорилиги мутаржим томонидан тўлиқ тасвирлаб берилган. Сарлавҳа ҳам асар матн ва мазмунига мос тушиб, кулгини акс эттира олган.

Хуллас, нафақат ўзбек халқ эртаклари, балки латифалар ҳам инглиз тилига салмоқли ҳажмда таржима қилинган. Ҳаттоки локал кўринишдаги латифалар таржимаси ҳам мавжуд. Латифалар ҳам эртаклар сингари инглиз тилига бевосита ва билвосита таржима қилинган. Мутаржимлар нафақат ўзбек таржимонлари, балки хориж изланувчилари ҳам бўлиб, ишда уларнинг таржималари таҳлили келтирилди.

Ш.2. Латифалар таржимасида миллий тимсол ва бадиий тасвир воситаларини қайта яратиш

Миллийликка эътибор кулги чиқарувчи ҳолатларда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Зеро, турли миллат ва синфларга тааллуқли кишилар табассумида ўзига хос, ўта оригинал нарсани топиш мумкин эмас.¹ Миллат кулгисини намойиш этишда латифаларнинг ўрни ўзгача. Бу жанр намуналари ўқувчини кулдириш баробарида, қисман бўлса-да, ақлни чархлаш учун ҳам кенг имкониятларга эга.

Латифаларда миллий менталитетга хос хусусиятлар, гарчи детал шаклида бўлса-да, ҳар қалай ярқ этиб кўриниб туради. Чунончи, «Осон чора» латифасида Насриддин эшагига тескари миниб, муллаваччалар билан йўлга

¹ Petersen Marilyn. Treasury of Uzbek Legends and Lore. – Toshkent: Qatortol-Kamolot, 2000. – P.105

¹ Саломов Ф. Таржима назарияси асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983. – Б.114.

чиқади. Муллаваччалар хайрон бўлиб, ундан бундай ўтиришнинг сабабини сўрашади. Шунда Афанди:

– *Эшакка тўғри минсам орқам сизларга бўлиб, одобсизлик қилган бўламан, сизлар менинг олдимга тушиб олсаларинг, сизларнинг орқаларингиз менга бўлиб, одобсизлик қилган бўласизлар.*

Насриддиннинг сўzlари таржимада айнан келтирилган ва миллатга хос ҳурмат туйғусини ифодалаб келган. Ўзбек халқида ёши улуғ одамга ҳам, ёшга ҳам бир хил иззат кўрсатилади.

– *If you walk in front this would show disrespect to me, because you would be your backs to me. If I ride ahead with my back toward you, this show disrespect for you. This is the only way of doing it.*

Латифа, бир жиҳатдан, Афандининг қанчалик ҳурматталаб эканлигини кулги остига олса, иккинчи тарафдан, миллий одоб доирасидаги ҳурматнинг қай даражада юқори туришини кўрсатади.

«Ғавғонинг боши» латифасида Афанди ярим тунда деразаси ёнида бўлаётган ғавғонинг сабабини билиш учун елкасига чопонини ташлаб кўчага чиқади. Чиқиши ҳамоноқ елкасидаги чопонни ўғирлаб кетадилар. Шу вақтда шовқин ҳам тинчийди. Уйга киргач, ғавғонинг боисини сўраган хотинига Афанди: «*Ҳамма завго менинг чопоним устида экан, чопонни олишди-ю завго босилди*», – дейди.

Инглизча таржимада “чопон” сўзи ўрнига “*blanket*” яъни “одеял” сўзидан фойдаланилган ва бу миллий руҳнинг бир қадар бузилишига олиб келган. Ўзбекларда чопон алоҳида ўринга эга. Миллий кийимлар сирасига кирувчи чопон ҳеч қачон одеял кўринишига эга бўлмаган ва уни бу сўз билан ифодалаш таржима маъносига жиддий путур етказди. Ўзбек чопондек қулай кийим турганда кўчага ҳеч қачон одеялга ўраниб чиқмайди ва уни бу сўз билан ифодалаш таржима маъносига жиддий путур етказган. Бу ўзбекона миллийлик белгиси, десак адашмаймиз. Шу сабаб ҳам «чопон» сўзининг ўзини ишлатиб, кейин уни изоҳлаш орқали таржимада ҳам латифадаги ҳам кулгини, ҳам миллий оҳорини сақлаб қолишга эришиш мумкин эди.

Яна бир латифа “The Burglars”, яъни «Ўғрилар» сарлавҳаси остида ўтирилган. Аслиятда «*Сендан хижолат бўлиб*» дея номланган бу латифа – Афандининг уйига тушган ўғрилар ҳақида. Афанди уйига бегона одам, яъни ўғри кирганини кўриб Афанди сандиқ ичига бекиниб олади. Ўғри уйдан ҳеч нарса тополмай сандикни очади ва унда Афандини кўриб:

– Сандиқда нима қилиб ётибсиз? – деб сўрайди. Афанди эса:

– Уйда сенбоп ҳеч нарса йўқ, хижолат бўлганимдан бекиниб олдим, – дейди.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, бу латифа инглизчага икки марта таржима қилинган. Дастлабки таржима Идрис Шох қаламига мансуб:

Hearing someone moving about his house, the Mulla became frightened and hid in a cupboard. In the course of their research the burglars opened the door and saw him cowering there.

“What are you hiding from us?”

“I’m hiding from shame that there is nothing in this house worthy of your attentions.”¹

М.Петерсен уни тубандагича ўтирган:

One night a burglar entered Afandi’s house. When Afandi saw him sneak in, he quickly hid in his trunk. The burglar looked throughout the house and in every corner, but couldn’t find anything. Suddenly he noticed the trunk, and, opening it he found Afandi.

“Hey!” he exclaimed. “What are you doing in this trunk?”

“I am hiding,” answered Afandi.

“From whom?” asked the burglar.

“From shame. It’s a shame for me that you couldn’t find anything in my house.”²

Аслиятда Афанди сандиқ ичида яширинган бўлса, Идрис Шох таржимасида эса ошхона шкафи ичига бекиниб олади. Миллат тарихида

¹ Shah I. The Exploits of Incomparable Mulla Nasrutdin. – London, 1974. – P. 34

² Petersen Marilyn. Treasury of Uzbek Legends and Lore.- Toshkent: Qatortol-Kamolot, 2000. – P.77

сандиқ буюмларни сақлайдиган, асрайдиган жиҳоз сифатида уйга қўйилади ва ҳар қандай қимматбаҳо матоҳ ҳам унда сақланади. Аслиятда ўғрининг умид билан сандиқ очишида ана шу жиҳат назарда тутилган. Чунки ўғри сандиқ ҳеч қачон қуруқ бўлмаслигига ишонади. Идрис Шоҳ таржимасидаги шкаф эса латифа маъносига мос тушмаган, чунки у ўзбек турмушига хос эмас. Натижада миллийлик бузилган. Ҳолбуки, бу сўзни М.Петерсен каби инглизча муқобили билан ҳам ифодалаш мумкин эди, чунки «сандиқ» сўзининг таржимаси инглиз тилига «*chest, trunk*» тарзида ўгирилаётганига бошқа бир қанча асарларда гувоҳ бўламиз.

«Жонон» латифасида Насриддин уйланади ва хотини ундан кимга кўриниб, кимдан қочиш кераклигини сўрайди. Унинг жуда хунуклигини кўрган Насриддин: «*Мендан бошқа ҳаммага кўринаверинг*», – дейди.

Таржимада латифа сарлавҳаси “The Veil” деб ўгирилган. “Veil” сўзи инглизчадан «*ниқоб, вуаль*» деб таржима қилинади. Бу эса ўзбекларда келиннинг маълум муддат бегона одамлардан юзини рўмол билан бекитиб юриш ҳолатига мос келмайди. Рўмол миллий либос сифатида аёллар бош кийимлари силсиласига киради ва улар учун номаҳрамлардан бош ва юз қисмини бекитиш вазифасини бажаради. “*A Food For the Cloak*” ифодаси эса ўзбек тилида «*плаш (ридо) учун овқат*» деган маънони бериб, ўқувчида қизиқиш уйғотса-да, ўзбек миллатига хос хусусиятни акс эттирмайди. Зеро, туркий халқларнинг ҳеч бири плашч ёки мантия – ридо киймаган. Бунда мутаржим инглизларга хос реалийни келтириб, аслиятдаги детални аниқ ифода эта олмаган, натижада миллий руҳ сезилмай қолган.

Муайян халқ турмуш тарзини ифода этадиган сўзларгина бундай тушунчаларга эга бўлмаган халқлар тилларига таржимасиз – аслиятдаги шаклида ўтказилади, шу тариқа таржимада матннинг миллий бўёғи аниқ ва муқобил шаклига эга бўлади.

Таржимада шундай тил воситаларидан фойдаланиш керакки, матнни ўқувчи тушуна олсин, у ҳақда тасаввурга эга бўлсин ва айни пайтда асар яратилган давр унинг кўз ўнгида гавдаланиб турсин. Тўн – туркий халқларда

эркакларнинг миллий ва шу билан бирга фахрий либоси бўлиб, ҳар қандай маърака, байрам унингсиз ўтмайди. Шундай экан, Афандининг тўйга ёмғирпўш ёки ридо кийиб, бошига салла ўраб бориши ҳеч қандай мантикқа тўғри келмайди. Бундай талқин ўқувчини боши берк кўчага киритиб қўяди. В.Г.Белинский: «*Ҳар бир халқнинг миллий сирининг унинг кийимида эмас, шу кийимни тушунишида бўлади*», – деб бежиз айтмаган.¹

Мерилин Петерсен таржималарида ҳам миллий жиҳатлар назардан четда қолиб кетган ўринлар анчагина учрайди. Чунончи, «Хуржун» латифасидаги сарлавҳанинг инглиз тилига берилишида бу ҳолатни кузатиш мумкин. Бу миллий сўзни мутаржим ўзига қулай сўз билан ўзгартирган. Инглизча “*the pouch*” сўзи ўзбек тилига «*сумка, чўнтак, қоп*» маъносини англатади. Бинобарин, «*хуржун*» сўзи маъноси юқоридаги ҳеч бир изоҳга тўғри келмайди. Шунинг учун миллийлик моҳиятига эга бу сўзни эртаклар таржимасидаги каби транслитерацион усулда изоҳ билан бериш мақсадга мувофиқ эди. Шу йўл билан бу миллий буюм ҳақидаги тушунчани тасаввурда тиклаш имкони яратилади.

«Бизникига ўлик келаётибди» латифасининг таржимасида эса ижодкор маҳорати яққол кўринади:

Афанди болалигида кўчада ўйнаб юрар эди. Бирдан бир тўда одамлар тобут кўтариб ўтиб қолди. Тобутнинг ёнида кетаётган икки киши навбатма-навбат «жигарим»лар эди.

– Вой жигарим, тагингизга солгани битта бўйра ҳам бўлмади...

Афанди уйига югуриб бориб, дадасига хабар берди:

– Дада-дада, бизникига ўлик келаётибди.

Young Nasriddin was walking along the street with his father when they met a funeral procession. Father stopped and started praying. When the procession passed by he tried to explain to his little son the end of life.

– Where are they carrying the diseased? – asked the child.

¹ Белинский В.Г. Полн. собр. соч. т.7. – М., 1953. – С.. 443.

– *They are carrying him to where there is a little room, no windows, no family hearth and no food. Got it, sunny?*¹

Аслият ифодалаган кулгу таржимада ўз аксини топмаган, таъзияда айтиб йиғлашдан иборат миллий одат кўринишлари тушириб қолдирилган. Ҳолбуки, таржимон бу жараённинг ўтишини тасвирлаб, марҳумга мурожаат тарзида йиғлаб айтилган гапларнинг изоҳини келтирганида эди, хориж ўқувчиси миллат мотам-маросимлари қандай ўтиши ҳақида, оз бўлса-да, тасаввурга эга бўларди. Бола тасавури орқали тасвирланган кулгу ва ижтимоий ҳолат таржимада ифодаланиши, ёш бола бўлган Афандининг нима демокчилиги асосидаги кулги оқибатини англашга йўл очарди.

«Ширинқишлоқ латифалари» тўпламидан олинган латифалар таржимасида ҳам бундай камчиликларни кўриш мумкин. Дангаса Ширинилар ҳақидаги латифада «сой» сўзи “*irrigation canal*” – суғориш канали, деб ўгирилган. «*Суғориш канали*» маъносини берувчи бу бирикма «сой» маъносига мос тушмайди ва инглиз ўқувчиси тасаввурида сунъий равишда барпо этилган бетон канал ифодасини англатади.

М.Петерсен таржима қилган латифалардаги яна бир камчилик – уларда миллийлик руҳининг сақланишига кам эътибор қилинганлигидир. Миллат ижтимоий ҳаётини, маданиятини ифодаловчи реалиялар кўп сонли бўлиб, улар ҳар доим ҳам латифа таржимасида аниқ ифодаланмаган. Чунончи, дангаса Ширинилар ҳақидаги латифада уларнинг чакка-чалоб тайёрлаш жараёни ҳақида гап кетади. Чакка-чалоб – миллий яхна ичимлик ҳисобланади. Таржимон бу сўзни инглиз тилига “*yogurt*” тарзида берган. «*Yogurt*» сўзи аслида туркий “*yog’ qurt*” дан олинган бўлиб, ўзбек тилидаги «қатиқ» сўзига мос тушади. Чалоб – сузмадан тайёрланадиган айронсимон суюқлик. Қатиқ нималигини эса ҳар бир киши билади ва унинг тайёрланиш жараёнидан воқиф.

¹ Khodja Nasriddin. – Санъат, 2007. – Р.40.

Теракка қўнган лайлак ҳақидаги латифада «*носвой*» сўзи инглиз тилига “*tobacco*” – “*сигара, тамаки*” деб берилган. «*Носвой*» сўзи ҳам миллий реалия ҳисобланиб, чекилади. Бинобарин, у инглизларга нотаниш, шунга карамай “*носвой*” сўзини “*сигара*” ёки “*тамаки*” сўзи билан бериш латифа мазмунини бузиб, ўзбек халқига хос ҳаёт тарзи ҳақида тасаввур уйғотмайди. Шундай экан, бу сўзнинг изоҳини бериш орқали унинг таржимасини яратиш мутаржим учун энг тўғри йўл ҳисобланарди.

Хуллас, халқ оғзаки ижодига мансуб ҳар бир асар қай тилга таржима қилинишидан қатъи назар аслиятга хос руҳият, жозибадорлик ва бадиий жиҳатларни ўзида тўла акс эттирмоғи шарт. Акс ҳолда миллат тарихи, маънавияти ва маданиятини намойиш этувчи деталлар, ўзга миллат вакилига таништирилиши лозим бўлган ҳатти-ҳаракатлар мутаржим айби билан кўмилиб кетиши ва таржима қилинаётган асар таржима тили қонунларига бўйсуниб кетиши ҳеч гап эмас. Таржима орқали назарда тутилган икки адабий жараён қиёслаб ўрганилиши учун бундай ҳолатлар муҳим ҳисобланади.

Таржимон – ижодкор шахс. Унинг таржима учун асар танлаши ёзувчининг мавзу танлашидек эркин характерга эга. Ана шу сабабдан ҳам бир асарнинг турли таржималари пайдо бўлиши мумкин. Латифалар таржимаси хусусида ҳам шуни айтиш мумкин. Мутаржимлар таржима тамойиллари асосида ўзбек фольклорининг оммабоп бу жанри намуналарини инглиз, немис, рус, француз, испан, корейс тилларига таржима қилганлар ва ривожланиб бораётган мамлакатимиз шуҳратини маданиятимизнинг яна бир соҳаси – таржималар орқали жаҳон маънавият саҳифаларига муҳрлай олганлар. Ўтган икки аср мобайнида амалга оширилган ўзбек латифалари таржималари буларнинг аниқ исботи бўлиб хизмат қилади. Ана шу таржималарни қиёсий ўрганиб, чиқарилган хулосалар улардаги тафовут ва ўхшашликни кўришга ёрдам берибгина қолмай, устунлик ва камчиликларни кўрсата олишдек имкониятни ҳам берди.

III бобда билдирилган мулоҳазалар юзасидан хулосалар:

1. Ўзбек латифалари XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб инглиз тилига таржима қилина бошланган. Латифалар фольклорнинг оммавий жанрларидан бири бўлгани сабабли чет тилларга кўп таржима қилинган. Ўзбек латифаларининг инглиз тилига таржима қилиниши ва ўрганилиши улардаги миллий хусусиятларни англашда муҳим замин вазифани бажаради.

2. Таржима қилинган латифалар аслиятга жуда яқин. Инглиз тилида ҳам ўзбек тилидаги каби Афанди образининг хусусиятлари очиб берилган. Афандининг сўзамоллиги, соддалиги, лақмалиги, ҳар қандай вазиятдан чиқиб кета олиши каби хусусиятларининг таржимада аниқ ва равон берилиши бунинг исботидир.

3. Латифаларнинг баъзи таржималарида воқеликнинг жўнгина маънода баён этилиши аслиятдаги кулги ўтининг сўнишига олиб келган. Бу эса таржимоннинг ўзбек тилига хос қочиримдорлик имкониятларидан тўла фойдалана олмаганлиги натижасида юзага келган.

4. Ўзбек халқ латифаларининг инглизча таржималари орасида локал ижрочиликдаги айрим уруғлар ё айрим шаҳар ва қишлоқларда яшовчи қавмнинг феъл-атвори, табиати, унинг ҳодисаларига, одамларга, ҳайвонларга, қушларга, ҳашаротларга, меҳнатга соддавор муносабатининг бадиҳавий баҳоси кўринишида яратилган латифалар таржималари ҳам мавжуд.

5. Ўзбек халқ латифалари инглиз тилига салмоқли ҳажмда, бевосита ва билвосита кўринишларда таржима қилинган. Мутаржимлар нафақат ўзбек таржимонлари, балки хориж изланувчилари ҳамдир.

6. Миллат кулгисини намоён этишда латифаларнинг ўрни ўзгача. Бу жанр намуналари ўқувчини кулдириш баробарида, қисман бўлса-да, ақлни чархлаш, учун ҳам кенг имкониятларга эга.

7. Ўзбек халқ латифаларининг инглизча таржималарида баъзан миллий турмушимизга хос предметлар образини нотўғри кўрсатиш натижасида миллийлик руҳи бузилган. Шунинг учун бунда миллийлик моҳиятига эга сўзларни транслитерацион усулда изоҳ билан бериш мақсадга

Novateurpublication.org

мувофикроқлиги кўзга ташланади. Шу йўл билан миллий буюм ҳақидаги тушунчани тасаввурда тиклаш имкони яратилади.

ХУЛОСА

1. Ўзбек халқ насри намуналаридан 60 га яқин эртақ ва 150 та латифа инглиз тилига ўгирилган. Бу таржималар орқали миллий колоритнинг таржималарда берилиш қонуниятларини, таржимон маҳоратига хос индивидуал белгиларни тадқиқ қилиш, шунингдек, ўзбек-инглиз фольклор муносабатларини, иккала халқ маданий-маънавий ҳамкорлиги тарихини ўрганиш мумкин.

2. Ўзбек фольклори туркий фольклорнинг бир қисми сифатида Германия, АҚШ, Австралия, Англия ва океанorti мамлакатларида танилган. Ўзбек халқи миллий маданияти, урф-одатлари, туриш-турмуши, оғзаки бадий ижоди, эътиқодий қарашлари ҳақидаги асарлар хориж адабиётида, айниқса, инглизчабон мамлакатлар адабиётида XIX асрнинг иккинчи ярмидан эътиборан пайдо бўла бошлаган. Ўзбек фольклорининг фақат немис тилигагина эмас, балки инглиз тилига ҳам илк таржималарини амалга оширган венгриялик туркшунос олим, сайёҳ Ҳерман Вамбери. У бошлаган бу хайрли иш XX асрда Анна Луиза Стронг, Корлис Ламонт, Герберт Шульбрайт, Натан Чадвик, Идрис Шоҳ, Ҳасан Паксой, Сесил Баура, Карл Райхл, Мерилин Петерсен, Френк Адамс каби олимлар томонидан давом эттирилди. Хусусан, XXI асрга келиб бу жараён янада тараққий этди. Бу эса, ўзбек фольклорининг хорижда ўрганилиши маълум тадрижий тараққиёт босқичини босиб ўтганлигини кўрсатади.

3. Туркий халқлар, айниқса, ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналари таржималари билан шуғулланган олимлар ишлари маълум хронологияга эга. Бироқ ўзбек фольклорининг дастлабки инглизча таржималари бадий эмас,

аксинча, тасвирий табиатга эга бўлиб, аслият ҳақида умумий тушунча беради, холос. Чунки ўзбек халқ эртак ва латифалари таржималари кўп ҳолларда мутахассис мутаржимлар эмас, кўпроқ тарихчи, саёҳатчи туркийшунослар, фольклоршунос олимлар, Тинчлик Корпуси вакиллари томонидан амалга оширилган.

4. Ўзбек халқ эртак ва латифаларининг инглизча таржималарида кўпинча миллат маданияти ва тарихига мансуб баъзи сўзлар таржимон ва тўпловчилар назаридан четда қолиб кетганлиги, миллийлик табиатини ўзида намоён этувчи баъзи этнографик деталлар тафсилоти етишмаслиги, аслиятдаги айрим миллий лексик ва фразеологик бирликларнинг таржима тилида мос келмайдиган бошқа бирликлар билан ўгирилиши ҳолатлари, Ўзбекистон ҳудуди ва муҳитида яшовчи қушлар ва жониворларни фарқламаслик, юртимиз табиатини билмаслик, миллий реалияларни тўлиқ идрок эта олмаслик туфайли тушунмовчиликлар юзага келгани кузатилади. Бу эса фольклор асаридаги миллий руҳни илғашга ҳалал беради. Демак, халқ оғзаки ижоди намуналарининг миллий ўзига хослиги фақат унинг мазмунидагина эмас, балки унда акс этган маиший ҳаётнинг бетакрор бадиий талқинида, образларининг реаллиги ва тилида яққол кўринади. Бироқ ўзбек тили фразеологик бирликларга, тасвирий ифодалар ва мақолларга бойлиги туфайли бу жиҳатдан таржимонларни қийин аҳволга солиб қўйган.

5. Бевосита таржимада асар услубига хос жиҳатларнинг аниқ берилиши таржиманинг асосий фазилатларидан бири. Бунда таржимон маҳорати, ўз она тилидаги билим ва кўникмалари яққол кўринади. Аслият миллий руҳини воситачи тил таъсирисиз ҳис қила олган таржимон миллий хос сўзларни хатоларсиз ўз ўқувчисига етказа олган ҳолатлар ҳам эътиборга сазовордир. Бунда таржимоннинг транслитерация, транскрипция, изоҳлаш усулидан фойдаланганлиги таржима муқобиллигини таъминлайди.

6. Ўзбек фольклори намуналари инглиз тилига бевосита ва билвосита таржима қилинган. Таржима бевосита аслиятдан эмас, воситачи тил орқали қилинса, воситачи тилга хос баъзи хусусиятлар, миллий маданият

тушунчалари матнга ёт белгиларнинг киришига, бу эса таржима матнида чалкашлик ва тушунмовчиликлар пайдо бўлишига олиб келади.

7. Фольклор асаридаги тимсоллар ва персонажлар тавсифининг таржимада аниқ акс этиши хорижлик ўқувчининг улар ҳақидаги тасаввурини кенгайтиради ҳамда миллат вакилларининг ўзига хос анъаналари, турмуш тарзи, урф-одатлари, ахлоқий-этиқодий қарашлари, кийим-кечаклари, таомлари, яшаш муҳити билан яқиндан таништиради. Хусусан, халқимизга хос меҳмондўстлик, бағрикенглик ва саховатпешалик, меҳнатсеварлик, сабр-бардошлилик фазилатлари акс эттирилган эпик намуналарни таржима қилишга алоҳида эътибор қаратилганлигини сезиш қийин эмас.

8. Таржимада аслият бадиийлигини сақлаб қолиш учун, аввало, матн услубини, унда акс этган миллий руҳни бера олиш шарт. Миллий хусусиятларни таржимада сақлаб қолиш, асосан, бир халқ турмушига хос тушунчаларни таржима тилига “ўзлаштириш” асосида кўринади. Баъзи материалларнинг таржима қилинмай ташлаб кетилиши, ёки тушириб қолдирилиши асар миллий хусусиятларининг таржимада ўз ифодасини топмаслигига сабаб бўлади.

Ўзбек халқ эртаклари инглизча таржималари воситасида хорижлик ўқувчининг эпик қаҳрамонларни кўз олдига келтира олишига эришиш энг муҳим вазифа саналади. Чет эл китобхони ўзбек миллий қаҳрамонини миллий кийимда ва миллий этиқодли ҳолда кўриши учун асардаги миллий рух, ўзбекона тароватни бериш – таржимоннинг қўлида. Ҳар қандай фольклор намунасини инглиз тилига ўгириш жараёнида шу ҳодисаларга эътибор бериш таржима асарининг бадиий-эстетик аҳамиятини оширади.

Интернет сайтлари орқали тарқалган таржималарда жанр хусусиятлари, миллий колорит, ижтимоий муҳит таржимон қобилиятигагина боғлиқ бўлиб қолиб, аслият матннинг тушунилишида ноқулайликлар келтириб чиқарган.

9. Ўзбек латифалари таржимасида миллий кулгили жиҳатларнинг берилишини ёритиш муҳим вазифа саналади. Афанди латифалари билан бир қаторда, инглиз тилига локал кўринишдаги латифалар ҳам таржима қилинган.

Натижада латифаларга хос миллий кулгини сақлаб қолиш йўллари изланган. Таржима қилинган латифаларда ҳам Афандининг ақл-заковати, ўзини тутиши, уддабурон ва сўзга чечанлиги, оддий халққа яқинлиги туфайли одамларни ҳар қандай муаммодан осонгина олиб чиқиб кетиши, баъзан эса содда ва лакма бўлиб кўриниши жуда табиий ва самимий тасвирланган.

Латифалар таржимасида ҳам миллий ифодаларнинг хорижий тилга “мослаштирилиши” таржимада адекватликка эришишда муаммоларни келтириб чиқарган. Бунда таржимоннинг матн хусусиятларидан беҳабарлиги ҳам сабаб бўлган.

10. Ўзбек фольклори намуналарининг инглизчага қилинган таржималари ўзбек-инглиз фольклор муносабатларини мустаҳкамлаш, иккала халқ маданий-маънавий ҳамкорлигини тараққий топтиришга кўприк бўлиши – шубҳасиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I.Ижтимоий-сиёсий адабиётлар:

1. Каримов И. Биз ўз келажагимизни ўз кўлимиз билан кураимиз.Т. 7. - Тошкент: Ўзбекистон, 1999. – 410 б.
2. Каримов И. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9. Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – 432 б.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент:Маънавият, 2008. – 174 б.

II. Илмий – бадиий адабиётлар:

4. Абдуазизов А.А. Шарқ халқи ижоди Ғарб назарида// Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 18 май, 1990.
5. Азадовский М.К. Статьи о литературе и фольклоре. М. –Л.: Гослитиздат, 1960. – 547 с.
6. Albert Wesselski. Der Hodscha Nasriddin. – Welmar, 1911 – 174 p.
7. Алпомиш. Халқ достони. Ёзиб олувчи М.Зарипов. Нашрга тайёрловчилар: Ҳ.Зариф, Т.Мирзаев – Т.: Шарқ, 1988. – 400 б.
8. Allworth E. Uzbek Literary Politics. 1964. – 180 p.
9. Афанди латифалари. Тўпловчи: Саримсоқов Б. – Тошкент: Ғ.Ғулом, 1989. – 271 б.
- 10.Бакаева М.К. Проблемы поэтического перевода английской литературы на узбекский язык (На материале переводов произведений Ж.Г.Байрона). – Дисс.на соис. канд.филол.наук. – Ташкент, 1980. – 147 с.
- 11.Бакаева М.К. АҚШ ва Англия адабиётидан ўзбек тилига шеърӣ таржима ва қиёсий шеършунослик муаммолари. Фил.фан.докт.дисс. – Тошкент, 2004. – 304 с.
- 12.Бархударов Л.С. О лексических соответствиях в поэтическом переводе// Тетради переводчика. – М.: “Международные отношения”, 1964. – с.18 – 23.
- 13.Бархударов Л.С. Язык и перевод. – ЛКИ, 2010. – 273 с.
- 14.Белинский В.Г. Полн. собр. соч. т.7. – М., 1953. – 653 с.
- 15.Бир бор экан...Ўзбек халқ эртаклари. – Тошкент: Мехнат, 1995. – 256 б.

- 16.Бородин А.И. Число и мистика. – Донецк, 1975. – 152 с.
- 17.Bowra C. “Heroic Poetry”. - London, 1961. – 808 p.
- 18.Вамбери Х. Бухоро ёхуд Маворауннахр тарихи. – Тошкент: FACH, 1990 – 96 б.
- 19.Vambery A. Scenes From the East (Through the Eyes of a European traveler in 1860). – Corvina, Kiads, Budapest,1979 – 418 p.
20. Vambery A. Sketches of Central Asia. – London, 1868. – 444 p.
21. Vambery A. Travels in Central Asia. – London, 1996. – 443 p.
- 22.Виноградов В.С. Введение в переводоведение. – М.: Изд-во ИОСО РАО, 2001. – 221 с.
- 23.Виноградов В.С. Лексические вопросы перевода художественной прозы. МГУ, 1978. – 174 с.
- 24.Воскобойник Г.Д. Когнитивный диссонанс и теория перевода// Вестник ИГЛУ Вопросы теории и практики перевода. Вып.3 Серия Лингвистика №6.–2001. – С.31.
- 25.Влахов С., Флорин С. Непереводимое в переводе.– М.: ИМО, 1980. – 344 с.
- 26.Гафурова Г. Развитие перевода в Узбекистане. – Т: Фан, 1973. – 159 с.
- 27.Гачечиладзе Г.Р. Вопросы теории художественного перевода. Тбилиси, 1970. –284 с.
- 28.Гачечиладзе Г. Художественный перевод и литературные взаимосвязи. – М.: Сов. писатель, 1972. – 253 с.
- 29.Гулямова Д. Драматургия Шекспира на узбекском языке. – Дисс.на соис. канд.филол.наук. – Ташкент, 1971. – 151 с.
- 30.Дюришин Д. Теория сравнительного изучения литературы. – Москва: Прогресс, 1979. – 320 с.
- 31.Еремина Л. О языке художественной прозы. – М: Наука, 1987. – 191 с.
- 32.Жалолов Ғ. Ўзбек халқ эртақлари поэтикаси. – Тошкент: Фан. 1976. – 72 б.
- 33.Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. – Москва, 1947. –518 с.

34. Zhirmunsky V.M. The Epic of “Alpamysh” and the Return of Odysseus.// Proceedings of the British Academy, 52, 1966. – London. – 286 p.
35. Жўраев К. Таржима санъати. – Тошкент: Фан, 1982. – 60 б.
36. Жўраев М. Рақамларда яширинган олам. – Тошкент: Ўзбекистон, 1986. – 21 б.
37. Жўраев М. Ўзбек халқ эртакларида сеҳрли рақамлар. – Т.: Фан, 1991. – 152 б.
38. Жўраев М. Ўзбек халқ самовий афсоналари. – Тошкент: Фан, 1995. – 108 б.
39. Жўраев М., Нарзиқулова М. Миф, фольклор ва адабиёт. – Тошкент: А.Навоий номидаги Ўзбекистон МК, 2006. – 184 б.
40. Жўрахонова З. Кенжа ботир ҳақидаги эртакларнинг ўзига хос хусусиятлари. // Ўзбек тили ва адабиёти, 2009, 1-сон. – Б.82 – 85.
41. Зумрад ва Қиммат. Ўзбек халқ эртаклари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1990 – 346 б.
42. Имомов К. Ўзбек халқ эртаклари. Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. – Тошкент, 1981. – 273 б.
43. Имомов К., Мирзаев Т., Саримсоқов Б., Сафаров О. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Тошкент: Ўқитувчи, 1990 – 304 б.
44. Имомов К. Ўғай қиз типидagi туркум эртакларнинг айрим хусусиятларига доир.// Ўзбек тили ва адабиёти, 1997, 3-сон. – Б.33 – 36.
45. Имомов К. Пари образининг мифо-эпик талқини.// Ўзбек тили ва адабиёти, 2007, 3-сон. – Б.36 – 39.
46. Каримов Ш. Диллардан дилларга. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. – 159 б.
47. Кароматова К. Леймотивы трагедии Уильяма Шекспира «Макбет» в узбекских переводах. – Дисс.на соис. канд.филол.наук. – Ташкент, 1989 – 147 с.
48. Кенжа ботир. Ўзбек халқ эртаклари туркумидан. – Тошкент: Чўлпон, 1991. – 254 б.

49. Khodja Nasriddin. – Тошкент: Санъат, 2007. – 85 p.
50. Клишин А.И. Практика перевода английских текстов. Пособие для всех. – Москва: Андра, 2003. – 96 с.
51. Комиссаров Н.В. Слово о переводе. – Москва: Международные отношения, 1973. – 215 с.
52. Комиссаров В.Н. Теория перевода (лингвистические аспекты). – М.: «Высшая школа», 1990. – 252 с.
53. Комилов Н. Тафаккур карвонлари. – Тошкент: Маънавият, 1999. – 279 б.
54. Кононов А.Н. Способы и термины определения стран света у тюркских народов. Тюркологический сборник. – Москва. 1976. – С.72 – 89
55. Конрад Н.И. Запад и Восток. – Москва: Гл.ред.восточ.лит-ры, 1972. – 496 с.
56. Кэтфорд Джон К. Лингвистическая теория перевода// Вопросы теории перевода в зарубежной лингвистике. – Москва: ИМО, 1978. – С.91-114
57. Lamont C. The Peoples of the Soviet Union. – New York, 1946. – 229 p.
58. Латифалар. Ўзбек халқ ижоди. – Тошкент: Бадиий адабиёт, 1965. – 380 б.
59. Латышев Л.К. Эквивалентность перевода и способы её достижения. – М.: Международные отношения, 1981. – 248 с.
60. Laude-Cirtautas, I. Marchen der Usbeken. Samarkand, Buchara, Taschkent. Koln, 1984. – 223 p.
61. Лилова А. Введение в общую теорию перевода. – Москва, Высшая школа, 1985. – 256 с.
62. Мастерство перевода. – Москва, Сов.писатель. Сбор. 8, 1971. – 488 с.
63. Мастерство перевода. – Москва, Сов.писатель.Сбор. 9, 1973. – 527 с.
64. Мастерство перевода. – Москва, Сов.писатель.Сбор. 10, 1975. – 501 с.
65. Мастерство перевода. – Москва, Сов.писатель.Сбор.11 , 1977. – 502 с.
66. Микулина Л.Т. Передача своеобразия национальной культуры в переводе: Автореф.дисс. ... канд.филол.наук. – Л., 1977. – 15 с.

67. Мирзаева С. Ўзбек реалистик адабиётида фольклор аънаналари. Фольклоршуносликдан ўқув-услубий қўлланма. – Т.: ”Истиқлол”, 2005. – 83 б.
68. Миф – фольклор – литература. – Л.: Наука, 1978. – 252 с.
69. Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. – Тошкент: Фан, 2005. – 352 б.
70. Nida Eugene A. Towards a Science of Translating. Leiden, E.J.Brill, 1964. – 196 p.
71. Нестеров С.П. Конь в культурах тюркоязычных племен Центральной Азии в эпоху средневековья. – Новосибирск: Наука, 1990. – 143 с.
72. Нурмурадов Ю. Проблема научно-литературного перевода узбекского фольклора на немецкий язык. Дисс. на канд. филол. наук. – Ташкент, 1982. – 148 с.
73. Нурмуродов Й. Ўзбек фольклори немис тилида. – Тошкент, Фан, 1987 – 58 б.
74. Oltin beshik. O'zbek xalq ertaklari. – Toshkent: Cho'lpon NMU, 2007. – 224 в.
75. Paksoy H.B. “Alpamysh” Central Asian Identity under Russian Rule. USA, AACAR, 1989. – 683 p.
76. Petersen Marilyn. Treasury of Uzbek Legends and Lore. – Toshkent: Qatortol-Kamolot, 2000. – 180 p.
77. Попович А. Проблемы художественного перевода. – Москва: Высшая школа, 1980. – 199 с.
78. Поэзия и проза Древнего Востока. Сборник. – М.: Художественная литература, 1973. – 735 с.
79. Привалов Б. Анекдоты Омирбека. – Нукус: Каракалпакистан, 1970. – 270 с.
80. Пропп В.Я. Исторические корни волшебной сказки. – Ленинград: ЛГУ. 1986. – 430 с.
81. Пропп В.Я. Фольклор и действительность. – М.: Наука, 1976. – 325 с.

- 82.Пўлатов Ю. Ўзбекистонда чет эл адабиётини ўрганишга доир. – Тошкент: Ўқитувчи, 1975. – 55 б.
- 83.Рахимбаева Д. Сравнительная типология узбекских народных пословиц. Дисс.на соис. канд.филол.наук. – Тошкент, 2002. – 154 с.
- 84.Reichl Karl. Turkic Oral Epic Poetry: Traditions, Forms, Poetic Structure. Garland Publishing,inc. New York & London., 1992. – 395 p.
- 85.Reichl K. Uzbek Epic Poetry: Traditions and Poetic Diction. Hainsworth, 1989. – 198 p.
- 86.Рецкер Я.И. Пособие по переводу с английского языка на русский язык. Москва: Просвещение, 2006. – 254 с.
- 87.Рецкер Я.И. Теория перевода и переводческая практика. – М.: «Международные отношения», 1974. – 216 с.
- 88.Русская литература и фольклор (XI-XVIII). – Л.: “Наука”, 1970. – 430 с.
- 89.Русские писатели о языке. – Ленинград, 1965. – 192 с.
- 90.Рўзимбоев Х. Хоразм фольклорининг хорижда ўрганилиши тарихидан. Фил.фан.ном.дисс. – Тошкент, 1996. – 154 б.
- 91.Саломов Ғ. Тил ва таржима. – Тошкент: Фан, 1966. – 385 б.
- 92.Саломов Ғ. Таржима назарияси асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983. – 230 б.
- 93.Саломов Ғ. Таржима назариясига кириш. – Тошкент: Ўқитувчи, 1978. – 220 б.
- 94.Саломов Ғ., Комилов Н. Дўстлик кўприклари. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – 222 б.
- 95.Саломов Ғ., Комилов Н., Салимова З., Жўраев К., Отажонов Р. Таржимон маҳорати. – Тошкент, 1979. – 195 б.
- 96.Саломов Ғ. Адабий анъана ва бадиий таржима. – Тошкент: Фан, 1980. – 160 б.
- 97.Саломов Ғ. Таржима ташвишлари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. – 195 б.

98. Салямов Г. Литературные традиции и проблемы художественного перевода. Сопоставительно-стилистический и типологический анализ. – Дисс. на соис. докт. филол. наук. – Ташкент, 1986. – 314 с.
99. Сафаров О. Ширинқишлоқ латифалари. - Бухоро, 1994. – 59 б.
100. Сафаров О. Латифаларнинг латиф синоатлари // Педагогик маҳорат, 2005, 3-сон. – Б.31 – 36.
101. Сафаров О. Тўра Мирзаев // Адабий портрет. – Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2006. – 145 б.
102. Safarov O., O`rayeva D. O`zbek xalq og`zaki badiiy ijodi. 2 jildlik. 1-jild. – Buxoro: BuxDU nashriyoti, 2006.
103. Собиров О. Фольклор анъаналари ҳақида мулоҳазалар // Ўзбек тили ва адабиёти, 1968, 6-сон. – Б.24 – 27.
104. Собиров О. Ўзбек совет адабиётида фольклор ва фольклор анъаналари // Ўзбек совет фольклори масалалари. Тадқиқотлар. 1-китоб. – Т., 1970. – Б.125–143.
105. Собиров О., Имомов К. ва бошқалар. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Т.: “Ўқитувчи”. 1980. – 356 б.
106. Собиров О. Халқ ижоди хазинаси. – Т.: FACH, 1980. – Б.79 – 88.
107. Сулаймонов М. Опыт научного обобщения проблем художественного перевода в аспекте сопоставительной стилистики. – Дисс. на канд. филол. наук. – Ташкент, 1974. – 152 с.
108. Сулаймонова Ф. Шекспир Ўзбекистонда. – Тошкент: Фан, 1978. – 151 б.
109. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 416 б.
110. Tales from the Silk Road. – UNESCO, 2004. – 42 p.
111. Таржима назарияси масалалари. Мақолалар тўплами. №540. – Тошкент, 1977. – 95 б.
112. Тилавов А. Ўзбек халқ дostonларидаги от образининг тарихий асослари ва бадий талқини. Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т., 2000. – 154 б.
113. Тимофеев Л.И. Основы теории литературы. – Москва, 1966. – 447 с.

114. Турсунов З. Эртақлар таржимасида миллий колоритни қайта яратиш. – Ўзбек тили ва адабиёти. 2004, 5-сон. – Б.70 – 72.
115. Узбекские народные сказки. – Ташкент: Узполиграфия, 1951. – 207 с.
116. Узбекские народные сказки. – Ташкент: ЦККП Узб, 1986. – 320 с.
117. Узбекские народные сказки. Т.І – ашкент, 1988. – 320 с.
118. Узбекские народные сказки. Т.ІІ – Ташкент, 1988. – 318 с.
119. Uzbek Fairies Tales. – Toshkent: Sharq, 2007. – 111 p.
120. Uzbek Folk Tales. – Byshkek, Kyrgyzstan, 1977. – 227 p.
121. Умаров А. Юксак санъат йўлида. – Тошкент: Ғ.Ғулум номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. – 167 б.
122. Умуров Ҳ. Адабиёт назарияси: (Дарслик). – Т: Шарқ, 2002. – 256 б.
123. Усмонова З. Эртақ-новеллаларда конфликт. – Ўзбек тили ва адабиёти, 1996, 6-сон. – Б.32–35.
124. Ur, to'qmoq. O'zbek xalq ertagi. – Toshkent: Sharq, 1999. – 16 в.
125. Файзуллаева Р. К проблеме передачи национального колорита в художественном переводе: Дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1972. – 225 с.
126. Файзуллаева Р. Национальный колорит и художественный перевод. – Ташкент: Наука, 1979. – 110 с.
127. Фольклор в современном мире: аспекты и пути исследования. – Москва: Наука, 1991. – 184 с.
128. Fowler A. Kinds of Literature. An Introduction to the Theory of Genres and Modes. – Oxford, 1982. – 359 p.
129. Федоров А.В. Основы общей теории перевода. – Москва: Высшая школа, 1986. – 395 с.
130. Федоров А.В. Введение в теорию перевода. – Москва, 1958. – 336 с.
131. Фольклор, литература и история востока // Материалы всесоюзной тюркологической конференции. – Т.: Фан, 1984. – 422 с.
132. Фольклор. Поэтика и традиция. – М.: Наука, 1982. – 344 с.

133. Фрезер Д.Д. Фольклор в ветхом завете. 2-е изд. – М.: Политиздат, 1985. – 511 с.
134. Халқ сўзи. Анъанавий ўзбек қадриятлари ҳамда урф-одатларини сақлаш ва қайта тиклаш: хориждан нигоҳ. – Жаҳон АА. 2007 йил, 5 июль. №130.
135. Хуснобод. – Тошкент: Ўқитувчи, 1989. – 32 б.
136. Chadwick H.M. and N.K. The Growth of Literature. 3 vol. Cambridge. 1970. – 273 p.
137. Chadwick H.M. and V.Zhirmunsky. Oral Epics of Central Asia. Cambridge, 1969. – 145 p.
138. Schoolbraid H.M. The Oral Epic of Siberia and Central Asia. Indiana, 1975. – 478 p.
139. Чуковский К.Н. Высокое искусство. – Москва, 1968. – 448 с.
140. Шамсиева Б. Вопросы узбекского фольклора в зарубежном литературоведении. Дисс. на канд. филол. наук. – Ташкент, 1994. – 147 с.
141. Шаниязов К.К. К этнической истории узбекского народа. – Ташкент: Фан, 1974. – 342 с.
142. Шарипов Ж. Бадиий таржималар ва моҳир таржимонлар. – Тошкент: Фан, 1972. – 260 б.
143. Шарипов Ж. Ўзбекистонда таржима тарихидан. – Тошкент: Фан, 1966. – 484 б.
144. Шахназарова Л. Всемирное остроумие. Из цикла «Приключения смеха». – Ташкент: Шарк, 1994. – 528 с.
145. Shah A. Tales From Bazaars of Arabia. – London, Postcolonial Ltd. 1980 – 224 p.
146. Shah A. Fairy Tales of the Central Asia. E-book on www.yahoo.com
147. Shah A. Fairy Tales of Arabia. E-book on www.yahoo.com
148. Shah I. The Pleasantries of Incredible Mulla Nasrutdin. – London, 1974. – 155 p.

149. Shah I. The Exploits of the Incomparable Mulla Nasrutdin. – New York? 1974. – 156 p.
150. Ширяев Ф.В. Синхронный перевод. Деятельность синхронного переводчика и методика преподавания синхронного перевода. – Москва: Военное изд-во Министерства обороны, 1979. – 183 с.
151. Эгамов Х. Совет Шарки туркий халқлари эртақчилик анъаналари алоқалари тарихидан очерклар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1982 – 289 б.
152. Юсупов Ж. Хоразм эртақлари поэтикаси. – Урганч, 2005. – 210 б.
153. Ўзбек фольклори очерклари. Уч томлик, 1-том. – Т., 1988. – 131 б.
154. Ўзбек халқ эртақлари. I-III том. – Тошкент: Шарқ, 2007. – 383 б.
155. Ўраева Д. Ўзбек мотам маросими фольклори. – Т.: “Фан”, 2004. – 120 б.
156. Қадимий Афанди латифалари. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. – 46 б.
157. Қаюмов О.С. Ўзбек фольклорида пари образи (генезиси ва поэтикаси). Фил.фан.док. дисс. – Тошкент, 1999. – 321 б.
158. Қодирова И. Халқ оғзаки ижоди (қисқача курс). – Тошкент: А.Қодирий, 2002. – 64 б.
159. Қўчқорбеков О. Афанди уйланармиш ёхуд шифобахш кулгилар. – Тошкент: Шарқ, 2000. – 77 б.

III. Луғатлар:

160. Литературный энциклопедический словарь//Под ред. В.М.Кожевникова. – М.: «Советская энциклопедия», 1987. – 750 с.
161. Oxford Advanced Learner’s Dictionary. – Oxford University Press, 2005. – 1780 p.
162. Oxford Learner’s Word Dictionary. New addition. – Oxford, 2003. – 794 p.
163. Русча-ўзбекча луғат. – Т.: “Ўзбек Совет Энциклопедияси Бош редакцияси”. 1983. – 808 б.
164. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Москва: Русский язык, 1981. – 715 б.

165. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси давлат нашриёти, 2005. 5 жилдлик.

IV. Интернет сайтлари:

166. www.art.com
167. www.folklore.com
168. www.librus.ru
169. www.literature.ru
170. www.natlib.com
171. www.ozon.ru
172. www.yahoo.com

М у н д а р и ж а :

КИРИШ.....	3
I боб. ЎЗБЕК ФОЛЬКЛОРИ НАМУНАЛАРИНИНГ ИНГЛИЗ ТИЛИГА ТАРЖИМАЛАРИ ВА ЎРГАНИЛИШИ	8
I.1. Ўзбек фольклори намуналарининг инглиз тилига таржималарига асос бўлган омиллар.....	8
I.2. Ўзбек фольклори муаммолари инглиззабон туркшунослар талқинида.....	16
II боб. ЎЗБЕК ХАЛҚ ЭРТАКЛАРИ ТАРЖИМАСИДА МИЛЛИЙ КОЛОРИТНИНГ ИФОДАЛАНИШИ.....	33

II.1. Эртактлар таржимасининг лисоний ва услубий қулайлик ва ноқулайликлари.....	33
II.2. Бевосита таржимада миллий-бадий хусусиятларнинг акс эттирилиши.....	49
II.3. Билвосита таржимада миллий колоритни ифодалаш.....	60
III боб. ЛАТИФАЛАРНИНГ ИНГЛИЗ ТИЛИДАГИ ТАРЖИМАЛАРИДА ЖАНР ХУСУСИЯТЛАРИ ВА МИЛЛИЙ ЮМОРИСТИК РУҲНИ ҚАЙТА ЯРАТИШ.....	74
III.1. Латифалар таржимасида халқ кулгисини акс эттириш йўллари	74
III.2. Латифалар таржимасида миллий тимсол ва бадий тасвир воситаларини қайта яратиш.....	85
ХУЛОСА.....	91
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	94